Кўз олдимга инсонларни келтирдим. “Миясиз” яшаётганлар кўп эди, бирок барибир миялари бор эди уларнинг. Хеч ишлатилмаган “яп-янги” миялари!..

Мен алжирай бошлагандим. Энди ётиб ухлашим лозим...
Мехмонхонадан кундузги соат ўн бирлар атрофида чикдим. Энг аввал уйга бориб болаларимни кўришни ўйладим. Ичимга чирок ёкса ёришмас даражада гамгин эдим. Бу холатда болаларимга кўринишни истамасдим. Шу боис аввал дўхтирга боришни маъкул кўрдим.
Кечагига нисбатан анча сокин холатда эдим. Дўхтиримнинг сўзларини диккат билан тингладим. Миямдаги шиш пешона тарафимда экан. Шиш ўта калтис ерда жойлашганидан, уни оператсия килиш имконсиз эмиш. Хаттоки Оврўпа ва Америка тиббиёти хам бу муаммо каршисида ожиз экан.
Мен Оврўпагаям, Америкагаям бормадим.
Аввал Истанбулга, у ердан Анкарага ўтдим. Бир хафта ичида мутахассислар ёрдамида рентген суратларини чикартирдим. Барча профессорларнинг хулосаси Закийбекники билан деярли бир хил эди...
Шундай килиб, бир хафта давом этган югур-югурларимдан кейинги фарк, колган олти ой умримдан яна бир хафтанинг камайгани эди!..

* * *

Измирга кайтгач, соч-соколимни тартибга келтиртирдим-да, бир даста гул олиб уйга йўл олдим. Оиламдагиларни касаллигимдан вокиф килишни истамасдим. Закийбекни хам бу хусусда огохлантириб кўйгандим. Эшик олдига келганимда эса юрагимнинг хаяжондан потирлаб ураётганини янада каттикрок хис килдим. Ўзимни кўлга олишга уриниб бир муддат туриб колдим, сўнг кўнгирокни босдим. Эшикни Ширин очди.
– Ассалому алайкум!..
“Ассалому алайкум” дегач, “Хуш келибсиз, хаётим!..” дея секингина шивирлади.
Жилмайдим. Кўлимдаги гулларни узатар эканман, “Хуш кўрдик!” дедим.
Гулларни олаётиб кўзлари кувончдан порлаб кетди. У орамиздаги бундай илик муносабатлардан бехад севинарди. Ва буни мехр-мухаббат ифшоси дея кабул киларди. Хакикатда хам шундай эди. Аёлимга бўлган севгимни шоирона ширин сўзлар билан ифодалашни уддалай олмаганимдан, менга хам гуллар воситасида изхор килиш осонрок эди.
Энди кечки овкатни ейиш учун тўпланиб ўтиришган экан. Биринчи бўлиб ўглим Кутсал пешвоз чикди. “Ассалому алайкум, полвон!” дедим. “Ваалайкум-ассалом, дадажон!” дея кўлимни ўпди. У билан шундай саломлашишни ёктираман. Ўглимда боболаримиздан мерос колган урф-одатларимизни кўришни истардим.

– Ассалому алайкум, дадажон! Хуш келибсиз!
Бу майин овоз кизим Асмоники эди. Суюкли онажонимнинг исмларини кўйгандик унга. “Хуш кўрдик султоним!” дея багримга босдим уни. Уйимизнинг султони эди у.
– Хўш кандайсан, султон?– эркаладим.
Жавоб бермади. Ширингина жилмайиб, мени ўпиб кўйди.
Биргаликда овкатланиш хонасига кирдик.
Бир-икки лукма ейиш билан кифояландим-да, болаларимни кузата бошладим. Илгари болаларимга караганимда келажакка оид нарсалар хакида хаёл сурардим.
Суюкли кизим катта бўлса, онасидек, хатто онасидан-да окила бека бўлади. Уни ўзим турмушга узатиб, бенихоят гўзал, шинам уй олиб бермокчи эдим. Бир кучогимда набирамни олиб, иккинчи кўлимда кизимни кучганча сайрга чикишни орзу килгандим!..
Арслон ўглим Кутсални эса, билимли, тарбияли ишбилармон килиб етиштирмокчи эдим. Барча ишларимни унга топширганимдан кейин, улкан бир яхта курдириб, дунё бўйлаб икки-уч йиллик саёхатга чикмокчи эдим!.. Бирок, барчаси тугаганди!..
Болаларимга карар эканман, олти ойдан нарёгини кўра олмасдим!..
Олти ой сўнггидаги манзара эса, менинг орзуларимни остин-устун килиб юборган эди. “Юрагим пора-пора бўлди!..” деганларнинг ахволи менимча худди шундай бўлса керак, калбим вайрон бўлган эди. Рўпарамда овкатланаётган икки фарзандимни эмас, оталаридан эрта айрилган саккиз ва ўн бир ёшдаги етимларни кўрардим!..
Галати бўлиб кетдим. Бўгзимга аччик бир нарса тикилиб колгандек туюлди. Бутун юзимга харорат ёйилган, ич-ичимдан тошиб келаётган кайнок бир нарса кўзларимни тўлдираётганини хис килдим.
Йиглаётгандим!.. Огзимни бекитганча дархол ўрнимдан турдим.
“Негадир кўнглим бехузур бўляпти”, дея ўзимни ваннахонага урдим. Эшикни бекитишим баробарида кўз ёшларим селдек куюлди. Неча йиллардир йиги не эканини унутган менингдек бахтиёр инсон тўйиб-тўйиб йиглардим... Овозимни босишга нечоглик уринмай, ўкраб-ўкраб йиглардим... Ташкарига эшиттирмаслик максадида ваннадаги жўмракларни охиригача очиб юбордим. Тепадан фавворадек отилиб тушаётган сувнинг остига кийимларим билан кирар эканман, нима килаётганимни фахмлашдан ожиз эдим...
Шиддат билан окаётган сув кўз ёшларимга коришиб юзимни юварди.
Менга нима бўлди, не кўйга тушдим?..
Ха, ваннада икки букланиб ўтирганча сел бўлиб йиглаётган бу одам ¬¬¬– кўпчилик унга хасад киладиган ва унинг ўрнида бўлишни исташган бир жаноб, катта ишбилармон киши бўлган – Салжукбей эдим!..
Машинамда Гозийамирга, яъни фабрикага караб йўл олдим. Энди нима килишим кераклиги хакида хали бир карорга келмагандим. Бундай карорга келгунимга кадар худди хеч нарса бўлмагандек, эски яшаш тарзимни, одатий бўлган ишларимни давом эттирмокчи эдим.
Албатта бу ташки кўринишим эди!..
Ички дунёмда эса, аллакачон киёмат кўпган, киёматдан кейинги сукунат хукмрон эди гўё!..
Истасам хам, истамасам хам тўхтовсиз ўлим ва ўлишим хакида ўйлар эдим! Хамма нарсага ана шу ўлим тушунчаси билан ёндашар, хар бир нарсани ўлим тушунчасидан келиб чикиб мушохада килар эдим. Фабрикага боргач, ўзимдаги бу ўзгаришни янада аник хис килдим. Гўё бошка бировнинг фабрикасига киргандек эдим! Атрофимга бокарканман, иш хусусида хеч качон бундай бегам, бепарво бўлганимни эслай олмайман.

Хеч нарса кизиктирмай кўйганди. Етти минг беш юз кишига мўлжалланган Белчика буюртмаси икки кун ўтган бўлишига карамай, хануз тайёр эмасди. Сабабини хам сўраб ўтирмасдан "хечкиси йўк", дедим.
Кўл остимдагиларнинг хайрати кўзларида намоён эди! Илгари бундай холатда хаттоки сабабли бўлса хам ўта талабчанлигим туфайли ходимларимни жазосиз колдирмасдим.
Фабрикада узок вакт айланиб юрдим. Илгари ишчилардан кўра килинган ишларга кўпрок эътибор берардим. Энди эса мени иш эмас, ишчилар кўпрок кизиктирар, уларни якинрокдан танишга харакат килардим. Хеч бири бошкасига ўхшамас, хар бири бир олам эди. Сўнгги ўн йил ичида инсонлардан анча узок яшаганимни хис килдим.
"Элликта ишчи, юзта ишчи олинг", дердим ходимлар билан шугулланадиган ёрдамчимга.
Буни гапирар эканман, кўз ўнгимда факатгина бир гурух жонзотлар намоён бўларди.
"Мен учун ишлайдиган хамда мен туфайли кун кечирадиган бир гурух инсонлар!"
Холбуки, хар бири ўзга бир олам эди уларнинг!..
Ишчиларимга нисбатан кишилик назари билан эмас, рухият эътибори ила карарканман, зехнимнинг ўзга-ўзга инсон типлари билан тўлганини хис килдим. Хам фабрикани айланар, хам ўз-ўзимга "Ишчилар жуда кўп экан-ку!" дердим.
Ишлаётган бир ишчидан сўрадим:
- Ким учун ишлаяпсан?
У бир муддат нима дейишини билмай хаяжонланиб турди-да, сохтакорона бир кулгу билан "Сиз учун, жаноб!.." дея жавоб берди.
Беномус ёлгончи!.. Айтган сўзи тўгри эди бирок, ўзи ёлгончи эди. Унинг жавобини эшитган бир неча ишчилар хам кулимсирашди. Юзида кулгу акс этмаган биргина ишчига кўзим тушаркан, унинг ёнига бориб сўрадим:
– Исминг нима?
Ўйлаб хам ўтирмасдан жавоб берди:
- Ишчи.
Унинг бу жавоби менинг кулгимни кистаган эди. Айни саволни унга хам бердим:
- Сен ким учун ишлаяпсан?
Багоят хотиржам ва жиддий киёфада жавоб берди:
- Оилам учун...
Бу жавоб менга нихоятда маъкул келганидан бир озгина ўйланиб турдим-да, бошимни кимирлатганча "Жуда соз" дедим.
Пастдан юкори каватга чикарканман, ўринбосарим халлослаганча ёнимга келди ва:
- Жаноб, "Юлдуз" гурухининг вакиллари келишди, сиз билан кўришмокчи эканликларини билдиришяпти. Янги сезонга оид шартнома тузишни маслахатлашишмокчи экан,– деди.
Янги сезонгача саккиз ой бор эди!.. Янги сезон бошланган вактда мен икки ойлик маййит бўламан, мен билан кандай килиб шартнома тузишлари мумкин?! Кўлимни силкиганча "Кўявер", дедим. Ўринбосарим ханг-манг бўлиб колди. Сал ўзига келгач:
- Жаноб, ўзингизга маълум, бу гурухнинг кўрсаткичи жуда юкори,– деди дудукланиб.
- Биламан, сенга кўявер дедим-ку,– дедим бепарво охангда.
- Улар билан учрашмайсизми?
- Насиб килса, янги сезонда!..
Бирок, насиб килишидан хеч хам умидим йўк эди. Эшикка йўналарканман, кўшиб кўйдим:
- Бу хафта ишчиларга хадя сифатида кўшимча маош таркатинг.
Унинг эси огиб колаёзди. Чунки, кўшимча маош хакида унча-мунча бошлик гапириш у ёкда

турсин, хаёлидан ўтказишни хам хохламайди. Ишчиларга бериладиган кўшимча маош хисобига махсулотнинг таннархи ошиши аник эди. Эркин ракобат бор ерда таннархни ошириш эса, аклга сигадиган иш эмасди.
Ташкарига чикдим. Хайдовчим машина ёнида кутиб турарди. Машинага ўтирмадим. Бир оз бог айланмокчи эдим. Аввал коровулнинг ити ёнига бордим. Копогон экани кўриниб турса-да, ажойиб итга ўхшарди. Уч-тўрт йил олдинги вокеа ёдимга тушди. Дала ховлимиз богида бир итимиз бўларди. Етти-саккиз ойлик бўлган итга бежиримгина уя курдиргандик. Итга бир неча бор овкат бераётиб, бог девори оша кирк-кирк беш ёшлардаги кишининг биз томонга диккат билан караб турганига кўзим тушди.
Итга караб турармиди ёки пиширилган гўштгами, билолмадим. Эртаси куни яна айни манзарага гувох бўлдим. Унинг ёнига бориб, “Тинчликми?” дея сўрадим. Бошини секингина ёнига эгганча “Шундай ўзим...” деди. Сўнгра ийманибгина:
- Жаноб, шу итнинг ўрнига мени богласангиз, тун бўйи то тонгга кадар кўрикчилик киламан. Зарра кадар хавф сезишим билан овоз бераман...– деди.
Хайрат ичра унга карадим. Кўзларимдан кўзини олиб кочди. Хижолати ортганидан бўйнини букди. Сўнг паст овозда илова килди:
- Хохласангиз, хураман хам...
Шундагина унинг хазиллашаётганини тушуниб колдим. Ках-ках уриб куларканман, хазилга хазил билан жавоб бергим келди:
- Итнинг уясида жой йўк, бирок, товукхонадан топилади. Тухум кўя оласизми?– дедим.У кулгидан икки букилиб колади, дея тахмин килгандим. Лекин, у хасрат тўла кўзларила менга бир бор тикилди-ю, ортига бурилганча илдамлаб кетди...
Ха... Хар бир инсон ўзга бир олам.
Фабриканинг орка тарафига келганимда кўзим энг аввал масжидга тушди. Ўн кун олдин икки ракат намоз ўкигандим унда. Яна Аллохни эсладим. Кейинги ўн кун ичида качон Аллохни эсласам, дарров фикримни бошка тарафга буришга харакат килар, Аллохни эслашни истамасдим.
Аллохдан хафамидим? Рости, хафа бўлгандим!.. Гарчи, “Куён тогдан ранжибди аммо, тог бундан бехабар эмиш”, деган иборани билсам-да, барибир Аллохга карши исён, норозиликка ўхшаган туйгулар ич-ичимда мавжуд эди. Очигини айтсам, бошимга тушган бу дардни хеч шубхасиз, Аллохдан деб билардим. Бу Аллохнинг бир такдири эди!.. Яхши, бирок нимага айнан шиш, бошка бир хасталик эмас?
Ва нимага айнан мен? Ўз жонига касд килган, ёхуд ўзини ўлдиришни истаган канчадан-канча одамлар колиб, нега айнан мен?
Имонсиз, амалсиз шунча инсонлар бўла туриб, нега мен?.. Рамазонларда рўза тутмаганмидим!.. Таробех намозларига бормаганмидим!.. Факирларга ёрдам бермаганмидим!.. Аклимни таниганимдан бери кайси жума намозини колдиргандим!.. Ва каршимда турган шу масжидни хам динимнинг, имонимнинг амри билан курдирмаганмидим!.. У холда, нега-нега энди мен?
Бу саволлар остида эзилдим. Маъюс нигохларимни яна масжидга тикдим. Бехудага масжид курдирган эканман, деган фикр ўтди миямдан!.. Ўша лахзада бу фикрни тўгри хам, нотўгри хам деёлмадим. Аммо, бу хато эди!.. Кайсидир сабаб билан бир кун барибир ўламиз. Бир масжид курдириш ва унда икки ракат намоз ўкиш, пушаймон бўладиган иш эмасди. Охират хаётида, хисоб кунида ўзимизга фойда берадиган амаллар эди булар. Шуларни ўйларканман, тахорат олишга ва шу масжидда яна икки ракат намоз ўкишга карор килдим. Тахоратга тайёрланарканман, ичимдан бир овоз: “Гурурсизлик киляпсан.

Бошкаларга ўхшаб, сен хам ожизлик киляпсан!..” деди.
Жавоб бермадим. Балки тўгридир... Бир пайтлар кимсан Салжукбей бўлган мендек одамнинг энди оддий одамлардан хеч кандай фарки колмаганди. Ортик бу хакда ўйлашни истамадим. Хам “Хар ишда бир хикмат бордир”, дейдилар. Балки, бу хасталикда хам мен учун бир хайр бордир...
Бу сўзимга ўзимнинг хам ишонгим келмасди. Ўлимда кандай хам хайр бўлсин?

Хулёнинг олдига бордим.
Кейинги кунлар ичида ўйлаб кўриб, у билан ажрашишга карор килгандим. Ўлмасимдан олдин унга бир нарсалар колдириб, кейин “умр дафтаримнинг бу сахифаси”ни ёпишни истардим.
Мени хаяжон ичра очик чехра билан кутиб олди. Тўгриси, хамиша шундай кутиб оларди! Ишларим бор эканини, узок кололмаслигимни айтдим. Эътирозли нигохлар билан каради, аммо бир сўз демади. Гапиргани билан хеч нарса ўзгармаслигини яхши биларди. Чунки, каерда, канча колишимга ўзим карор берардим. Чой дамлаб келишини сўрадим. Чой ичарканмиз, ўн беш-йигирма дакика у ёк-бу ёкдан гаплашиб ўтирдик. Сўнгра, охисталик билан ажрашишимиз кераклигини айтдим.
Аввал хайрат, сўнгра кўз ёшлар... Хакикатдан йигларди, бирок, нима учун йиглаётгани менга коронгу эди. Хулёдан фарзандим йўклигидан илк бора севиндим.
- Нега бундай карорга келдингиз,Ширин опа шуни хохлаяптими?..
- Йўк, бу гапни каердан олдинг? Ахир у сени билмайди-ку!
Ширин ростдан хам билмасди. Билмадим, негадир унга айтмагандим... Зотан, Хулё билан турмуш курганимизга икки йил бўлганди. Никохимизни ўкиган имом домла билан гувохлик килган бир нечта якинларимиз биларди, холос. Бошка хеч кимга айтмаган, айтишни истамагандим.
Никохимизни эсладим. Шаръан уйланганим боис, шаръан ажрашишимиз лозим эди. Унга карадим-да, “Сенинг жавобингни бердим!” дедим. Бу сўзни бир марта айтиш кеpакмиди, ёки икки мартами, аник билмасдим. Хар эхтимолга карши яна бир бора такрорладим:
- Сенга жавоб!
Кўз ёшларини артаркан, сўради:
- Бу нима деганингиз, нега менга жавоб бўларкан?– деди.
- Биз шаръий никох билан турмуш курганмиз. Ана шу никох хозирги айтган сўзларим билан бузилади. Энди менинг хотиним эмассан,– дедим.
Бирок, гапларимга ахамият бермасдан, деразa оша олисларга тикилганча хаёлга чўмди. Менимча, бирга ўтказган онларимизни эслаётган эди. Иккимиз хам бу муносабатларимиз мухаббатга эмас, ўзаро манфаатдорлик асосига курилган эканини билардик.
Бу кайгули ажралиш онларининг узок давом этишига токатим йўк эди. Чўнтагимдан сотиш ваколатномаси билан бирга банкда унинг номига очдирган хисоб дафтарини олдим-да, узатдим ва:
- Шу уй билан мана бу хисоб дафтари сенга,– дедим.
Бир муддат жим колди. Хафалиги бир оз таркагандек эди. Сўнгра бўгик овозда “Кераги йўк”, деди. Кўлимдагиларни стол устига кўяркanман, “Мен шуни хохлайман. Бир-биримизга кўп хаккимиз ўтди”, дедим.
- Нима, бу тўловми? Бирга ўтказган яхши кунларимизнинг бадалими?– сўради.
Кўлимнинг оркаси билан юзига уриб юборгим келди. Фохишаларнинг гапини гапирган эди. Ўзимни кўлга олишга харакат килдим. Газабланганимни билди. Аклини

йигиштиришга уринаркан,”Кечиринг, нима деганимни билмай колдим!..”деди. Сўнгра бир фурсат тин олгач давом этди:
- Ростдан хаммаси тугадими?..
- Ха...
- Бирок, сабабини хамон айтмадингиз!..
- Ха деб, такрорлайверма. Мени биласан!..
Хаммасини тушунгандек, бошини кимирлатди.
Кетишга тайёрланарканман, “Энди хечам кўришмаймизми?” деди. Бошимни сарак-сарак килиб,”Йўк!” дедим. Эшикни очиб, четга ўтди. Мендан яна нимадир сўрамокчи, аммо нима эканини билмаётганга ўхшарди.
- Бундан кейинги хаётим хакида... бирор маслахат бермайсизми?..– деди.
- Мутлако ўласан! Шуни эътиборга олиб яша!..– жавоб бердим.
Юз ифодаси бир онда ўзгарди. Кўзларимга кўркув билан каради. Ким билсин, кандай хаёлга борди. Уни ўлдиришим ёхуд ўлдиртиришим мумкинлигини ўйлади, назаримда.
- Тушунмадим?.. Нега бундай хукм чикаряпсиз!..– деди калтирабгина.
– Бу хукмни мен чикарганим йўк, – кўрсатгич бармогим билан юкорига ишорат килдим-да,– яшатадиган хам, ўлдирадиган хам У!– дея жавоб бердим.

“Алсанжок” кўчаларида эдим.
Хулё хакида бошка ўйлашни истамасдим. Ортимдан эшикни бекитгандан кейин, хеч шубхасиз дархол хисоб дафтарини кўздан кечирган ва унда ёзилган маблагни кўрар-кўрмас, барча изтиробларини унутган бўлиши керак. “Аллох хидоят берсин. Яратганнинг Ўзи ёрдам берсин!..” дея пичирладим.
Лекин, лекин менинг айбим нима эди!.. Барча эркаклар етишишни истайдиган Хулёдек гўзал аёлдан уч-тўрт огизгина сўз билан видолашгандим!.. Майли, нима бўлса-бўлди. Бир оз афсус чекдим, аммо каттик кайгурмадим. Чунки, бу гўзал аёлга нисбатан юрагимда хеч кандай туйгу, ришта колмаганди. Бир нарсани янада яхширок англаб етдимки, дунёда бир канча нарсалар саломатлик туфайли, ўлимни унутишлик билан бошкача маъно касб килади. Бирок, ўлим билан рўпара келиш, ўлим хак эканини англаб етиш, улкан бир ўчиргич янглиг барча маъноларни ўчириб ташлайди!..
Шундайки, сўнгра хеч нарса колмайди! Конуний Султон Сулаймон накадар тўгри айтган:
”Йўк эрур давлат жахонда,
Бир нафас сихат киби...”
Ёки сал бошкачарокмиди, унутдим...
- Амаки, йўл беринг, ўтайлик!..
Оркамга ўгирилдим. Икки кўли билан иккита кизни кучиб олган йигитча йўл бўшатишимни сўрар эди. Кизлардан бирини кўйворса, бемалол ўтиб кета оларди. Бирок, бундай нияти йўклиги кўриниб турарди. Ёнидаги кизларни кўрсатиб:
– Уларни кўйворсанг, кочиб кетадими?–дедим.
Кизлар кулди. Йигит эса паст кетмаслик максадида:
– Уйдаги хонимчангга акл ўргатасан. Йўлдан кочасанми, ёки ёрдамлашиб кўяйми?– деди.
Аввал жахлим чиккандай бўлди. Сўнгра кулдим.”Мен сенга бундан хам осонрок йўлини ўргатаман”, дедим-да, кўйнимдан рухсат билан олиб юрадиган тўппончамни чикариб:
– Шу курол билан мени от-да, сўнг устимдан ўтиб кетавер!– дедим.
Кизлар тўппончага кўзлари тушиши билан дод солиб кочишга тушишди.

Йигит кўрка-писа ортига одимлар экан, бир кўлини кўтарганча:

– Кечиринг, ўтинаман кечиринг!..– дерди.

Хафа бўлдим.

Бундай килмаслигим керак эди. Четрокка ўтиб йўл берсайдим, балки яхширок бўлармиди.

Йўлимда давом этдим.

Бир пайтлар мен хам шу йигитга ўхшардим.Аммо бизнинг замонимиздаги ёшлар катта ёшдагиларга хурмат ва одоб билан муносабатда бўлишарди. Баъзи катталарга тегажоклик килиб, улар билан айтишиб колардик. Аммо хозиргилар ўзларини бизга тенг деб билган ахмок ёшлардир.

“Севинч” кандолат дўконига келгандим.

Ўтирайми, ўтирмайми деб турганимда шомга азон айтила бошлади. Азон овози етмиш-саксон метрча нарёкдаги “Алсанжок” масжидидан келаётганди.

Бир пас харакатсиз турдим!..

Ўзимга-ўзим “Бориб бир шом намозини ўкисаммикин” дедим. Ўз фикримдан ўзим ётсирадим!..Менга нима бўляпти, ўлимдан кўркканимдан диндорга айланяпманми? Бу туйгу, бу фикр менга хуш келмади. Яхшиси уйга кетаколай.

-Хой такси...

Орадан икки хафта ўтди.

Мен хали хам бир карорга келолмагандим. Аклимга биринчи бўлиб, дунё бўйлаб саёхатга чикаман-да, ер юзининг нариги чеккасигача бораман, деган фикр келди. Жумладан, доктор Закийбек хам худди шундай яшашимни тавсия килганди. Ох, жоним садка бўлсин! Шунакаям бемаъни фикр бўладими?! Ўлими якин эканини билган кайси одам бемалол яшай олсин! Тонгда осилишини билган махкум, тунни рохат-фарогатда ўтказиши мумкинми? Катлга хукм килинган махкумларнинг сўнгги истаклари сўралганда, баъзилари гўштли овкат беришларини илтимос килармиш!..

Фа субхоналлох!..

Улар ё, аклдан озган, ёхуд дахшатдан ўзларини йўкотиб кўйган бўлишлари керак. Бир неча соатдан кейин ўлишини билатуриб, у овкатни кандай килиб чайнай олади, бу лукмани кандай ютаоладилар?!.

Дунё бўйлаб саёхат килиш тушунчаси жуда тез фурсатда жозибасини йўкотди. Бегона юртларда, нотаниш инсонлар орасида ўлиб кетишни истамасдим. Шунингдек, бошкаларга ўхшаб Миср пирамидалари ёки Амазонка ўрмонларини ёхуд Багам ороллариниэмас, болаларимни кўришни, кўпрок уларнинг ёнида бўлишни хохлардим.

Мен учун дунёдаги энг азиз икки нарса, Асмо билан Кутсал эди.

Жуда кичик бўлгани учунми, нихоятда ширин бўлгани учунми билмайман, кизимни каттикрок яхши кўрардим.”Ох менинг султоним!” дедим ичимда.

Хўш, мен энди нима килишим керак эди? Хеч нарса бўлмагандек, ишга борар ва хеч нарса билмагандек уйга келардим. Бирок, хеч нарса бўлмагани йўк эди-ку!

Хамма нарса, хамма нарса ўзгарган эди. Атрофга карадим, мол-мулкимни, бутун бойлигимни кўз олдимга келтирдим. Барча тўплаганларимнинг бозор киймати кеча канча бўлса, бугун хам худди шу кийматини йўкотмагандек эди, бирок, бир хил эмасди! Хаммасида бир маънавий ўзгариш содир бўлганди, гўё. Илгарилари “Мен, мен”, деганимда, ич-ичимда “тип-тирик” бўлган шу бойлигим, давлатимни касд килардим. Ва менлигим шу бойлигим билан бутунлашгандек, обрў-эътибор козонгандек туюларди.

Энди-чи? Энди эса, хаммаси чаппасига айланиб кетган, йўк-йўк, ўлиб битганди!..
Ич оламимда мол-мулким, давлатимнинг жонлилигидан асар хам колмаганди. Энди, “Мен, мен” деганимда касд килган нарсам кичрайиб-кичрайиб, ўлимга махкум ожиз, паришон инсон холига келганди!..
Ўзгарган мен эдим! Менинг ўзим ўзгарган ва мен билан бирга хамма нарса ўзгарган эди!
Салгина вакт олдин мен ястанганча ўтирган кимматбахо курси хамон ўша-ўша эди, бирок унда ўтирган киши ўзгарганди.
Курсидагининг кўзлари очилган эди!
Курсида ўтирган Салжукбей, узок йиллардир каттик ишонч билан богланган ва уни абадий дея ўйлаган курсининг денгиз узра сузаётган икки бўлак ёгочдан бошка нарса эмаслигини, у билан бирга ўзи хам дунё денгизида чайкалиб турганини энди фарклаб етганди!
Биргина тўлкинга дош беролмайдиган, биттагина тўфон олиб кетадиган курси эди бу!
Зеро, зигирнинг уругича келадиган кичик бир тўлкин кўзга ташланган ва сония сайин йириклашиб, унга томон тобора якинлашаётган эди!..
Ха… Зигирнинг уругича келадиган бу кичик шиш хамма нарсани остин-устун килиб юборганди!
Кўлларимга, оёкларимга карарканман, улар кўзимга гўшт парчаси бўлиб эмас, гўё тупрокдек кўринарди. Хозир тирик бўлган, кимирлаб турган кўлим, бир йилдан сўнг тупрок бўлар эди!.. Юзимни ва кўзларимни эса, ўйлашни, хаёл килишниям истамайман!
Мовий кўзларим зехнимда мовийлигича колишини хохлайман!.. Гарчи, бунинг иложи бўлмаса-да.
Огир бир юкнинг остидан чикиб кетолмасдим. Бутун жисмим билан тупрок бўлишимни биламан ва мен билан бирга бус-бутун бир инсонни ерга кўмган кичкина шишим хам тупрок бўлади!..
Шиш… Хатто номи хам хунук! Худди”Ўлиш” дегандек эшитилади!..
Шу онда у миямда эмас, кўлимда, ховучимда бўлса эди, козик тишларимла парчалаб, озик тишларимда янчиб, сўнгра ерга туфлаб ташлардим-да, оёкларим остига олиб эзган бўлардим!.. Кафтимда ушлашим, сикиб сувини чикаришим мумкин бўлган кичик бир нарса хамма нарсани ўзгартириб юборганди!

Кизик, шу дарддан кутулолсам, олдингидек саломатлигим кайтса, яна аввалги холимга кайтармидим? Дунё яна кўзимга олдинги жозибасида кўринармиди? Бу савол мени ўйлантириб кўйди! Хакикатдан нима килган бўлардим?
Эхх... Хаётим аввалгидек давом этишига ишонмайман. Негаки, мен ўлим нима эканини бир оз бўлса-да, англаб етгандим. Олти ойлик умрим балки, олти йил, балки ўн олти йилга узайиши мумкин, бирок натижа ўша-ўша!..
Нега бу хакикатни аввалрок англамаган эканман-а? Ёки илгари ўлишимни билмаганмидим?
Билардим, факат ўлимнинг нима эканини англаёлмаган эдим... Бу хакикатни тушунадиган холатда эмасдим.
Холбуки, онамни хам, отамни хам ўзим кўмган эдим!.. Отамни кабрга олиб кетаётиб, калбдан отам учун гам чекар, аклим эса, фабрикага келган охирги буюртманинг таннархини хисоблаш билан банд эди!.. Кабристондан кайтаётганимда эса, барча хисоб-китобларни битириб олгандим!..
Каердан хам билибман? У пайтлар ўлимни оддий, табиий бир холат дея кабул килардим.

Хамма “Ўлганнинг ортидан ўлинмайди”, дерди. Бу хакикатдан хам жуда тўгри эди, колганлар ўлган билан бирга кўмилмайди-ку!
Э, вох!.. Мен накадар бадбахт одам бўлган эканман...

Ўлганнинг кетидан ўлинмайди, бирок ундан олинадиган бирор сабок, ибрат нахотки бўлмаса? Отам сингари ўзим хам албатта бир кун келиб ўлажагимни англаб, ўлимнинг мутлако хак эканини эътибордан кочирмаган холда яшасам, бир канча маззуларда баднафсимга насихат килсам, бўлмасмиди?
Бечора онажоним!..
Бечора отажоним!..
Энди ўйлаб кўрсам, ичига карамасдан, балки карашни хохламасдан бир чукурга кўзимни юмганча, ташлаб юборган, кўзимни юмиб кўмиб юбораверган эканман, уларни!.. На ўлимнинг не эканини тушунганман, на ўлишимни англаганман...
Кабристонни ва ундаги кабрларни бошкаларга тааллукли дея хаёл килган эканман. Минглаб кабрларнинг ёнидан бир кун келиб менинг хам кабрим жой олишини, мен хам бир чукурни тўлдиришим мутлако хакикат эканини ўйлаб хам кўрмаган эканман!.. Олаётган хар бир нафасим, босаётган хар бир кадамим мени ўз чукуримга томон олиб кетаётганини эътибордан кочириб яшабман.
Ўлим, мен билган, аммо англаёлмаган, кандай маъно касб этишини хис килолмаган бир хакикат экан!.. Буни шу онга кадар заррача бўлсин, фахмламагандим... Оловнинг не эканини билатуриб, хароратини хис килмаслик, балки уни билатуриб, совук дея хаёл килишдек ахмоклик, аклсизлик ичра эканман.
Худди шу инсонлар сингари:
“Албатта бир кун ўламиз”, дейишларига карамай, хали ўлимларига жуда узок вакт бор, хали узок яшаймиз дея хотиржам юрган;
шу хотиржамлик соясида ўлимни мутлако унутган;
бирни икки, иккини тўрт, тўртни саккиз килиш пайида юрган;
ўлимсизлик дарахтининг ягона меваси ўларок кўрганлари пулни нима килиб бўлса хам кўлга киритиш максадида, бойиган сари(!) бойишга жахд килган;
Аллохни мижозларининг чеклари билан эслаб, “Иншааллох, натижаси бўлади. Иншааллох...” зикрини килган;
Шамолдай шовуллаб, шоша-пиша уёкдан-бу ёкка югурган шу инсонлар сингари!..
Хаётни ейиш-ичиш ва факатгина яхши яшашдан иборат деб билган бу гафлатга гарк бўлган инсонлар хеч шубхасиз, ўлимнинг нима эканидан мутлако бехабар эди.
Ана шу гафлат уйкусида бўлганлардан бири мен эдим ва уйкудан уйгониб кетгандим. Уйгонгандим, бирок гафлатим мудрокларидан хали бутунлай халос бўлолмаганимдан, тасодифан бошидан зарба еган кишидек ўзимга келолмасдим!..

Кеча бир муддат телевизор томоша килдим. “2000 йилда Дунё” номли бир кўрсатув бор эди. Мени кизиктирмади. 2000 йилдан ва 2000 йилдаги дунёдан менга нима фойда?! Бошка каналда Фенербагченинг чемпионлиги хакида гапирилаётган эди. Бу хафтадаги матчдаям голиб чикса, чемпионликни кўлга киритармиш! Неча йиллардан буён Фенербагченинг ашаддий фанати бўлишимга карамай, бу хабар мени кизиктиролмади. Менга деса, хаваскорлар билан ўйнамайдими, деган фикр ўтди, хаёлимдан. Телевизорни ўчирдим.
Бу орада кизим ёнимга келди. Хомуш кўринарди. Сабабини сўрасам, “Дадажон, икки

кундан буён бошим огрияпти”, дея жавоб берди. Турган еримда котиб колдим! Икки кундир боши огриётганмиш!.. “Негадир вахимага тушдим”, деёлмайман, чунки нега эканини яхши биламан. Дархол доктор чакирдим. Текширувдан сўнг, бир нечта дори ёзиб берди ва хасталик у кадар жиддий эмаслигини айтди.
– Доктор! Огрикнинг сабаби нима? – сўрадим, хар хил хаёллардан кутилолмай.
– Жаноб, бош огришининг кўплаб сабаблари бор. Кизимиз бир оз шамоллабди, шунга огриган бўлиши мумкин,– деди.

Ростдан хам бош огригининг минглаб сабаби бўлиши мумкин эди. Аммо менинг аклимга келгани, мени кўркитгани ягона, биттагина сабаб эди.
Докторнинг сўзларидан кейин анча енгил тортгандай бўлдим. Ўзимни кўлга олишга уринарканман, “Бошимдаги шишнинг менда эмас, кизимда бўлишини хохлармидим?” дея ўйладим. Бу хаёлдан титраган юрагим каъридан бир фарёд юксалди:
“Аллох асрасин!..” Бу фарёд юрагимдан тилимга кўчди”Аллох асрасин!..” Кизимни, султонимни махкам багримга босдим!.. Шишимни пешонамга, кизимни кучогимга олганча, ич-ичимдан Тангри Таолога дуолар килдим...
Кўнглим тўлиб кетди. Калбимни юмшатган нарса мехр-шафкат туйгуси эди. Отанинг, онанинг фарзандига нисбатан хис киладиган энг кучли икки туйгудан биттаси бўлган рахмдиллик эди бу!..
Хакикатдан хам болаларимизни хатто ўзимиздан хам каттикрок яхши кўрамиз, уларга ўзимиздан кўра кўпрок ачинамиз... Ва бу туйгулар хакикатдан хам гўзал эди.
Севги ва мехр-шафкат!
Яхши, аммо бизларга ана шу мехр-мухаббат туйгусини берган Аллох-Таоло бизни севмайдими, бизга бизчалик рахми келмайдими?! Агар хакикатдан хам бизни севса, бизга мархамат кўрсатса, у холда пешонамдаги шу дард, балони нега берди менга? Ахир мен эндигина ўттиз етти ёшдаман-ку! Ўлиб кетсам, икки норасида болам етим бўлиб колмайдими? Суюкли аёлимни бева, ширин-шакар фарзандларимни етим килиб кўядиган бу Илохий такдир, хакикатдан хам мархаматли такдирми?
Агар мен бўлганимда эди, агар менда рахмдиллик туйгусидан бир озгина бўлганда эди!.. Тўхтадим! Тўхтаб колдим... Ўйлай бошладим!.. Хў-ў-ш, мен бўлганимда,нима килган бўлардим, мен?! Бу ер абадий колинадиган дунёми? Ёки, яхши билан ёмон ажратилиб, яхшилар рохатга етиштириладиган Жаннатми? Охиратдаги Жаннатни дунёга кўчириб, дунёни абадий манзил килармидим?! Булар накадар ахмокона хаёллар эди!
Хамма нарсани биладиган, хар ишни ирода-идора киладиган ёлгиз Аллохнинг Ўзи!
У холда, нега Унинг хохишига карши чикиб, норози бўляпман? Нега Унинг такдиридан хафа бўлиб, исён киляпман? Имон келтирганим, хакикатдан ишонганим Аллох-Таоло бизларга абадий дунё хаётини ваъда килган. Ваъда килиб, Ўз ваъдасидан кайтганмидики, мен Ундан хафа бўлсам!
Албатта йўк! Зотан Раббимиз бизга бу дунёнинг абадий эмаслигини, хамма инсон албатта бир кун келиб ўлажагини билдирмаганмиди?! Шубхасиз, билдирган эди, бирок билган борми? Билган билан англаган борми?
Шу инсонларга каранг!.. Оламларнинг Парвардигори уларни яратиб кўйиб, барчасига “Албатта ўласиз”, дея буюрмокда, бирок тинглайдиган одам йўк! Чунки, одамларга Аллохнинг буйругидан кўра дўхтирларнинг гапи тезрок таъсир килади, гарчи уларнинг сўзлари хато бўлса хам! Мабодо бир дўхтир бир кишига “Якинда ўласан!” деса, у хаста ўша захоти салкам ўлаёзади!

Ва ана ўшандагина англайдилар, тушуниб етадилар ўлимнинг нима эканини!

Ўйлаяпман, беморлар ва шифохоналар хакида фикр юритяпман. Хасталар хамда хастахонада улар ётадиган ўринларни кўз олдимга келтиряпман! Ётогига узалганча, дардининг изтиробидан кийналаётган инсонларнинг ахволларини тушунишга уриняпман. Уларни канчалик англасам, шунчалик ачиняпман, бу бечора хасталарнинг холига. Чеккан изтиробларидан чарчаган кўзларла шифокорга термулиб, ундан биттагина мусбат сўз эшитиш илинжида бутун вужуди кулокка айланиб, ўзларига берилган дорини гўё обихаёт ичаётгандек ихлос билан ичаётган бу бечоралар нима килса-килсинлар, Илохий такдирни ўзгартиришга кучлари етмайдиган ўлим махкумлари эди улар!

---

Албатта, факат уларгина эмас, барча-барча инсонлар уларникига ўхшаш дардлар, изтироблар кўйнида айни окибат сари одимламокдалар.
Хеч нарса бўлмагандек, хеч нарса бўлмайдигандек яшашда давом этаётган бу инсонлар хаста бўлганда чекиладиган изтиробларни, ўлгандан кейинги азобларни билганларида эди, шубхасиз дунёга келишни истамаган бўлишарди. Чунки, шу инсонларга етишадиган, шу инсонларга етишиши мумкин бўлган шундай азоблар бор эдики, хатто кирк йил сафо ичра яшаш хам бу изтиробларни чекишга арзимас эди!.. Дунё хаётида кирк дакика сафо сурмай туриб, шундай дардларга гирифтор бўлган минглаб инсон, миллионларча бечора бор эди.
У холда бу дунёга нега, нега келдик?!
Мусулмонларнинг, барча мусулмон инсонларнинг бу саволга берадиган жавоблари маълум! Бу дунё хаётини бир имтихон ери деб биладиган барча мусулмонлар “Биз бу дунё хаётига Жаннатни кўлга киритиш учун келдик”, дейишади.
Тўхтадим, жим бўлиб колдим, ўзимни йўкотаёздим!..
Аммо мен бу сўзни, бу жавобни нега ўзимга эмас, мендан ташкари мусулмонларга нисбатан кўлладим? Холбуки, мен хам мусулмон эдим, мен хам худди шу жавобни, худди шундай катъийлик билан беришим керак эди! Ёки мен бунга ишонмайманми?
Ўзимни тафтиш килдим. Аллохнинг борлигига кандай ишонсам, хеч шубхасизки, Аллохнинг ваъдаси бўлган ушбу сўзга хам худди шундай ишонаман. Бирок, ишонганим билан унга керагича ахамият бермасдим. Дунёга нима учун келдик, деган саволга берадиган ё бешинчи, ё ўнинчи жавобим эди бу.
Жуда соз, у холда олдинги тўртинчи ёхуд тўккизинчи жавоб кайсилар эди? Ортикча кийналмасдан топдим бу саволнинг жавобини: бари пулга, хаммаси моддиятга, барчаси нафсий орзуларга оид нарсалар эди.
Кулдим. Уч-тўрт кунгина олдин мутлако тўгри дея мармарга ўйилган ёзувдек, калбимга чукур килиб ёзиб олганим жавоблар, ўлим хакикатининг енгилгина битта шабадасида ўчиб кетган эди!.. Накадар бемаъни, канчалар бехуда жавоблар экан, улар. Ўлимнинг совук шамолида ўчиб кетмайдиган биргина жавоб бу “Жаннатни кўлга киритиш учун!..” бўлса керак.
Бу тўгри жавобмиди?
Жаннатга эришиш, унга кириш учун шунчалик изтиробларга, азобларга арзирмикин?!
Ёшлигимдан бери Жаннат хакидаги эшитган, билганларимни ўйлаб кўрдим.
Шундай бир хаёт ростдан хам бормикин? Албатта бор!
Бу дунёни хамда шундай улкан коинотни яратишга кодир бўлган Аллох таоло шубхасиз Жаннатдек манзилни хам яратишга кодирдир! Биз яшаётган дунё хаёти канчалик

хакикат бўлса, Жаннат хаёти хам шундай хакикат. Чунки, хар икки дунёни яратган Раббимиз барча мусулмон бандаларига Жаннатни ваъда килган.
Жаннат хаёти!..
У абадий бўлган хаёт. У ерда на дард бор, нада бирор кайгу. Ва у хаётда на шиш деган бало бор, нада ўлим! Хар гўзал нарсанинг энг гўзал шаклини ўз ичига олган бу хаёт, хеч шубхасиз хакикий бахтиёрлик, чинакам саодат хаёти эди!
Шуларни ўйларканман, анча енгил тортганимни, бу тушунчалар таъсирида холатим ўзгарганини хис килдим. Шу вактгача мусулмон эканимни бунчалик ахамиятли деб ўйламаган, мусулмон эканимдан бу кадар севинмаган эдим.
Мен мусулмон эдим!..
Абадий жаннат хаёти билан муждаланган мусулмонлардан биттаси мен эдим! Гўё жаннат хакида эндигина эшитгандек, хозиргина жаннат хушхабарини олгандек эдим!..
Калбимнинг хузурга тўлганини, юрагимнинг севинчдан титраганини хис килдим!
Абадий жаннат хаёти!..

Ха, факат ва факат унинг учун яшаш мумкин, факат ва факат унинг учун ўлиш мумкин эди!..

Кейинги уч кун давомида ўтган хаётимнинг хисобини килдим. Гунохларим билан, савобларим билан бутунича хаётимни кўз олдимдан ўтказишга харакат килдим. Авваллари ўтмишимга караган вактимда энг кувончли дамларимни, фахрланишга арзийдиган онларимни, бажарган катта-катта ишларимни, амалга оширган улкан лойихаларимни кўрардим. Энди эса, бунака дунёвий ишларимдан эмас, ўкиган намозларимдан, берган садакаларимдан севиняпман. Кечмишимга карарканман, ўтказган хаётимда кийматга эга бўлган бирор марварид ёхуд ёкут донасидек кўряпман бу амалларимни. Жума намозларини асло колдирмагандим, рамазон рўзасини хам деярли тутардим, таробех намозларига борар, шу кунгача жуда кўп факирларга ёрдам бергандим, имоним бор, хеч качон жунуб холимда юрмагандим, чўчка гўштини хаттоки огзимга якин келтирмагандим, баъзи ёшларни уйлантирган, бир нечта масжид иншооти учун темир ва цемент каби ашёларни олиб берган, иккита масжид курдирган, шунга ўхшаш яна канча ишлар килгандим...
Алхамдулиллах!.. Рахматли отамни мухаббат билан хотирладим. Килган барча хайрли ишларимни унинг насихатлари, йўл-йўриклари билан амалга оширгандим. Рахматли онажоним хам хаётликларида хаккимга канчалар дуолар килган, ким билсин...
Ўтмишимга караганимда албатта кўришни истамаганим, пушаймон бўлганим амаллар хам бор эди... Хаётим сахифасидан уларни ўчириб ташлаш учун, нималар, нималар беришга тайёр эмасдим! Илгари Аллох хамма гунохларни истаса, кечиради, дея ўйлардим. Энди эса, ўзим хам сабабини билмайдиган шубха ва тараддуд ичидаман!..
Ажабо, Аллох шунча гунохимни афв килармикин?..
Мени ташвишга солган бу шубхалардан кутилиш максадида бир канча имомлар, олимлар билан учрашдим. Уларга бир якин танишимнинг хаста эканини, беш-олти ойдан кейин ўлиши мумкинлигини айтдим. Имонли инсон бўлган бу танишимнинг бир канча диний амалларни бажарганлигини, лекин гунохлари хам талайгина эканини билдирганимдан сўнг, Аллох таоло унинг гунохларини кечириши мумкинми, дея сўрадим.
Аллох рози бўлсин, улардан!.. Менга шундай гўзал жавоблар беришдики, сал бўлмаса, ўша одам ўзим эканимни айтиб юборай, дедим. Улар менга ўша “танишим”нинг хайрли

ишларида ёрдамчи бўлишимни тавсия килишаркан, Аллохдан асло умид кесилмаслиги лозимлигини “унга” етказишимни билдиришди... Мен албатта бу насихатларни ўрнига кўйишимни айтиб, хайрлашдим.
Анча енгиллашгандим!..
Ўлим ва охират хакидаги китобларни сотиб олдим. Уларни бир неча марта диккат билан мутолаа килдим. Бу китобларни олдин ўкиганимда хеч шубхасизки, бу кадар англаёлмаган, хозиргидек таъсирланмаган бўлардим.
Мавзуга оид ояти карималар, хадиси шарифлар мени ростдан хам тўлкинлантирди, калбимни титратди...
Гарчи, ўлим тушунчасини хамон ёктирмасдим, аммо бу тушунча мени олдингидек кўркувга солмай кўйганди. Ўлимдан кочишнинг иложи йўк эди, барча инсонлар албатта ўлажакди. Менинг ана шу инсонлардан ягона фарким, ўлимим хакида олдинрок хабар олганим ва тез орада ўлишимни билганим эди. Яхши, аммо бу кандай фарк эди? Бир кишининг ўз ўлими хакида хабар олиши, качон ўлишини аник билиши унинг учун бирор кийматга эгамиди?

Ўлимнинг не эканини билган холда, ўлимини кўрган холатда ўлимга караб юриш яхшими, йўкса, ўлимдан бехабар яшаркан, бир лахзада унга рўпара келишми?
Бу саволга аник бир жавоб тополмайман! Масалага охират назари билан карарканман, ўлимнинг не эканини билган холда, ўлим хак эканини эътибордан кочирмаган холатда яшашнинг охиратдаги окибати албатта яхши бўлади, деган каноатдаман. Чунки, биз ёктирмасак-да, ўлимга, ўлимдан кейинги хаётга томон бир-бир босиб бормокда эдик. Шу боис кун сайин, дакикалар, сониялар сайин якинлашиб бораётганимиз ўлимимиздан хабардор бўлиш, унга тайёрланиш, ўлимнинг чангалига тасодифан тушгандан кўра яхширок бўлса керак...
Бирок, инсонлар бунга чидай оладиларми, ўлим хабарини кўтара олишармикин? Серкатнов шохкўчалар бўйлаб номаълум сел янглиг окиб кетаётган шу одамларнинг барчаси, хеч шубхасиз, хаммаси ўлиши аник. Уларнинг орасида албатта мендан аввал ўладиган ким канча инсон бор эди. Агар ана шу качон ўлишларини билмайдиган кишиларга кай пайт ўлишлари билдирилганда нима килишарди? Ёки барча одамларга баъзи хайвонлар сингари, маълум бир йилгача умр берилганда, ўлишларига бир неча йил, бир неча ой ва ё кун колганда, нима килган бўлардилар?
Бунга кандай чидашарди, демайман! Чунки, чидай олишмасди!..
Кўлларидан баъзи моллари олиб кўйилган вактда жазавага тушадиган, ўзини у ёкдан-бу ёкка урадиган неча инсонлар, кўлларидан хаётлари олиб кўйилганда хеч шубхасизки, чинакам телба, хакикий жиннига айланган бўларди!..
Дунёга, бойликка хирс кўйган канча инсонга уч йилдан кейин ўласан эмас, ўттиз уч йилдан сўнг ўласан, дейилса, ўзгаришга харакат килар, ўлимига ўн йил колганда дунёдан этагини силкиган бўларди!
Хайратланарли эмасми! Ўлишларини, мутлако ўлишларини билган бу инсонларга, факат качон ўлишлари билдирилсагина, хамма нарса, дунёдаги хамма нарса бирдан ўзгаради. Чунки, ўлимни билиб, ўлимни кўриб яшаш, йўлбарслар кезиб юрадиган ўрмонда сайр килишдек бир гап эди!..
Хар лахзада устингизга ташланиши мумкин бўлган йўлбарсларни била туриб, худди хеч кандай хавф-хатар йўкдек, гулханда гўшт пиширишингиз, ўйин-кулгу килишингиз мумкинми?! Албатта йўк! У холда, бу инсонлар ўлимдан бехабар экан, ўлим рамзи бўлган

йўлбарсларни кўрмаганлари муддатча, хатар йўкдек гоят хотиржам, кайгусиз яшай оладилар, хаттоки бўйинларига кўнгирок осиб ўйинга тушишлари хам мумкин!
Сўнгра, сўнгра эса биргина йўлбарс бўкириши ва ортидан бир неча лахзалик типирчилаш билан кабр сари сафар!..

Албатта, ўлим бу кадар оддий ва осон кечмайди! Айтилган бир неча лахзалик типирчилаш, хеч шубхасиз, бир неча умрларга тенгдек туюлади ўлаётган кишига!..
Билмадим, ўлим онини тушуна оласизми, англай биласизми, унинг дахшатини!..
Мен уч-тўрт хафта олдин эшитганим ва секин-секин хазм килишга уринганим ўлим хакикати билан бир лахзада юзма-юз келишингиз!..
Аклингизни таниганингиздан буён ичида яшаганингиз, бирга юриб, биргаликда югурганингиз тирик, тип-тирик вужудингизнинг бир онда тиргаги кулагандек, ерга йикилиши!.. Неча йиллардир ишлаган юрагингизнинг индамасдан тўхтаб колиши, шу онга кадар темирчи сопконидек тинимсиз нафас олиб-нафас чикарган ўпкаларингизнинг бошка нафас олмай колиши!.. Ўзингизни йўкотиб, дахшатли кичкирикдек ёйилган вахима ичра колишингиз!..
Сиз ичида яшаган гўшт йигиндисининг ўлиши билан, ўзингиз хам ўлим топишингизни билиб, дахшатга тушишингиз ва вужудингизга караб: “Ўлма, ўл-ма, ўл-ма-а-а-!..” дея унсиз кичкиригингиз!..

Юрагингизни ишлатишга, ўпкангизни нафас олдиришга уринишингиз!..
Харакатсиз колган вужуд, тинчиб колган жасад ичра паришон жонингизнинг, тонналарча огирлик остида эзилган, эзилган сайин огирлашган тиканли бомбадек, бўгзингизга тикилиб колганини хис килишингиз!..
Шу онгача кўркувни ва кўркинчли нарсаларни ташкаридан излаган кўзларингизнинг, ичкаридаги дахшатдан ташкарига отилиб чикишга уриниши!..
Хозиргача кўп ишлатганингиз “Ўлим” калимасини, шу пайтгача асло кўлламаганингиз бир маъно теранлиги ила “Ўлишим тайин!..”дея тан олишингиз!.. Чараклаб очилган кўзларингиз билан атрофингизга бокиб, сиз ўлиб кетаркансиз, хеч нарса бўлмагандек давом этаётган хаёти дунёнинг канчалар бевафо эканини англашингиз!..
Жуда узун деб хисоблаганингиз бутун хаётингизни бир лахзада кўз олдингиздан ўтказишингиз!..
Тугилишимдан, улгайишимдан, яшашимдан, асосий максад, ўлишим экан деган фикрга келишингиз ва “Шу учун тугилдимми, шу учун улгайдимми, шу учун ишлаб, шунинг учун яшадимми?..” каби саволларни хомуш бир сукут билан жавобсиз колдиришингиз!..
Очилган кўзларингиздан пардаларнинг кўтарилиши ва каршингизда жон олгувчи фариштани кўришингиз!.. Жонни, жон беришни унутиб, дахшатли бир хайрат билан кўркув ичра ўлим фаришталарини кузатишингиз!..
Шу пайтгача милярдлаб инсоннинг рухини кабз этган фаришталарнинг, чексиз сокинлик ила кудрат кўлларини сиз томон узатишлари!..
Кочишни истаб, кочолмаганингиз, хаттоки жойингиздан бир кадам кимирлаёлмаганингиз ўша онда икки бармок орасида колган бечора чумолидек ожиз эканингизни англаб етишингиз!..
Килт этолмасдан, “Шошманг, нима киляпсиз!..” деёлмасдан, кўркувдан калт-калт титраганча бўгзингизга тикилиб колган жонингизнинг сугуриб чикарилиши!..
...Ва ўлишингиз, ўлимнинг нима эканини ўлаётибгина англашингиз!..

Сўнгра, сўнгра чексиз бир сукунат!..
Ерда ётган жасадингизга карайсиз!..
Тириклигингизда “Менинг кўлим, менинг оёгим, менинг бошим...” дея ўзингизга нисбат берганингиз бу гўшт тўпламининг сиздан айри, сиздан фаркли бир нарса эканини эндигина фарклаб етмокдасиз!..
Уловини йўкотган суворийга ўхшайсиз!..
Неча йиллардир миниб юрган, у ёкдан-бу ёкка югуртирган отингиз энди ўлди!..
“Мен, мен...” деркан, каст килган нарсангиз, аслида бу от эмас, отни бошкариб юрган суворий эканини фахмлайсиз, шунда!
Сизга омонат килиб берилган шу отнинг, сизга омонат килиб берилган жасаднинг Яратувчиси келади аклингизга!
“Алло-о-ох!..” дейсиз шунда дахшат ичра...
Сизларга шу вужудни берган Аллохнинг ушбу омонатига тегишли буйрук ва кайтарикларини эслайсиз, ана шу онда! “Дунё хаётида нима килишим керак эди, мен нима килдим?..” деган савол оташтош янглиг гурсиллаб тушади устингизга...
Эзилиб кетасиз! Бирор харакат килолмайсиз, хатто килт этолмайсиз бу саволнинг остида!..
Холбуки, сиз жавобини биладиган, жуда яхши биладиган бир саволдир бу! Бирок, жим туришни, яхшиси унинг остида жимгина эзилишни афзал кўрасиз! Чунки, тилингизнинг учида турган жавоб, хаттоки тилингизниям уялтирадиган жавобдир!
Яна бир фарёд юксалади менлигингиздан:
“Алло-о-о-ох!..”

Сўралган ва сўралмаган барча саволларнинг хамма жавоблари яширинган ана шу “Аллох” дейишингизда! Менлигингиздан юксалган бу фарёд, минг афсуски, кўнглингизни хушнуд килган севгилига етишиш севинчини эмас, Одил ва Каххор бўлган бир хисоб сўровчи билан юзлашишнинг дахшатини акс эттиради!.. Дунё хаётида факат соясини, мавхум соясини кўрганингиз кўркувнинг, аник-тиник хакикати билан, очик дахшати билан юзма-юз келасиз!
Вахимага тушасиз... Бу дахшатларнинг барчасидан кочишингиз, коча олишингиз, ўзингиздан кочишингизга, коча олишингизга боглик!
Бирок, кани эди бунинг иложи бўлса!
Сизга сиздан узок, сизга Ундан якин хеч нарса йўк, атрофингизда!..
Ўзингизни чорасизликнинг тиканли чохига ташлаб юбораколасиз! Пушаймонлик туйгуси оловда эриган бир маъдан янглиг ока бошлайди ичингизга... Ўзингизни парчалаш истагида парча-парча бўлиб кетасиз!

Ва жасадингизнинг тепасига тўпланган инсонларга карайсиз!.. Сизга минг йилдек узок туюлган шу бир дакикалик муддат ичида сизга караб, сизнинг холатингизни кузатиб турган кишиларнинг, жагингизни боглаётиб, “Рахматли индамасдан, кандай тинчгина жон берди-я!..” деганларини эшитасиз!..
Бошкаларнинг ўлимидан ўлимнинг не эканини таниган бу инсонларнинг ўлимга канчалар бегона, ундан канчалар йирокда эканини илк бора англайсиз!
Ха... ўлиш мутлако бошка бир нарса эди!
Ўлим билан хамма нарса эмас, факат бир нарса тугарди!.. Ва ана шу бир нарсанинг тугаши билан хамма нарса янгидан бошланар эди!..

Охирги пайтлар фабрикага боришни унчалик истамасдим. Жуда зарурий холларда борар, иш ривожини ўрганиб, керакли кўрсатмаларни берганимдан сўнг кайтардим. Бир карашда мен фаолиятим суратини деярли тўхтатаёзган эдим. Бирок, фабрика тинимсиз ишларди, ишларди-ю, югуришдан тўхтаб, огир одимларла юраётган инсонга ўхшарди. “Етар!” дердим ўз-ўзимга.

Шу зайл ишлаши хам менга кўпдек туюларди. Ўлимли дунёда жуда кўп ишлаб, ортикча бойишнинг нима кераги бор? Холбуки, бир ой олдин бошкача ўйлардим. Енгилгина кулдим. Дунёнинг ўткинчи эканини, ўлимли дунё эканини тушуниб етгандим!

Фабрикадан вактли кайтиб, галати бир хохиш билан кабристонга келдим. Кабристон эшигида бир оз туриб колдим, сўнг ичкарига кирдим. Якин кунларда тобутда келтирилишим аник бўлган кабристонга хозирча оёкларимда юриб келгандим...

Бу ер кабристон эди, бу ер хамма келадиган сўнгги манзил эди!

Кабристонни огир-огир кадамлар билан айланишни бошладим. Атрофимга бенихоя хайрат билан карар, хамма нарсани кўришга, хамма нарсани тушунишга харакат килардим. Илгари ишхона ёки фабрика куриш учун мўлжаллаган ерга келиб, унинг хамма тарафини ўрганиб чикардим. Энди эса, тамоман бошкача фикрлар ичра бошка нарсаларни ўрганиш билан банд эдим!..

Кабристон жим-жит ер эди!..

Кабрлар оралаб юрарканман, кабрдагиларни ўйларканман, тирик эканимни илк бора фарклаётганга ўхшардим. Тириклик хайратланарли хол эди. Бирор тепаликнинг худди тирикдек юраётганини ёхуд сакраётганини кўрсак хайратдан ёка ушлаб коламиз. Сув, тупрок ва тепалик сингари моддалардан иборат бўлган инсоннинг юришини, югуришини, гапиришини эса, ўрганиб кетганимизданми, табиий хол дея кабул киламиз. Фикр танбаллиги билан эснаб, “Жони бор юради, жони бор югуради, жони бор гапиради..” деб кўя коламиз.

Жуда яхши, лекин ана шу жоннинг ўзи нима? Тириклик нима? Хар кандай бир тепаликка жон киритишга уринсак, жон бериш у ёкда турсин, ўша бермокчи бўлганимиз жоннинг нима эканини, канака нарсалигини биламизми?

Их!..

Балки бу саволнинг жавобини биз тириклар эмас, жонидан айрилган ўликлар, маййитлар яхши билишарди. Баъзи нарсаларнинг нима экани, борлигида эмас, балки йўколгандан сўнг ойдинлашади. Кабристонни хамон огир одимларимла кезарканман, кабрларни ва кабрдагиларни ўйлашда давом этардим. На мен улардан, на улар мендан йирок эмасдилар! Ўлимга якин турган бир инсон сифатида кабрдагиларнинг ахволини яхширок тушунар, яна хам яхширок хис килардим. Ва бир муддат ўтгач, кабрдагиларнинг нигохлари билан ташкарига, тирикларнинг нигохлари билан кабристонга бокдим.

Хайхот!..

Хайратдан сесканиб кетдим. Бир-биридан канчалар фаркли, канчалар айри карашлар эди, улар!

Караганини кўраётган, кўрганларини англай олаётган нигохлар шубхасиз кабрдагиларники эди! Жуда аник, нихоятда тиник карашлар эди! Ташкаридан кабристонга, кабр ичидагиларга караган инсонлар кўриш лозим бўлганини эмас, кўришни хохлаганларини кўрардилар! Баъзилари кабристондаги дарахтларни, баъзиси мармар тошларни, баъзилари эса кабр устидаги тупрокни кўришарди. Ўзини теран ўйлаётганини хис килган баъзи бирлари эса кабр ичига кириб, кафанланган маййитни кўришарди!

Бу яхши, бирок кафанни очиб, унинг ичидагига карашимиз лозим эмасми?
Гўштлари чириб кетган у калла суягининг нимасидан кўркамиз? Бошимизга бармогимиз билан урган пайтимизда “так-так” дея эшитилган овозлар бизнинг хам айни окибатга махкум, худди шундай курук бошга сохиб эканимизни эслатмаяптими?!. Гўштларидан айрилган у курук калла суягида ёлгонлардан тозаланган аччик бир хакикатни кўрмаяпмизми?! Бош суягидаги кўз чукурларига ўз кўзларимизни кўйиб, бир лахза нариги дунёга, ундан хам йирокларга нега карамаяпмиз?!.
Хамма ерга кўз ташларкан, босаётган тупрогимизга карарkan, борган ерларимизни яхшилаб кўришни истарканмиз, кабрларга, кабр ичидагиларга нега карамаймиз?!
Кун сайин, дакикалар сайин якинлашиб бораётганимиз у манзилдан нега юзимизни ўгирамиз, нима учун кабристонлардан йирокрок юрамиз! Агар юзимизни дунёга бурсак, унда абадий коламиз, кабристонга умуман якинлашмаймиз, ўлим нима эканини билмай бахтиёр яшаймиз, дея ўйлаймизми?!
Бу саволга хам кабрдагилар жавоб беришади:
“Ха, шундай деб ўйлайсиз! Биз хам худди шундай ўйлар эдик!..”
Бу жуда тўгри жавоб эди! Зотан, кабристонда хеч ким ёлгон гапирмайди! Хамма нарса, хамма рост гапиради,бу ерда... Бу ер хакикатан хам бошка бир олам эди! Хамма нарса, сукутда, тириклар оламидаги гала-говур овозлар йўк!.. Бу ерда хамма нарса шундай сокинлик билан, шундай сассизлик билан англатилади!

Ибратомуз бир сукунат, сермаъно жимжитлик хукмрон кабристонда...
Бу кабристонни тўлдирган минглаб инсонлар хеч шубхасиз, бир пайтлар кўча-кўйларни, бозорларни тўлдириб, у ёкдан-бу ёкка елиб-югурган одамлар эди! Бу ерга келиб ярим соат ўтирар-ўтирмас, сикилиб-зериккан, нима килишларини билмасдан, тезрок кабристонни тарк этишга шошилган шу инсонлар, узок йиллардан бери мана шу кабрларида айни шаклда, айни сукунат ичра жимгина ётишарди.
Кабрларга караганча, такрор-такрор ўйлай бошладим: “Ажабо, бу ерда ётган маййитларнинг хеч кандай ташвиши, гам-кайгуси йўкмикин? Шуни ўйларканман, хар бир кабрга бирма-бир карадим. Саволларимнинг жавобларини яна шу кабр остида ётганлардан эшитишни истардим!
Йўк, ундай эмас! Худо хакки, асло! Уларнинг хеч бири гамсиз, кайгусиз эмасди!
Кабрдагиларнинг барчаси, киёматга курилган соат, махшарга тортилган камон сингари эди!..
Барчаси нафасини ютганча, кимир этмасдан, ўша онни – кайта тириладиган лахзаларини кутиб ётишарди!..
Юзлари ва нигохлари бир-бириникидан фарк киларди! Кайси бирининг сўнгги табассуми, кайсинисининг охирги пушаймонлиги, яна кимнингдир энг сўнгги томчи ёши кўзларида котиб колган эди!!!
Барчаси ана шундай холатда кутишмокда эди, Махшар кунини!..

Ажабо, менинг юзим, менинг сўнгги кўринишим кандай бўлар экан?
Юзимда энг охири кайси маъно, нигохларимда кандай ифода мухрланар экан?!..
Кўркиб кетдим, вахимага тушдим... Ўлимдан эмас, ўлимдан кейинги вазиятдан кўркаётган эдим...
Аллохни ўйладим, бошим эгилиб, бўйним букилиб колди... Оёкларимдан мадор кетиб, бир кабрнинг шундок ёнгинасига ўтириб колдим. Канчалик ожиз, канчалар чорасиз эканимни

хис килдим... Худди йўргакда кўл-оёги богланган бечора бир гўдакдек йиглай бошладим... Билган хамма нарсамни; барча инсонларни, барча жумлаларни, барча сўзларни унутган эдим. Хотирамда ёлгиз биттагина жумла сакланиб колган ва бутун борлигим шу жумлага махкам ёпишган эди: “Аллохим, менга ёрдам бер!..”
Тинимсиз ушбу жумлани такрорлардим:”Аллохим, менга ёрдам бер, Аллохим, менга ёрдам бер!..”
Шу пайтгача Аллохга жуда кўп дуо килгандим, аммо, ўзимни Аллохга, Аллохни ўзимга бу кадар якин хис килмагандим!.. Гўё хар бир аъзом, хар бир хужайрам алохида -алохида кўлларга айланган-у, мен ана шу мингларча кўлларим билан Аллохга узалганча, тинмасдан Унга ёлвораётгандим ва бу дуодан тўхташни, Аллохдан йироклашишни асло истамасдим: “Аллохим, менга ёрдам бер!..”
– Ёрдам керакми?
Чўчиб тушдим! Эшитилган бу овоздан жойимга михланиб колдим. Бу овоз ердан эшитилдими, кўкданми, билмай колдим... Ётган еримдан атрофимга карадим. Ўнг тарафимда саккиз-ўн метрлар узокликда бир киши турарди. Унга хайрат билан караётганимни кўргач, секингина “Ассалому алайкум!” деди.
Бу кирк ёшлардаги соколли бир киши эди. Бир муддат жим бўлиб колдим. Нима килишимни, нима дейишимни билмасдим. Ўрнимдан туриб, секингина кийим-бошимни кокдим. У кишига караб “Ваалайкум-ассалом!” дедим-да, тўгри кабристон эшигига караб юра бошладим...
Юрагим сикилганди... Хеч истамаганим бир пайтда, истамаганим бир шаклда каршимда пайдо бўлган бу жонзот, жонимни сиккан эди!..

Ичкилик ичишни ташлаган, беш вакт намоз ўкишни бошлаган эдим. Аввал бошида бундан кўнглим тўлмай юрди. Буларнинг барчасини ўлишимни билганим учун, ўлимдан кўркканим учун киляпман, деган хаёл менга тинчлик бермасди. Менга асло ёкмаган бу хаёлдан кутулиш максадида анча вакт у билан ичимда курашиб юрдим.
Бирок, уни енга олмадим... Негаки, аслида хакикатдан хам шундай эди!.. Ўлишимни билганим учун арок ичишни ташлаган, ўлимим якин колгани боис, беш вакт намоз ўкишни бошлагандим. Кейинчалик буни тан олдим. Хам бу хакикатни кандай килиб инкор кила олардим?! Зотан, Аллох таоло барча инсонларга ўлишларини билдирган, барча инсонлар хар дакика ўлимга тайёр туришларини истаган эди! Ўлишини билган холда ибодат килиш, барча мусулмон бажариши лозим бўлган амал эди, зеро...
Мана шуларни ўйлаб, мени безовта килган, мени васвасага солган шайтоний хаёллардан кутулдим. Шайтони лаъин нима килиб бўлмасин, инсонни йўлдан уришга харакат киларди! Шайтоннинг таъсирида колиб ибодатни тарк килган инсонлар, бошлари ва бурунлари кўтарилиб, гўдайиб колган, шунингдек, кабрларига хам гўдайганча кирадиган инсонлар бўлса керак.
Аллохга беадад шукрлар бўлсинки, ўшандай бандаларидан килиб кўймади!..
Бирок, тўгрисини айтадиган бўлсам, беш вакт намоз ўкиш нафсимга бу кадар огир келади деб ўйламагандим. Каердан билибман, бу иш чеккадан карагандагидек осон эмас экан!.. Намоз ўкиётган пайтларимда ичим сикилганини, сабабини ўзим хам билмайдиган бир огирлик остида колганимни хис киламан. Салом бериб, намоздан чиккач, анча вакт сувнинг остида колиб, кейин сув устига чиккан одамдек чукур бир “охх...”тортаман. Холбуки, жума намозларида хеч качон бунака огир ахволга тушганимни эслай олмайман. Гарчи шу онгача ўкиган жума намозларида Аллохдан кўра кўпрок инсонларни, ўзим

ичида яшаган жамоани кўпрок эътиборга олардим. Ўзим учун танлаган бир “имиж”им бор эди. Ўз тарихига эга, миллатчи хамда мухофазакор имиж эди бу. Ўзимни ана шу имижим билан танитар, унинг йўколишини истамасдим. Жумладан, жума намозларига боришим хам айнан шу имижимнинг мажбурий бир хусусияти эди. Аллохга ишонардим, имоним бор эди, бирок ёлгиз Аллох учун намоз ўкимасдим...
Хозир эса, ахвол тамоман фаркли!.. Энди на имижимни, на жамоанинг бошка хукмларини инобатга оламан. Ўзимни устидаги либоси ёниб кетган инсондек кўряпман. Неча йиллардан буён асраб келган имижимни белгилаган шу кийимларимни шоша-пиша эгнимдан ечиб отарканман, на жамоани кўз олдимга келтираман, на улар мени ялонгоч холатда кўриб колишларини!..
Буларнинг хеч бири мени кизиктирмайди!
Энди мен учун ягона ахамиятга лойик бир борлик–Аллох таоло!
Мен Аллохнинг кулиман ва шу куллик нимани такозо килса, барчасини бажаришга мукаллафман! Бор-йўги шу! Бундан бошка хеч нарса мен учун афзал эмас! Нафсим хохламаса хам, ибодатлар шум нафсимга огирлик килса хам, бошка мусулмонлар сингари намоз ўкишга, бошка мусулмонлардек харомлардан кочишга харакат киламан!..
Бундан ташкари, бошка мусулмонлардан менинг нима фарким бор? Бой ва бообрў эканимми? Касал бўлмасимдан олдин шундай деб ўйлардим. Тарозининг бир тарафига мингта ишчини, иккинчи тарафига ўзимни кўйсам, албатта мен огир келаман, дея фахрланардим! Минг ишчини кўл остида ишлатган, мингта ишчини моддий жихатдан таъминлаган бир инсон, албатта улардан огир келиши, улардан анча юкори туриши табиий хол эди!
Бирок, хасталик хабари келиши билан хаммаси ўзгарди!..

Аллох билан юзма-юз келган, Унга кайтишим мухаккак эканини бир лахзада англагандим!.. Шу тушунча сабаб таниганим ягона ва энг мухим хакикат, халк ахамият берадиган бойлик хамда обрў-эътибор сингари нарсаларга барча мулкнинг, бутун коинотнинг сохиби бўлган Аллох таолонинг киймат бермаслиги эди! Шу боис хам халк наздидаги эътиборим Хак наздида якун топган эди.
Хак наздида ягона кимматли нарса куллик эди!.. Кулликнинг кадрини жойига кўйиш эди!
..
Яна хам аникрок эътироф килиш лозим бўлса, Хак наздидаги тарозининг бир тарафига менга ўхшаган бир бошликни, иккинчи тарафига Аллохга гўзал куллик килган бир ишчини кўйсалар, хеч шубхасиз, ана шу ишчи огир келган бўларди! Шундай экан, дунёвий обрў-эътибор билан кибрланишга, гурурланишга асло хожат йўк эди! Нафсимга канчалик огир келмасин, Аллохга лойик куллик килишга, хатто беш минг машаккат билан бўлса хам, беш вакт намозни ўкишга харакат киламан! Махкам тутганим бу маънавий арконни асло, асло кўйвориш ниятим йўк!..

Кейинги кунларда бош огригим бир оз кучайди.
Бу огрикларнинг сабабини билмаган кунларимда факатгина огрикни хис килар ва улардан тезрок кутилишни истардим. Энди эса бу огриклар улкан бир дарахтнинг кичик тиканларидек кўринарди кўзларимга.
Шифокорим Закийбек эса, ахвол канчалик умидсиз бўлмасин, тиббий муолажани бошлашимни истарди. Муолажанинг бошка тарафлама таъсирларини ўйлаб, бунга рози бўлмадим. Баъзи якинларимга бир огайнимнинг хаста эканини айтгандим. Гиёхлардан

дори тайёрлайдиган бир кишини тавсия килишди. Уларнинг айтишича, табибнинг дорисидан кўпчилик тузалган экан. Таваккал килиб, шу табибга бордим. Миямнинг рентген суратларини кўрсатиб, ахволни тушунтирдим. У киши менга Аллохдан умид узмаслик кераклигини, берган гиёхларини маълум тартиб билан ичишим зарурлигини билдирди. Менга хам айнан мана шу тавсия маъкул келганди. Чунки, жуда оз бўлса хам, мени умидлантирадиган бирор чорани кўллашни истардим. Бундан ташкари бу гиёхларнинг бошка кимёвий дориларга ўхшаб, зарарли томони йўк эди. Табибнинг айтганига биноан, гиёхларни ича бошладим.
Табиат багридан йигилган бу гиёхлар дорихонадан олинган дориларга нисбатан яхширок кўринганди, кўзларимга. Согайишим учун агар бир мўъжиза лозим бўлса, бу мўъжиза одамларнинг кўли билан тайёрланган дориларда эмас, Аллох томонидан яратилган ушбу ўсимликларда мавжуд бўлиши керак эди.

Фабрикада кечадиган вактимнинг кўп кисмини асосан китоб ўкишлик билан ўтказардим. Бу ерда ўзим учун мўъжазгина бир кутубхона ташкил килдим. Турли мавзулардаги кизикарли китобларни сотиб олдим. Энг менга манзур бўлган китоблар эса, тасаввуфий ривоятларни англатган китоблар эди. Бу дунёга не буюк зотлар келиб-кетмаганди! Барчаларининг бир-бирдан гўзал кароматлари бор эди. Ўзларини зиёрат килиш учун келган одамлар билан бир огиз гаплашмай туриб, уларнинг нима максадда келишганини билишар ва эхтиёжларини кондиришарди. Ана шундай хол ахли бўлган бир киши билан учрашишни, унга юрагимдаги дардларимни айтишни хамда унинг хакикатдан бахс этган сухбатини тинглашни истардим.
Бундай инсонлар, пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо (с.а.в.)нинг “Ўлмасдан олдин ўлингиз” деган тавсияларига амал килиб, хар кун ўлимнинг нима эканини тафаккур килиб, ўлимни эслаб яшайдиган кишилар эди. Ўлаётган бир одамнинг ахволини хар холда улар яхширок тушунишарди.
Ажабо, бизнинг давримизда хам шундай шайхлар, муршидлар бормикин?
Шундай ўйлар билан ўтирарканман, хаёлимга бирдан Исмоил келди. Дўкондаги истарали сотувчи! Барча унга хавас билан карайдиган келишган йигит. “Алсанжок”нинг шиддатли сафобахш мухитидан ўзини тортиб ололган эди. Тунги клублардаги кизлардан кўра масжиддаги кекса кишиларнинг сухбатини афзал билган бу хушсурат йигит, самимий харакатлари билан хам атрофидагиларни хам мени хайратда колдирган эди!..
Лекин, у пайтда Исмоилнинг бу харакатлари менга негадир эриш туюлганди, ёшлик гаштини сурмайдими, дея ўйлагандим, тўгрироги...
Исмоилни тарикатга кирган деб эшитгандим. Бу канчалик тўгри эканини билмайман. Сухбати ширин бўлган бу йигит билан каерда кўришиб колсак, хар доим узок гаплашар, хазиллашиб турардик. Унга: “Нима гаплар, замонавий акидапараст?” дердим. Бирок, бу хазилимдан хеч хафа бўлмасди. Менга жамиятнинг бузилганидан, тизимнинг адолатсизлигидан, ахлокий меъёрларга путур етганидан сўзлар, ва: “Аввал инсон, кейин мусулмон бўлишимиз керак”, дерди.
Албатта, унинг гапларига кўпам эътибор бермасдим!..
Жамиятда ўрнини тополмаган бундай кимсалар албатта жамиятга лой чаплайдилар. Мен буни муваффакиятсизлик натижаси сифатида кўрардим. Шунинг учун насихат килиши ва насихатига кулок солиниши керак бўлган киши, Исмоил эмас мен эдим. Чунки узок йиллар давом этган сотувчиликдан кейин, канча машаккат билан кичикрок бир дўкон очган омадли инсон Исмоил эмас, мен – аканг карагай эдим. Сўзига кулок

солиниши керак бўлган бирор бир киши бўлса, мендан бошка ким хам бўлиши мумкин!..
Исмоил хакида яна ўйладим...
Хеч хам иккиланмасдан “Аллохга касамки, мендан аклли экан!”– дедим ўзимга ўзим. Ёшлигидан нафсини жиловлаш муваффакияти олдида бир нечта фабрика эгаси бўлган менингдек кишининг муваффакияти арзимас бир нарса эди.
Нима хам дердим, халоли бўлсин!
Соат бир ярим...
Пешин намозини ўкигандан кейин Кўнокка бориб, Исмоилни – ўзимизнинг замонавий “акидапараст”ни бир кўрай!..

Ярим соатдан бери Исмоилнинг ёнидаман. Мени самимий хурмат билан кутиб олди. Ўтирдик, чой келтиришди. Аввал бир оз ўтган-кетгандан, ўтиб кетган танишларимизни эслаб, эски хотиралардан гаплашдик. Уларнинг баъзилари диндан, ибодатдан йирок холда яшаган ва ўша ахволда дунёни тарк этишганди!.. Исмоил “Кўлимиздан нима хам келарди...” дегандек, надомат билан елкасини кисди. Юзидаги маъюс ифодадан имонсиз кетганларга ачинаётгани кўриниб турарди. “Улар билан кўп марта гаплашдим, билганларимни англатдим. Бирок, тушунишмади, тушунишни исташмади...” деди синик бир овозда.
Сўнгра менга каради. Нигохидан “Сенинг ахволинг кандай?” деган саволни укдим. Секингина беш вакт намоз ўкишни бошлаганимни айтдим.
Юзларида, кўзларида, нигохларида бир нарса “ярк!” этиб кетгандек бўлди. Кувончдан ўрнидан сакраб туриб кетди. “Кел, бир багримга босай!” дея севинганча мени кучоклаб олди.

Мен ўзимни йўкотиб кўйдим. Бир киши ўзга биров учун кандай килиб, шу даражада кайгуриши, кувониши мумкин? Холбуки, намоз бошлаганимдан хаттоки, ўзим хам бу кадар севинмагандим... Бирок, Исмоилнинг бу самимиятини кўриб, мамнун бўлдим.
– Кандай килиб?
– Нима кандай килиб?
– Намозни кандай бошладинг?
Унинг саволини тушунгандим. Исмоил намоз ўкишимга кандай вокеа сабаб бўлганини, нима туртки берганини сўраётган эди. Нима деб жавоб беришни билмай иккиланиб колдим. Чунки, ахволимни хеч кимга айтиш, ташвишимга якинларимни шерик килиш истагим йўк эди.
– Бир якин огайнимнинг миясида шиш пайдо бўлган экан. Жуда киска умри колибди. Шу нарса менга каттик таъсир килди...
Исмоил пастки лабини тишлаганча бошини чайкади:
– Неча ёшда?
– Деярли... деярли мен билан тенг...
– Нима хам деймиз, Салжук!.. Бу ўлимли, ўткинчи дунё!.. Аллох такдир килган хамма нарсада хайр бор, бейдилар!.. Иншаоллох, балки дўстинг учун шу хасталиги бирор хайрга васила бўлар!..
Бошим билан тасдик ишорасини килиб, “Иншаоллох” дедим.
– Исмоилбек!
Мижозлар чакиришаётганди. Исмоил яна битта чой келтиришларини сўраркан, мендан узр сўраб, ўрнидан турди. Келган мижозлар бир оила аъзолари эди. Улар менимча, куёв

учун тўй либосини олишмокчи эди.
Мен куёв дея тахмин килган йигит бир нечта кўйлакни кийиб кўрди, бирок, хеч бирини ёктирмади. Унга караб турарканман, “Сўнгги либосинг кафан бўлади, эй йигит!..” дедим ичимда. Кафан кийдирилаётганда хеч бир маййит инжиклик килолмайди. Хозир кўриб турганимдек, “Менга буниси ёкмади! Рангги шунака, кўриниши бунака бўлсин!..” дейишолмайди.
Шу пайт дўконга чўлок бир киши кириб келди!
У ўрта ёшларда бўлиб, сокол кўйган, бир оз бечорахол кўринишга эга эди. Бир-икки кадам ташлади-да, тўхтаб, атрофига каради. Исмоилнинг харидорлар билан гаплашаётганини кўргач, мен томонга бурилди. Нима килишга карор бергандек, чўлокланганча мен тарафга кела бошлади.
Тиланчи бўлса керак. Юзидаги сокин ифода билан ёнимга якинлашди. Бир муддат тараддудланиб турганимдан сўнг чўнтагимни кавлаб пул олдим-да, унга узатдим. Тўхтади, пулга караб турди-да “Аллох кабул килсин”, деганча уни олди. Кейин Исмоил турган тарафга караб, унга ёрдамлашаётган сотувчи кизни чакирди:
– Осмон хоним!
Ёнимизга келган киз табассум билан:
– Хуш келибсиз, Саид домла! – деди.
“Хуш кўрдик”, дегандан сўнг кўлидаги пулни узатди-да:
– Кизим, мана буни бир факирга беринг, илтимос!– деди.
– Ассалому алайкум, устоз! Хуш келибсиз!
Бу овоз Исмоилники эди. Исмоилга жилмайганча бошини кимирлатгач, уларни хайрат билан кузатиб турган менга караб ”Ассалому-алайкум!” деганча ёнимдаги курсига ўтирди.
Ўзимни аранг кўлга олиб, “Ваалайкум-ассалом!..” дедим ва дархол илова килдим:
– Кечирасиз!..

---

Кўзларимга майин бир табассум билан караб:
– Астагфируллох!.. Аллох учун садака бериш, магфиратга, афвга василадир. Иншаоллох кечириласиз!..– деди.
Бу сўзларнинг маъносини тўла тушунмаган бўлсам-да, “Иншаоллох” дедим. Бутун диккатимни жамлаб, бу галати кишини кўздан кечирдим. Бу киши Исмоилдан кийим олиб киймаганлиги, ёхуд уни Исмоил кийинтирмаганлиги кўриниб турарди. Кийимлари бир оз эски эди, бирок топ-тоза эди. Соч-соколининг учдан бир кисми окарганди. Юзи сокин, жиддий ва ўта сермаъно кўринишда эди.
Яхшилаб эътибор бердим. Сотувчи киз “домла”, Исмоил “устоз” дея атаган бу киши негадир менга жуда таниш кўринарди!
Худди уни каердадир кўргандек эдим. Нигохимни бошка ёкка каратганча, эслашга харакат килдим. Бирок, эслай олмадим!
Балки, бир пайтлар кўлимда ишлагандир, ёки бирор масжидда кўргандирман. Барибир эмасми!
– Исмим Салжук.
– Танишганимдан хурсандман, меники Саид.
Харидорларни дўкон эшигидан кузатган Исмоил ёнимизга келди. “Устоз, яна бир бор хуш келибсиз!” деганча кўлларини сикди. Ёнимизга ўтиргандан кейин бизларни таништирди. У кишини Куръон илмига эга ва билганларига амал килувчи мухтарам бир инсон

эканлигини билдирди. Мени эса эски таниши, дўсти эканимни айтди. Кандай килиб беш вакт намозни бошлаганимни айтишни хам унутмади.
У киши менга шундай нигох билан карадики, бу нигохлар жуда ўткир ва катъий бўлиб, унда чукур маъно ва савол яширинган эди. Бокишларидаги саволга жавоб бердим:
– Исмоил айтгандек, огайнимнинг ахволини кўргач, барчамиз эртами-кечми барибир ўлишимиз мухаккак эканлигини тушундим...
– Кизик!
– Нима кизик, ўлишимизни англашимми?
– Йўк! Огайнингизнинг хасталигидан шундай ибрат олишингиз! ..
Бир оз довдираб колдим:
– Тушунмадим?
– Хозирги инсонлар бошка бировнинг хатто ўлимини кўриб хам хеч кандай сабок олмас экан, сизнинг харакатларингиздан хайратда колдим!
Нима хам дея олардим? Гапирилаётган “ огайним” менинг ўзим, деб айта олармидим?..
Масалани бошка тарафга буриш максадида: “Сиз бошкаларнинг ахволидан сабок олмайсизми?” дея сўрадим.
– Ўзгаларнинг ахволини кўриб, керагича ибрат олганимда эди, бошкалардан анча фаркли инсон бўлган бўлардим.
Унга карадим. “Бошкаларга умуман ўхшамайсиз”, демокчи бўлдим, бирок индамадим.
Сухбатимизни жимгина тинглаб ўтирган Исмоилга ўгирилдим:
– Исмоил, Шохинбей яхши юрибдими?
Шохинбей Исмоилнинг эски хўжайини бўлиб, нихоятда очкўз, баднафс тадбиркор эди.
Исмоил кулимсираб жавоб берди:
– Кексалик хамда хасталиклар Шохинбейнинг канотларини синдирди. Хозир сурункали пархез килишга мажбур. Камгина овкатга каноат килиб яшамокда.
Мен хам енгилгина кулиб кўйдим. Балки мендан хам бой бўлган Шохинбейнинг ахволи, Исмоилга хам, менга хам кулгили туюлгандир. Шунда гўзал бир сўзни хотирладим. Инсонлар бошдан кечирган трагедия, у хакда ўйлаган кишиларни кулдириб, хис килган кишиларни йиглатаркан!.. Гарчи, Шохинбейнинг ахволига кулган бўлсам-да, ичимда хомуш бўлганимни яширмайман.

– Исмоил, хеч нарса саломатликнинг ўрнини босолмайди! Конуний Султон Сулаймоннинг сатрлари бор эди-ку, нима эди?
Исмоил бир оз ўйлагандан сўнг, Саид домлага каради. Устози жавоб берди:
“ Халк ичинда мўътабар хеч нарса йўк, давлат киби
Бўлмагай давлат жахонда, бир нафас сиххат киби...”
Домлага караганча “Ха, худди шу”, дедим ва кўшиб кўйдим:
– Нихоятда гўзал сатрлар эмасми?
– Нимаси гўзал?– деди совуккина килиб.
“Бефахм” деб юборишимга салгина колди. Ўзимни аранг ушлаб колдим.
– Албатта маъноси.
– Маъноси кандай? Нима, нафас кийматли-ю, давлат кадрсизми?!
Бу одам ё мени имтихон килаётган, ёки сабримни синаётганди. Жахлим чикаётганини билдирмасдан жавоб бердим:
– Бир нафаслик соглик, сихат, албатта минг давлатдан кўра кимматли!
Берган жавобимни гўё эшитмагандек, эшитса хам ахамият бермагандек юзимга каради.

Балки бу одамнинг калби тозадир. Жилмайганча “Тушунмадингизми?” дедим. Табассумимга табассум билан жавоб бермади. Сокин бир овозда “Тушунмадим, сиз хам тушундингиз, деб айтолмайман” дегандан сўнг кўшиб кўйди:

– Бугун дунёда сихатли холатда, сог-саломат шаклда нафас олаётган милярдларча инсон бор. Менга айтинг-чи, кайси бирининг олган нафаси, кайси давлатдан кадрли?! Жим бўлиб колдим, ўйга толдим, хаяжонландим!..

Бу гоят мантикли эътироз эди! Неча йиллардан буён, канча асрлардан бери хамма тўгри деб билган, маъкуллаб келган сўзга шундай эътироз билдирган бу кишига нима деб жавоб беришимни билмадим. Энг яхшиси, саволга савол билан жавоб бериш эди:

– У холда бу сўз кандай маънога эга?

– Менимча бу сўзнинг тайин бир маъноси йўк. Маънога эга эмас, маънога мухтож бир сўз!

– Кандай?

– ...Вактни кийматли ёки бекадр киладиган нарса, бу ўша вактнинг кандай ўтказилишидир, уни сарфлаш шаклидир. Яъни вакт–умр кандай, нима амаллар билан ўтказилганига кўра бахоланади.

– Унинг айтаётган гаплари тўгри эди. Буни тасдиклаётганимни ифодаловчи нигохлар билан унга карадим. Сўзида давом этди:

– Хар кандай бир нарсага бадал килиб берган вактимиз, ўша нарсадан кўра кимматлирок эмас. Чунки, хакикатдан хам кадрли бўлганида биз бу олди-сотдига рози бўлмаган бўлардик. Шу боис, давлатни, мол-дунёни хамда мансаб-макомни кўлга киритиш учун сарфланган вакт, харж килинган нарсалардан кўра кадрсиз холатга туширилган. Унинг айтаётган сўзлари мени теранрок фикрлашга ундарди. Мен унинг хулосасини эшитишни истаб “Алкисса?” дедим.

– Хулоса шуки, давлатга сохиб бўлишдан хам мухим, энг кимматли бўлган нафас, мол-дунёдан кўра кадрли бир гоя, яна-да кимматлирок максад сари берилган сўнгги нафасдир.

– Яъни?

Хеч нарса демасдан Исмоилга каради. Бу саволга унинг жавоб беришини истарди. Исмоил менга кулимсираб караганча:

– Бунинг жавобини сен хам ўргангансан. Аллохни рози этиш учун, Унинг ризоси истикоматида яшаш,– деди. Унинг табассумига жавобан жилмайганча “Тўгри” дедим ва кўшимча килдим:

– Исмоил, мен буни бир оз кечрок ўргандим. Шунисига хам Аллохга беадад шукр!.. Буни билмайдиганлар, хамон ўрганолмаганлар жуда кўп!..

– Ўша огайнинг биладими?

– Кайси огайним?

– Халиги хаста ўртогинг-чи!

Исмоилнинг бу саволидан бир оз довдираб колдим. Хаста деб айтган ўша ўртогимни, яъни ўзимни кандай таништиришни билмай иккиланиб колдим.

Унинг ўзим эканлигидан келиб чикадиган бўлсам, ўзим кандай бўлсам, уни хам худди шундай таништиришим керак:

– Якинда у хам беш вакт намоз ўкишни бошлади. Зотан, кичик ёшидан буён жума намозларини колдирмасдан ўкийди. Савобталаб яхши бир ўрток...

Илгарилари сухбатлашган кишиларимдек, “Э, шунаками? Машааллох, боракаллох!..” дейишларини кутардим. Аммо хеч нарса дейишмади. Кувончини яширмасдан Исмоил

Саид домлага каради. Юзида хеч кандай ўзгариш кўринмаган домла менга ўгирилиб, сўради:

– Исломни биладими?

Бошида саволни нотўгри англадимми, деган хаёлда бир лахза ўйланиб колдим. Йў-ў-ўк, тўгри тушунган эдим! Мендан унинг диндан хабари борми, дея сўраётганди! Шунакаям бемаъни савол бўладими? Унга айтадиганимни айтсаммикан, ёки индамасдан ўрнимдан туриб кетворсаммикан, деб ўйладим. Саид исмли бу одамга такрор карадим. Гоят сокинлик билан менинг жавобимни кутиб турарди. Жим туролмасдим:

– Бу нима деганингиз? Сизга унинг беш вакт намоз ўкиётганини айтдим, шекилли! Ёки эшитмадингизми?!

– Эшитдим.

Бу ярамас менинг жигимга тегаётганди!

– У холда нега “Исломни биладими?” деб сўраяпсиз? Беш вакт намоз ўкиган одам билмаслиги мумкинми?

Исмоил хам, Саид исмли бу нусха хам менга бир хилда караб туришарди. Нигохларида на бир хайрат, на бир хаяжон бор эди. Ташкаридан каралса, гўё улар мени тушуниб туришарди, аммо, аммо мен уларни англамаётгандим!

Жавобни яна ўша Саид деганлари берди:

– Намоз албатта, динимизнинг буйрукларидан бири. Бирок, Исломга киришнинг биринчи, илк шарти намоз эмас. Хар кандай бир инсон намоз ўкиб бошлагани билан, Ислом динини билган, Исломга кирган хисобланмайди.

– Сиз намоз ўкийдиганлар мусулмон эмас, демокчимисиз?

– Йў-ў-ў-к! Мен бундай демокчи эмасман. Хар бир мусулмон албатта намоз ўкийди. Бирок, минг афсуски,бугунги кунда хамма намоз ўкиётган кишини мусулмон дея кабул кила олмаймиз!..

– Барибир хеч нарса тушунмадим!

Мана диккат килинг! Ислом дини янги келган пайтларда намоз диннинг шиори эди. Ўша вактларда намоз ўкиётган бир кишини кўрилганда, унинг мусулмон эканига шаходат келтириш мумкин эди. Чунки, у даврларда мушриклар хам, кофирлар хам намоздан йирок эди. Исломнинг бошларида намоз ўкиган кишилар факат ва факат мусулмон эди. Бирок, хозир бундай эмас. Хозирги вактда мушриклар хам намоз ўкийди. Албатта, буни намоз дейиш мумкин бўлса!..

– Бир дакика шошманг!.. Мушриклар кандай килиб намоз ўкишлари мумкин? Ахир Аллохга ишонмаган киши кандай килиб, масжидга борсин, нима учун намоз ўкисин?!

– Мушриклар Аллохни инкор килиб “Аллох йўк” дейишмайди. Аллохга ишонишади, факат Аллохга шерик кўшишади!..

Масжиддаги маърузаларда Аллохга ишонмайдиган, Аллохни инкор киладиган кофирларни кўп эшитардим. Аммо, Аллохга шерик кўшадиган мушрикларни хечам эшитмаган эканман.

Одамзот накадар галати махлук!

Баъзилари инкор килиб, Аллохнинг ягона Яратувчи эканини кабул этмаскан, баъзилари эса, Унга шерик кўшиб, Аллохнинг якка-ю ягона Зотини иккита-учтага чикаришармиш!.. Астагфируллох! Бирок, намоз ўкийдиган кишилар ичида шундай ботил ишонч эгалари бормикан?

– Хам намоз ўкиб, хам Аллох иккита-учта дейдиганлар борми?

– Аллох иккита-учта дейиш, якка бўлган Зотида Аллохга шерик кўшишдир. Масалан, “Аллохнинг хотини, боласи бор” дея Аллохга шерик кўшадиган христианларда шундай ширк бордир. Халки мусулмон бўлган ўлкаларда ширкнинг бунака кўриниши учрамайди. Бу ўлкаларда мавжуд бўлган ширк шундан иборатки, улар Аллохнинг Зотига эмас, Унинг сифатларига хамда хукмларига нисбатан шерик кўшишади. Чин дилдан “Аллох бирдир, У якка ва ягона” дейдиган бир канча киши бу ифодаси билан Аллохни Зотида битта деб кабул килишларига карамай, минг афсуски, ижтимоий хаётларидаги кўплаб йўналишда, эътикодининг кўплаб ўринларида Аллохнинг сифат ва хукмларида Унга шерик кўшадилар.
Бошим “шишиб” кетганди! Бирок, айтилган сўзларнинг магзини чакишни, маъносини англашни хохлардим:
– Хозир гапирганларингизни яна бир марта кайтаринг, илтимос!..
Эътироз билдирмади. Гапирганларини яна бир бор яна-да тушунарлирок килиб такрорлади. Нималарнидир тушунгандай бўлдим, бирок керагича англадим деб айтолмайман. Факат шу нарсани биламанки, бу одам айтаётган сўзлар нихоятда мухим эди, хар бир мусулмон билиши зарур бўлган нарсалар эди. Унинг гапларидан янги бир нарса ўрганиш билан бирга, олдиндан билган нарсаларимнинг хам ўзгарганини хис килгандек эдим. Эътиборимни тортган бу киши билан кўпрок, узокрок сухбатлашишни истардим:
– Бу хакда менимча, бемалолрок ўтириб сухбатлашганимиз яхши. Мехмонимиз бўласизми?
Ўйланганча юзимга каради-да жавоб берди:
– Мен кишлокка кайтишим керак.
Исмоил гапга аралашди:
– Устоз Тўрвалига карашли кишлокда яшайди.
Тўрвали Измир-Ойдин йўлида бўлиб, Измирга келиб-кетаётганда Гозийамир устидан ўтиларди.
– Янги фабрикамиз Гозийамирда. Эртага Измирга кайтсангиз, кириб ўтишингиз мумкин,– дедим.
Бир муддат ўйлади. Кейин жавоб берди.:
– Иншаоллох, соат ўнлар атрофида.
Мен хам, “Худо хохласа”, дедим-да, фабриканинг каерда эканини тушунтирдим. Сўнгра рухсат сўраб, кетишга чогландим. Хайрлашдик. Исмоил мени эшикка кузатиб чикди. Ундан сўрамасдан кетолмадим:
– Исмоил, бу кандай киши?
У кулимсиради:
– Бу саволни эртага ўзинг жавоблайсан. Бирок, унинг сўзларини диккат билан тингла!..
Бошимни кимирлатганча “Яхши” дея ишора килдим ва кўшиб кўйдим:
– Яхши кол!..

Соат тўккизларда фабрикага келдим.
Кеча Саид домла билан бўлган сухбатимизнинг маъносини чакишга харакат килган, нима килишим лозимлигини анча ўйлагандим. Исломий мавзуларда етарлича билим ва тушунчага эга эмасдим.
Бошида бирор устоз ёки шайхни сухбатимизга чакиришни ўйладим. Чакирсам, келиши мумкин бўлган домлалар бор эди. Саид домла билан киладиган сухбатимизни шу домла

хам эшитишини, мохиятига эътибор беришини истардим. Кейин фикримдан кайтдим. Устозларни бир-бири оркали имтихон килишдек туюларди бу харакатим. Айникса, Саид домлага нисбатан одобсизлик бўларди. Энг яхшиси, сухбатни магнит тасмасига ёзиб олиб, кейин бирор шайх билан бирга эшитиб, мулохаза юритиш эди.
Ха, мана шу энг маъкул фикр.
Уйдан олиб келган магнитофонимни иш столимнинг биринчи тортмасига кўйиб, ёзув тугмасини босиб кўйдим. Кейин хонамнинг хар тарафида юрганча гапириб кўрдим. Тасмани бошига олганча, овозимни эшитиб кўрдим. Жуда яхши, овозимни нихоятда тиник ёзганди. Магнитофонни тортмада тайёр килиб кўйганча, домлани кута бошладим.
Соат бештакам ўнда фабрикага келди.
Пастга тушиб, уни биринчи каватнинг эшигида кутиб олдим. Бирга юкорига чикдик. Ён-верига унчалик ахамият бермасди. Аввалги пайт бўлганда, унга фабриканинг хамма тарафини кўрсатган, таъбир жойиз бўлса, бир оз “нафас олдирган” бўлардим. Хозир эса, бундай ниятим йўк. Чунки, бу улкан бинонинг мен учун хам хеч кандай ахамиятли, кизикарли ери колмаган эди!..
Саид домла бир оз оксокланиб юрарди. Чап оёги озгина калтамиди, кийшикрокмиди, билолмадим. Чўлокланиб, лекин охиста кадамлар билан хонамга кирди. Унга кулай бир ўринни кўрсатдим. Ўтирди.
– Нима ичасиз?
– Чой.
– Аччик бўлсинми?
Кулимсиради:
– Фарки йўк.
Телефон тугмасини босганча, чой буюрдим. Дархол мавзуни давом эттиришни хохлардим. Магнитофон тугмасини секингина босиб кўйдим-да, илк саволимни бердим:
– Кечаги сухбатдаги сўзларингизни ўйладим. Факат биттагина тушунолмаганим хусус бор. Сиз хар бир мусулмон намоз ўкийди, бирок хар намоз ўкиган одам мусулмон эмас, дедингиз. Мен англай олмаган жихат, кеча сиз келмасингиздан аввал Исмоилга якинда намоз ўкишни бошлаганимни айтгандим. Ўша пайтдаги Исмоилнинг кувончини бир кўрсангиз эди! Намоз ўкиш модомики, Исломнинг шиори эмас экан, у холда Исмоил нега бунчалик севинди?
– Аллох ёктирмайдиган хар кандай ёмон амалларни тарк килиб, намозни бошлаш хеч шубхасиз, хар кандай бир инсоннинг чин кўнгилдан Аллохга йўналиши, Исломни талаб килиши демакдир.

Исмоилни севинтирган жихат, сизнинг шу талабингиз бўлса керак.
Унинг бу изохида мантик бордек туюлди. Демак, Исмоилни севинтирган нарса менинг Исломга киришим эмас, динга йўналишим, Исломни талаб килишим экан! Албатта, Исломга кирган-кирмаганлигим борасидаги шарх, ана шунинг шархи эди. Менинг эса, бу мавзуда хеч кандай шубхам йўк эди. Мен аклимни таниганимдан буён Ислом динида эдим. Баъзи камчиликларимга, баъзи хатоларимга карамасдан, хеч шубхасиз мусулмон эдим.
– Мен тушунолмаган яна бир нарса бор. Кечаги сухбатимиз давомида беш вакт намоз ўкийдиган ўртогим хакида, у Исломни биладими, дея сўрадингиз. Кейин эса, Аллохга ширк келтириш хакида гапирдингиз. Сиз билган бу нарсаларни албатта, масжиддаги имомларимиз хам, воъизларимиз хам билишади. Беш вакт намоз ўкийдиган ўша

огайнимни масжидга бормаган, бирор марта хам хутба ва маъруза эшитмаган, деб ўйладингизми?
Бир муддат жим бўлиб колди. Назаримда юзи сал гамгин кўриниш олганди. Энди огиз жуфтлаган эди хамки, чой келтиришди.
Яна тўхтади. Чойларимизни олдик. Чойига икки кошик шакар солгач, курсисига суяниброк ўтирди ва кўзларимга тикилганча сўзини бошлади:
– Кеча биз жуда кискагина тўхталган ширк масаласини барча имомларнинг, ёхуд воъизларнинг билиш-билмаслигидан хабарим йўк. Мен билган ягона нарса, баъзи истиснолардан ташкари, кўплаб масжидларда бу хакикатнинг тушунтирилмаслигидир. Шундай экан, хар кандай бир кишининг намозни бошлагандан сўнг масжидга бориши, динга оид хамма нарсани, айникса, ширкка тааллукли мавзуда тўлик тушунчага эга бўлди, дегани эмас!
О-ла-а! Бу одам олдин мусулмонларни айблаётган бўлса, энди масжидларни ва ундаги имомлару воъизларни айблаётган эди! Аллохга ширк кўшишдек мухим мавзулар хусусида масжидларда гапирилмас эмиш!
Бир нафас ўйга толдим.
Булар бир фирка, гурух бўлса керак! Масжидларда ўргатилмайди деган масалалари балки ўзларига оид масалалар, ўзларининг ташвикотлари бўлиши мумкин! Ўз фиркаларига, гурухларига кирмаган кишиларни “кофир” деб атайдиганлар бор деб эшитгандим. Худди шундай бир фирка бўлса керак булар!
– Сизнинг фиркангизнинг номи кандай?– дея сўрадим.
Кулимсираганча жавоб берди:
– Бизнинг хеч кандай гурух ёки фиркамиз йўк!..
– Жуда соз, унда сизларни кимлар деб аташади?
– Исломдан хабари бўлганлар бизни факат мусулмон, дея атайди. Билмаганлар эса, турли номларни бизга ёпиштиришади. Масалан, “ акидапараст” ёхуд “фанатик”лар сингари...
Ха, мен шундай номларни эшитгандим. Демак, акидапарастлар худди мана шулар!
Чойдан бир хўплади-да, менга юзланди. Кискагина бу сухбатдан кейин безовта бўлиб, тараддудга тушганимни гўё сезгандек эди.
– Кўнглинггизга бирор ёмон фикр келган кўринади?
– ...Шундай десам хам бўлади. Сизлар хаккингизда турли миш-мишлар юради...
Кулимсиради.
– Бўлиши мумкин. Халкни олкишлаб, улар оккан окимда окканимизда, балки биз хакимизда яхши гаплар гапиришган, макташган бўлармиди. Бизлар эса, факат Хакни эътиборга олдик, Хак томон бўлдик...
– Хак деганда нимани назарда тутяпсиз?
– Авало Куръони Карим, кейин ундаги хукмлар. Сўнгра эса, Пайгамбаримиз (с.а.в.) нинг суннатлари.
– Мана энди тўгри гапирдингиз. Зеро бутун мусулмонларнинг фикри ана шундай.
– Ўзларини Исломда деб билган хар бир кишининг Куръон ва суннат хакида гапиришини биламиз. Агар сўзлаётган сўзларига амал килиб яшасалар, албатта орамизда хеч кандай фарк колмайди.
– Хамма сизга ўхшаб, акидапараст бўлиши керакми?
– Йўк, факат мусулмон!
Бу кишининг мусулмон деган сўзни айтиш оханги менга умуман ёкмаётганди. Бу калимани

шундай бир маънода гапирардики, бу маънодан ташкарида колганларнинг барчаси кофир эди гўё!
Жим бўлиб колдим. Нима дейишимни билмасдим. У хам сўзлашдан тўхтади. Менга шундай бир нигох билан карадики, кўзларида кайгуга ўхшаш бир маъно бор эди.
– Салжукбей! Мен бу ерга сиз билан тортишиш учун, сизни ранжитиш ёки дилингизга озор бериш учун келганим йўк!.. Аллохнинг лутфи билан кўришиб турганимиздек, имон келтирганимиз хакикатлар бор. Бир мусулмон сифатида гоят кадрлаганим бу илохий хакикатларни сизга тушунтиришни, сиз билан ўртоклашишни истадим. Бу ерга келишдан ягона максадим шу, холос.
Чин кўнгилдан айтган бу самимий сўзлари менга нихоятда ёкди. Балки, айб ўзимдадир. Балки, унинг сўзларини охиригача диккат билан тинглаганим яхширокмиди?.. Унинг кўнглини кўтариш максадида:
– Зеро, мен хам сизни худди шунинг учун чакиргандим. Факат, масжидлар хакидаги сўзларингизга кўшилмайман. Истисно тарикасида гапирганингиз билан, кўп масжидларда бундай мухим мавзуларга ахамият берилмаслигини, ўргатилмаслигини айтдингиз. Холбуки, барча масжидларимизда Исломнинг хаттоки энг кичик мавзуларига хам хассослик билан ёндошилади.
– Мен масжидларда диннинг кичик масалалари ўргатилмайди, демадим. Булар ўргатилади. Бир канча масжидларда эътибор берилмайдиган хусус, билишимиз энг мухим бўлган тавхид хамда ширк масаласи.
– Булар ўргатилмаётганини каердан биласиз?
Бу киши нихоятда сабрли инсон эканидан, эътирозларимни гоят сокинлик билан эшитиб ўтирарди.
– Канча вактдан буён масжидга борасиз?
– Кичкиналигимдан буён.
– Албатта шунча йил давомида бир канча имомлар хамда воъизларнинг маърузаларини эшитгансиз.
– Шундай.
– Энди айтадиган сўзларимга диккат билан кулок солинг. Куръони Каримга имон келтирган барча домлалар, барча олимлар Расулуллохни (с.а.в.) ўзларига ўрнак деб билишлари, у кишининг суннатларига амал килишлари керак. Чунки, олимлар Пайгамбаримизнинг ворисларидир. Пайгамбарлар яшамаган, ёхуд бошка пайгамбар келмайдиган даврларда пайгамбарларнинг насихатларини, даъватларини инсонларга етказиш, ана шу пайгамбар ворислари бўлган олимларнинг бурчидир. Ана энди сизга бир савол, Расулуллохнинг (с.а.в.) ва барча пайгамбарларнинг энг мухим даъватлари кайси эди, биласизми?
Бир оз ўйлаб колдим. Масжидларда эшитганларимни эсладим. Жавоб накд эди:
– Аллохга куллик килишга чакириш.
– Жуда тўгри, бирок бу тўлик жавоб эмас!..
– Нега?
– Ярми йўк, жавобингизнинг.
– Тушунолмадим?

– Мана тингланг. Аллох Таоло Куръони Каримнинг Нахл сурасида барча пайгамбарларнинг юборилиш гояларини икки асосга боглаган. Инсонларни тогутдан ва тогутга кулликдан куткариб, Аллохга куллик килишга даъват этиш. Энди менга

айтинг-чи, кичик ёшдан буён тинглаган маъруза ва хутбаларда тогутнинг нима эканини, ва ундан кандай сакланиш лозимлигини ўргандингизми?
...Тогут! Бу сўзни умримда биринчи бор эшитаётган эдим! Балки, туркча маъносини билишим мумкиндир, лекин, нима эканини барибир тушунолмайман.
– Тогут нима дегани?
Жим бўлиб колди. Нигохларида яна гам бор эди. Ана шу махзунлик билан жавоб берди:
– Тогут, инсонларни Аллохдан ва Аллохга кулликдан узоклаштириб, ўзига куллик килишга чакирадиган хамма нарса... Шакли замон ва маконга караб ўзгариши мумкин. Инсонларнинг каршисида баъзан бут, баъзан Фиръавн, баъзида бир диндор шахс, баъзан бир партия, баъзида эса, бир давлат тарзида намоён бўлиши мумкин!..
Хайратим ортганди!
– Бизнинг ўлкада кандай кўриниши бор?
– Минг афсуски, хамма тури, хатто ортиги билан!..
Бошимни дераза томонга бурганча, нигохимни олисларга тикдим... Бу одам тогутдан сўзлаётганди!
Барча пайгамбарлар инсонларин тогутга куллик килишдан кайтариш ва ёлгиз Аллохга куллик килишга даъват килиш учун юборилган!.. Бу тушунарли, лекин тогут нима?..
Тогут, инсонларни Аллохга кулликдан кайтариб, ўзига кул бўлишларига даъват киладиган нарса эмиш!.. Ўлкамизда бир канча тури бор эмиш!..
Ташкаридагиларни ўйлардим,
жамиятни ўйлардим,
тарикатларни ўйлардим,
давлатни ўйлардим, аммо, канча ўйламайин, хеч кандай тогутни кўрмасдим!.. Бу диёрда инсонларни Аллохга куллик килишдан кайтарадиган нима хам бўлиши мумкин?
Хохлаган киши истаган масжидида намоз ўкий олади!
Хохлаган пайтда рўза тутиб, курбонлик сўя олади!
Хўш, ундай бўлса, инсонларни Аллохга ибодат килишдан тўсадиган нарса каерда?
Шу хаёл билан Саид домлага карадим:
– Айтган хамма гапларингизни тушундим, аммо сиз айтган ўша тўсикни хеч каерда кўрмаяпман. Бу ўлкада инсонларни Аллохга куллик килишдан нима хам кайтариши мумкин? Хохлаган киши истаган масжидида намоз ўкиб, рўзасини тута билса. Ким тўскинлик килиши мумкин?
Мени гоят яхши тушунгандек, бошини кимирлатди.
– Гапларингиз тўгри. Бунга ўхшаш нарсаларга унча монеълик килинмайди. Бирок, масалани бир оз кенгрок тушунинг. Тогутнинг инсонларни Аллохга ибодат килишдан кайтариши икки турлидир. Биринчиси тажовуз хамда зўрлашдан иборат. Одамларни кийнаб, “Аллохга куллик килмайсан!” дея мажбурлашади. Бунга тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, асхоби ухдуд, имонларидан кайтмаган барча мўъминларни оловли чукурга ташлаган. Бу тогутнинг биринчи кўринишидир. Иккинчиси эса, биринчисидан кўра юмшокрок, лекин, ўта тахликалидир. Тогутнинг бу тури биринчисидагидек, инсонларга “Аллохга куллик килманглар!” дея зўравонлик килмайди. Уларни сиз айтганингиздек, намоз ўкиш ва рўза тутиш каби баъзи ибодатларига тўскинлик килмайди. Инсонлардан факатгина битта, ягона кутган нарсаси бор...
Жим бўлиб колди. Балки, бир оз тин олмокчи бўлгандир, бирок мен кутолмасдим. Кизиксиниб сўрадим:
– У нима экан?

– Хам Аллохга, хам ўзига куллик килишлари!.. Чунки уларнинг акл ўргатувчиси, васваса элчиси бўлган шайтони лаъин жуда яхши биладики, Аллох билан бирга бошка бир нарсага куллик килган инсон, мутлако ва мутлако Аллохга куллик килган, ибодат килган бўлмайди!.. Аллохга куллик килишнинг асоси тавхиддир! Чунки, Аллохга куллик факат ва факат Аллохнинг якка Ўзига килинган кулликдир. Оламларнинг Рабби бўлган Жаноби Хак, Ўзи билан бирга бошка бир нарсага килинган кулликка асло ва асло рози бўлмайди! Ва бундай кулликни кабул килмайди.
Саид домла мухим дея таъкидлаётган нарса факат ва факат Аллохнинг Ўзигагина куллик килиш эди. Аллох кабул киладиган куллик, ана шундай куллик эмиш! Бунга кимнинг кандай эътирози бўлиши мумкин?..
– Фарзандингиз борми?
– Ха, бир ўгил ва бир киз.
– Аллохнинг йўлида юрувчилардан килсин! Энди ўглингизни олайлик. Агар ўглингиз сизни ота демаса, сизнинг отаси эканингизни инкор килса, жахлингиз чикадими, йўкми? Шунакаям бемаъни савол бўладими?
– Албатта жахлим чикади!
– Аллохга куллик килишни инкор килганларни хам шунга ўхшатиш мумкин. Сал олдинрок айтганимдек, тогутнинг биринчи кўриниши, илк даъвати худди мана шудир. Инкор килдириш. Иккинчи шакли эса, сизни “Ота” деб аташдан воз кечмаган ўглингизнинг бошкаларни хам “Ота” дейишига ўхшайди. Мана шундай холатда сиз кандай йўл тутган бўлардингиз? Ўглингиз баъзи бир кишиларни хам “Ота” деб турса, сизни “Ота” дейишининг бирор ахамияти, маъноси борми?
Кизик ўхшатиш эди бу.
Ўйга толдим. Ўглимнинг мени “Ота” деб тан олмаслиги, менинг отаси эканимни инкор килиши билан мен билан бирга яна кимларнидир “Ота” дейиши деярли бир-бирига якин тушунча эди!..
Мухим бўлган нарса, менинг ота эканимни инкор килмаслиги ва факат мени “Ота” деб аташи эди.
Мендан жавоб кутаётган Саид домлага “Йўк!” деган маънода бошимни кимирлатганча:
– Хеч кандай маъниси йўк! – дедим. У давом этди:
– Аллох билан бирга бошка нарсаларга хам куллик киладиган кишиларнинг ахволи, отаси билан бирга бошка кишиларни хам “Ота” деб атайдиганларнинг холатига ўхшайди. Фарзандингиз устида факат оталик хаккингиз бўлгани холда, бундай холатни кандай кабул килмаётган бўлсангиз, инсонларининг устида Илохлик хакки бўлган, уларни яратган, одамзодни яшатган Аллох таоло хам Ўзи билан бирга бошка нарсаларга куллик, ибодат килинишига асло рози бўлмайди!
Кулимсирадим.
Факат Аллохга куллик килиш масаласини канчалик гўзал мисол билан тушунтирган эди!
– Миннатдорман!
Нигохларида хурсандчилик акс этди. Мамнун бир овозда:
– Тушунганингиз учун мен сизга рахмат дейишим лозим.

Ха, мен англаб етгандим... Аллох билан бирга бошка хеч нарсага куллик килмаслик керак. Хам Аллохга, хам тогутга куллик киладиганлар, Аллохга эмас, тогутга сигинган кимсалар эди!
Тогут!

Яна рўпара келдим, шу сўзга!..
Лекин, хамон ана шу тогутнинг ким ёки нима эканини, каерда эканини, инсонларни кандай килиб ўзига сигинишга чакиришини билолмай хайрон эдим.
– Бу ўлкада тогутнинг нима эканини, кимлардан иборатлигини тушунолмаяпман?
Бошини “Бўлди”, дегандек кимирлатганча:
– Иншаоллох буни тушуниб оласиз, – деди. Сўнгра ўрнидан турди. Кетишга чогланганини кўриб турсам-да, асло кетказгим келмаётганди.
– Хожатхонангиз каерда?
Хурсанд бўлиб кетганимдан дархол оёкка турдим:
– Мархамат.
Унга хожатхонани кўрсатганимдан кейин хонамга кайтдим. Магнитофон эсимга тушди. Дархол ёзиш тугмасини босдим. Кассета халиям тугамаган экан. Хар эхтимолга карши бошка янги кассета кўйдим. Сўнгра ўтирганча Саид домланинг сўзларини мулохаза кила бошладим.
Менга янги, яп-янги нарсаларни билдирган бу одамга нисбатан хурмат туйгуси уйгонганди калбимда. Уни ёктириб колгандим.

Ўн дакикалардан кейин кириб келди.
Юзи хамда сочлари хўл эди. Тахорат килганлиги билиниб турарди. Унга дархол бир сочик узатдим. Оларкан, рахмат айтди. Курсимга ўтирарканман, яна секингина магнитофон тугмасини босиб кўйдим. Бу яширинча харакатим ўзимга хам ёкмаётганди, бирок, на илож?.. Аллох кечирсин!..
– Тогут хакида бахс юритаётгандик.
– Ха, хар бир мусулмон сакланиши лозим бўлган тогут хакида гаплашаётган эдик ва сиз ўлкамизда мавжуд бўлган тогутларни танитишимни сўрагандингиз.
– Шундай.
– Бизнинг бошка чой хаккимиз йўкми?
– Кечирасиз, умуман хаёлимдан кўтарилибди!..
Дархол иккита чой буюрдим. Соатга карадим. Пешин кираёзганди. Телефон тугмасини такрор босдим:
– Мехмоним билан шу ерда овкатланаман. Тайёргарлик кўринг.
Саид домлага караганча сўрадим:
– Ейдиган хеч кандай пархез овкатингиз йўкми?
– Пархезда эмасман, лекин иштахам йўкрок. Мен учун овора бўлманг.
– Ие, бу нима деганингиз, овораси бор эканми!
Шу онда чой келтиришди. Хизматдаги ходимимга миннатдорчилик билдирганча, чойини олди. Чойига икки кошик шакар солди ва аралаштиргач, курсига суяниб ўтириб олди. Кўзларимга тикилганча гапиришни бошлади:
– Салжукбей! Дин ва Илох тушунчаларининг кандай маънони билдиришини англаб етган вактингиз, шубхасиз тогутнинг хам нима эканини, ким эканини мутлако тушуниб оласиз. Мен аввало дин сўзига тўхталаман. Дин нима? Дин деган пайтимиз нимани тушунмогимиз керак?
Бир лахза жим бўлиб колди!.. Жавоб беришимни эмас, ўйлаб кўришимни истаётгандек эди. Холбуки, ўйланадиган нима хам бор эди! Хаммамиз биладиган нарса эмасми? Дин деган пайтимиз барчамиз нимани назарда тутишимиз маълум-ку. Аллохни рози килиш учун У буюрган баъзи ибодатларни бажаришимиз, ичкилик-арок хамда чўчка гўшти

сингари харом бўлган нарсалардан сакланишимиз. Бу жавобни билсам-да, хеч нарса демадим. Жавобини унинг ўзидан кутаётгандим.
Дин, бир яшаш шаклидир. Ислом дини баъзи кишилар ўйлаганларидек,йигирма тўрт соатимизнинг муайян вактларигагина эмас, яшаган бутун йигирма тўрт соатимизга тегишли бўлган, ойдинлатган, умримизнинг хар бир дакикасини тафтиш килган, тартибга солган бир дунёкараш, бир хаёт тарзидир.
Жумладан, динимизнинг асл манбаси бўлган Куръони Каримга карасак, унда бутун хаётимизни камраган, хаётимизни тўлигича тафтиш килган хукмларнинг, конунларнинг борлигини кўрамиз. Чунки, мана шу Диндир! Чунки, дин кенг доирадаги хаёт тарзидир. Шундай экан, дин деган вактимизда шуни билмогимиз керак.
Хар дин бир дунёкараш, бир хаёт тарзи бўлганидек, хар дунёкараш, хар бир хаёт тарзи хам бир диндир! Бутпарастлик бир диндир, мажусийлик бир диндир, инсонларга маълум бир хаёт тарзини инъом килган хар бир гоя, хар бир тузум бир диндир.
Унинг сўзларини жон кулогим билан тинглардим. Айтганларини тушунишга харакат килар ва англар эдим.
– Ер юзида асосан икки хил дин кенг таркалган. Хак дин ва ботил динлар. Башариятдан манба олган барча гоялар, барча динлар ботилдир. Бир канча ботил динлар бор бўлишига карамай, битта, факат биттагина хак дин бордир.
Мушохада килиб ўтирмасдан гапга аралашдим:
– Ислом!..
Сўзини бўлгандим, бирок жахли чикмади. Бир муддат кўзларимга тикилиб турди-да, сўради:
– Нега Ислом?
Тавба килдим, саволни каранг! Бу одам мени яна тараддудлантириб кўйганди.
– Нега деганингиз нимаси? Ислом дини инсоният тарафидан ўйлаб топилган дин эмас. Аллох тарафидан юборилган хак диндир.
– Жуда тўгри. Бирок, изохлашингиз лозим бўлган бир масала бор. Мусовийлик хам, Исовийлик – христианлик хам самовий яъни Илохий манбага эга бўлган динлардир. Шундай экан, нега мусовийлик ёхуд христианлик демасдан, Ислом дини дедингиз?
Нима дейишимни билмай ўйланиб колдим. Бу тўгри эътироз эди. мусовийлик хам, христианлик хам Илохий манбаларга таянган динлар эди. Бирок, бир дакика!.. Аммо улар динларини бузишган эди!
– У динлар хам Аллох тарафидан юборилган, аммо одамлар ундаги Илохий хукмларни ўзгартиришган, динни бузишган!..
Майин табассум билан бошини охиста кимирлатди. Сўзларимни тасдиклаётганди.
– Ха. Манбаси Илохий бўлгани билан, инсонлар томонидан ўзгартирилган, баъзи хукмлари ўчирилиб, баъзи янги хукмлар киритилган динлар хам ботилдир!
Бир оз жим турганидан сўнг сўради:
– Хўш, мусулмонман деган инсонлар хам динларида йўк баъзи нарсаларни киритиб, Аллох буюрган баъзи бир амалларни тарк килсалар ва номини Ислом деб атасалар, бу дин хак дин бўладими?
Нима дейишим мумкин? Жавоби маълум...
– Бўлмайди...
– Ха, бўлмайди. Буларни айтишимнинг сабаби, Ислом динини хак дин килган унсур, бу диннинг факатгина самовий бўлиши, ёхуд номининг Ислом дейилиши эмас.

Шундай экан, биз яшаётган дунёмизда оти Ислом деб аталган хар кандай динга, номи Ислом деб аталган хар кандай хаёт тарзига хак диндир, деёлмаймиз. Чунки, номи Ислом бўлишига карамай, инсонлар тарафидан киритилган янгиликлар хамда йўл кўйилган камчилик ва хатолар, атайлаб ёки билмасдан динни бузиш каби холатлар мавжуд бўлган дин, асл эътибори билан Хак дин бўлган Ислом дини эмасдир! Манбаси Илохий бўлишига карамай, инсонлар томонидан бидъат, хурофотлар киритилиб, бузилган диннинг мусовийлик ёхуд христианлик динидан хеч кандай фарки йўкдир.
Бир муддат тин олгач, давом этди:
– Аллох Таоло наздида ягона Хак дин бўлган Ислом, Куръон ва суннат чегарасидаги Исломдир. Чунки, хак бўлган дин, Хак ўлчовларига кўра яшалган диндир.
Мен хайратда колгандим! Биламан деб хисоблаган масаламда канчалик билимсиз эканимдан хайратланаётгандим. Дин сўзининг нечоглик кенг ва теран маъноси бор экан! Менинг шу пайтгача мавжуд бўлган дин хакидаги тушунчамни кандай бахолаш мумкин?.. Шу пайтгача номи Исломдан иборат хамма нарсани хак дея кабул килардим. Холбуки, хак бўлган Ислом, Саид домла таъкидлаганидек, Хак ўлчовларига содик бўлган Ислом экан! Унинг сўзлари нихоятда тўгри эмасми? Номи Ислом бўлишига карамай, ўзгартирилган, бузиб кўрсатилган бир диннинг мусовийлик ёхуд христианликдан нима фарки бор? Бидъатлар киритилиб, Аллохнинг хак хукмлари чикариб ташланган христианликни ботил деймиз-у, айни шаклда бузиб кўрсатишга уринилган динни оти Ислом экан деб, хак дея оламизми?
Яхши, бирок Ислом дини шундай бидъатлар билан бузилганми? Ислом дини эътикодида эканини билдирган мусулмонлар хам мусовийлар ёки христианлар сингари динларини бузишганми?
– Ислом динини хам ўзгартиришганми? У хам бузилган ботил динми?
Дархол кўлини кўтарганча менга “Жим!” дегандек ишора килди. Кўзларидаги маъно кескин ўзгарган эди!
– Аллох асрасин, асло! Ислом динини бундай тахликадан Аллохнинг Ўзи асрасин! Бугунги кунда дунёда хак бўлган Исломни, хак бўлган ўлчовларига асосан яшаётган милёнлаб мусулмонлар бор! Бу мусулмонлар тобе бўлган дин, хеч шубхасиз, хак бўлган Исломдир. Факат, номи Ислом аталишига карамай, баъзи фиркалар, баъзи гурухлар, баъзи бир тарикатлар тарафидан бузилган дин, хак бўлган Ислом эмасдир! Мен факатгина мана шуни айтмокчи, билдирмокчи эдим, холос.
Масалани англагандим.
Дунёда хак бўлган ягона дин Ислом эди. Аммо, номи Ислом дея аталган хамма дин хам хак дин эмасди. “Тушундим”, дегандек, бошимни кимирлатдим.
– Дин мавзусида шу киска маълумот хозирча етади. Мухим бўлган нарса, диннинг нима эканини билишимиз, хак ва ботил динларнинг асосий мохиятини тушунмогимиздир. Асло унутмаслигингиз керак бўлган хусус, хак бўлган дин, хак ўлчовларига содик бўлган дин эканлигидир. Шу боис, хак бўлган Ислом, Куръон ва суннат чегарасида таърифланган хамда айни чегарада яшалган Исломдир.
Миннатдорчилигим акс этган кўзларимла унга бокарканман, “ Хаммаси тушунарли, устоз!” дедим. Уни биринчи бор устоз, деб атаётган эдим. Бу сўзимдан хеч кандай хижолат чекмадим. Бу инсон хакикатдан хам мухтарам бир киши эди ва устозим хисобланарди.
Телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим.

Котибам кимнидир уламокчи эканини билдирди. “Улама, бандман”, дея гўшакни кўйдим. Сўнгра Саид домлага караб, “Мархамат, давом этинг”, дея илтимос килдим.

– Энди эса, Илох тушунчаси устида бир оз мулохаза юритамиз. Илох ўзи нима?

Озгина тин олгач, давом этди:

– Илох, Буюк дея Унга сигиниладиган, ёрдам сўраладиган хамда Ўзига ибодат килинадиган Маъбуд, Тангри демакдир.

Ахир бу мен олдиндан биладиган таъриф билан бир хил-ку! Зотан мен хам Илох деганда худди шундай тушунчага эга эдим. “Ха” дегандек, бошимни кимирлатдим.

Сўзини давом эттирди:

– Шундай килиб, Исломнинг яъни динга киришнинг энг биринчи ва энг мухим шарти, ягона Илох Аллох эканини билиш ва тасдиклаш, факат Унгагина куллик килишдир. Хусусан, шаходат калимасида келтирилган тавхид сўзининг маъноси мана шудир. “Ла илаха иллаллох” яъни, Аллохдан бошка илох йўкдир, факат Аллох бордир.

Бу хам гоят тушунарли ва аник бўлган нарса эди. Барча мусулмонлар илох ўларок факатгина Аллохни кабул килишади. Саид домлага караб, “Буни хам тушундим” дедим. Жим бўлиб колди. Кўзларимга ўйчан-ўйчан тикиларкан, “Шошилманг, хали етарлича тушундингиз, деб ўйламайман”, деди. Эътироз билдирмадим. Факатгина кулимсираб кўйдим. Бирок унинг нигохлардаги жиддият ўзгармади.

– Энди сиздан бир нарсани сўрамокчиман. Аллохдан бошка илох йўк экан, у холда нега Раббимиз бизларни тавхид калимасини билишимиз учун каттик кистовга олмокда, тавхидга чакирмокда?

– Англамадим?

– Мана эшитинг, сизга бир мисол келтираман: Сал аввалрок ўглингиздан бахс этгандик. Сиз бирор марта ўглингизга “Ўглим, сенинг мендан бошка отанг йўк. Сенинг отанг факат менман”, дедингизми?

– Йўк!

– Албатта айтмагансиз. Чунки, бундай дейишингизнинг хеч кандай хожати бўлмаган.

Бир муддат жим колгач, давом этди:

– Яхши, сиз ўглингизнинг ягона отаси бўлганингиз холда бунга эхтиёж туймасдан, башариятнинг ягона Илохи бўлган Аллох Таоло нега бундай сўзни айтишни лозим деб билди? Нима сабаб, кайта-кайта “Сизнинг Мендан ўзга Илохингиз йўк. Сизларнинг ягона Раббингиз факат Менман!” деган хакикатни эслатмокда?

Бу савол каршисида жим бўлиб колдим.

– Хаяжонланманг, масала сиз ўйлаганчалик чигал эмас. Энди тасаввур килинг, ўглингизга: “Ўглим, сенинг мендан бошка отанг йўк” деб качон айтишингиз мумкин? Ёхуд кандай вазиятда бундай таъкидга эхтиёж туясиз?

Жуда кизик савол эди бу!

Мен качон ўглимга ”Сенинг мендан бошка отанг йўк!” дейишим мумкин? Жавоб топишга кийналмадим. Агар баъзи кимсалар ўглимга унинг отаси эканликларини айтиб, ёлгон иддаоларда бўлишса, тухмат килишса, ана ўша пайтда уларнинг сўзларини инкор килиш учун бунга эхтиёж туяман.

– Качонки, ёлгончи кимсалар ўглимга унинг отаси эканликларини иддао килишса, ўшанда, – дедим.

Кулимсиради.

– Жуда оддий! Хусусан, тавхид калимасига чакирилишимизнинг хикмати хам худди шу. Аллохдан бошка илох йўк, аммо, бу дунё хаётида бизга ўзини “илох” дея кўрсатишга

уринадиган, илохлик даъвосини килаётган нарсалар жуда кўп!

Парврдигоримиз эса, бизларнинг “Ла илаха” дейишимизни ва бу сўзнинг очик хакикати ўларок бизларга илохлик иддаосида бўлган бу сингари сохта илохларни инкор килишимизни истамокда.

Хаммасини энди тушуниб етгандим. “Ла илаха” дейиш билан бор бўлган ягона Аллохни эмас, илохлик даъвосида бўлган барча сохта илохларни рад килишимиз керак экан! Энди мен учун англашилмаган ягона нарса, сохта илохларнинг ким ёки нималардан иборатлиги эди!

Расулуллох (с.а.в.) замонларида бутлар бор эди. Инсонлар бутларга сигинишарди. Бирок бундай бутларнинг барчаси тарихда колиб кетганди. Балки, Африкада бутларга сигинадиган баъзи кавмлар бўлиши мумкин. Бирок уларнинг бизга, бизнинг жамиятимизга кандай алокаси бор? Бизнинг ўлкамизда бунака бутлар хам, бутпарастлар хам йўк-ку!

– Биз яшаётган ўлкада уни илох дея сигинишимизни истаган, илохлик иддаосида бўлган сохта илохлар борми?

– Кудратли Тангримизнинг Илохлик хаккини ўзида кўрган хар киши, хар маъмурият, ёхуд хар жамият инсонларга нисбатан илохликни иддао килмокда.

Тўгрисини айтсам, умуман хеч нарса тушунмагандим!

– Англаёлмадим?

– Раббимизнинг барча инсонларга оид Илохлик хаккини тушунган пайтингиз буни хам тушуниб оласиз.

Узок сукут ичра кўзларимга тикилди.

Бу нигохлар нихоятда жиддий ва таъсирчан эди. Гўё менга юкоридан, жуда баландлардан караётгандек туюларди. Нега бундай караётганини англаёлмасдим!..

Ўшандай холатда сўзини давом эттирди:

– Рахмон ва Рахим бўлган Раббимиз, бизларни бу дунёда ўз билганимизча яшашимиз учун яратмаган. Эвазига ё Жаннат, Ё Жаханнам бериладиган имтихон дунёсидир бу! Бу имтихоннинг ўлчовлари, аникроги чегараси эса, баъзи кимсалар ўйлаганидек, ёхуд айтганларидек, муайян вактларда намоз ўкиш ва муайян вактларда рўза тутишдан иборат эмас! Яна хам очикрок ифодалайдиган бўлсак, Аллох таоло, бу инсонларга “Муайян вактларда намоз ўкинг, бундан ташкари вактларда хохлаган ишингизни килаверинг”, дея эркинлик бермаган, инсонларни ўз билганларига ташлаб кўймаган! Чунки, Ислом динига кўра Аллохга куллик, муайян вактларни эмас, бутун бир хаётни камраган, инсон умрини тўлалигича ўз ичига олган кулликдир. Шу боисдан мехрибон Парвардигоримиз биз инсонларга факат намозга, факат рўзага тегишли хукмларни эмас, бутун хаётимизга, турмушимизга оид хукмларни нозил килган. Жумладан Куръони Каримни очиб ўкиган хар инсон, истикомат яъни яшаш тарзи билан боглик бу хукмларни кўради.

Бир лахза тин олгандан сўнг, кўзларимга кизиксиниб караганча сўради:

– Инсонларни йўкдан яратган, хилма-хил неъматлари билан яшатиб кўйган Аллохнинг, инсонлар хаётига доир, уларнинг кандай яшаётганига тегишли хукмлар кўйишга хакки борми-йўкми?

Бу кандай савол бўлди?!

– Албатта бор!

Ана шу бор деганингиз хак, Аллохнинг инсонлар ва жамият устидаги Илохлик хаккидир.

Англаётганимни кўргач, сўзларини давом эттирди:
– Илохлик хаккини тушунганингиздан кейин, иккинчи масалани хам билиб олишингизга тўгри келади. Яратган Раббимиз ана шу Илохлик хаккини хеч бир пайгамбарга, хеч кайси авлиёга, хеч кимга, хеч кайси жамиятга, хеч канака маъмуриятга на-да хеч бир давлатга бермаган! Инсонлар хамда жамиятлар устидаги ана шу Илохлик хакки, факат ва факат Аллохга оид бўлган хакдир!
Жуда аник ва лўнда гапирган Саид домлага караб колдим. Унинг айтганларини гоят яхши англагандим. Инсонлар хамда жамиятлар устидаги Илохлик хакки факатгина Аллохга оид бир хак эди!
– Тушундим, устоз!
– Агар тушунган бўлсангиз, шу саволимга жавоб беринг! Хар кандай бир инсон, хар кандай маъмурият, харкандай давлат, Аллохнинг Илохлик хаккини ўзида кўрса, шундай хак менда хам бор деса, ўзини кимнинг ўрнига кўйган бўлади?
Дархол жавоб бердим:
– Илох ўрнига!
– Тўгри, лекин улар илохми?
– Албатта йўк!
Сўнг сўзлашдан тўхтади ва бошини кимирлатди.
– Инсонларнинг илохиман, дея даъво килаётган сохта илохлар мана шулардир! Аллох таоло хукм кўйган бир масалада у хукмни инкор килиб, ўзи хукм кўйишга уринадиган, Аллох хором деган нарсани халол, халол деганини эса, харом дейдиган хар кандай инсон ёхуд давлат ёки хар кандай жамият билиб-билмай инсонларга илохлик килишга уринган хисобланади! Мусулмоннинг бурчи ва мусулмон бўлишнинг шарти, ўзига илохлик килмокчи бўлган хар кандай кучни “Ла илаха” дея рад килиши, Илох ўларок факат Аллохни кабул килиши, ёлгиз Унга йўналашидир!
Котиб колгандим. Хайратга тушдим ёки бошим шишди, демайман. Чунки, на хайрон колган, на-да карахт бўлгандим.
Балки, айтилганларни гоят яхши тушунгандим, бирок англаганларим муаллак тургандек эди. Фикрларимни бир ерга жамлаёлмаётгандим.
– Бир оз аникрок тушунтирасизми?
– Албатта. Масалан, Раббимизнинг намоз мавзусидаги хукмларидан бири, дунёнинг каерида, кайси бурчагида бўлмайлик, Каъбага йўналмогимиздир. Энди хар кандай бир киши ёхуд хар кандай бир кенгаш, “Бундан кейин намоз ўкиётганда Каъбага эмас, Шветсарияга юзланасиз” деса, шундай бир конун чикарса нима киласиз?
– Нима дейишим маълум-ку, устоз! Уларга, сизни хам, конунларингизни хам...
Кўли билан ишора килганча мени тўхтатди. Ва ўзи давом этди:
– Кискаси бундай хукмни, конунни рад киласиз. Бу мавзуда хукм кўйиш Раббимнинг хаккидир ва энг гўзал хукм килгувчи Унинг Ўзидир, дейсиз. Шундай эмасми?
– Ха, – дедим.
– Мухим бўлган нарса шуки, Аллохнинг ушбу хукмида кўрсатган мусулмонга хос катъиятни, Жаноби Хакнинг колган барча хукмларида хам кўрсатишингиздир! Чунки, Парвардигоримиз бизга факатгина намоз ва рўзани буюрмаган. Хукм ва хикмат сохиби бўлган Раббимиз, тугилганимиздан то ўлгунимизга кадар бутун бир хаётимизни камраб оладиган хукмларни буюргандир. Бу хукмларнинг бир кисми мухим, колганлари ахамиятсиз эмас! Намозга тегишли хукмлар кандай мухим бўлса, уйланишга оид, оила хаётига алокадор, ишимиз, тижоратимиз, жамиятдаги ўзаро муносабатларимизга

тегишли хукмлар хам худди шундай мухимдир! Бу хукмларнинг барчаси, Аллохга куллигимизнинг исботи ўларок яшашимиз, амал килишимиз керак бўлган хукмлардир. Аллохнинг бу мавзудаги хукмларига зид хукмлар кўйиб, инсонларни шу сохта хукмларга итоат килишга чакирадиган хар кандай шахс ёки жамият, инсонларга илохлик даъво килаётган, инсонларни ўзига куллик килишларини талаб килаётган бир тогутдир. Мусулмоннинг бурчи эса, Ўзига илохлик даъвосида бўлган барча тогутларни “Ла илаха” дея инкор килиши ва тогутларга куллик килишдан ўзини асрашидир.
Ха!..
Тогутнинг нима экани энг охирида аник бўлганди. Аллохнинг хукми ўрнига хукм кўядиган, инсонларни ана шу хукмга амал килишга даъват киладиган хар кандай шахс ёки жамият тогут эди. Ва пайгамбарларнинг барчаси инсониятни ана шу тогутга кулликдан куткариш учун юборилганди!
– Зотан пайгамбарлар хам худди шунинг учун юборилмаганмиди?
Кўзларида севинч порлаганча боши билан тасдик ишорасини килди.
Саид домланинг айтганларини ўйлаганим сайин жойимда туролмай колдим. Унинг фикрлари, изохлари гўё хар тарафни ойдинлатиб, нурга тўлдириб юборгандек эди! Хонада мендан бўлак хеч ким йўкдек, ўрнимдан турдим. Деразанинг ёнига борганча ташкарига, олисларга кўз ташладим.
Хамма нарса бошкача, мутлако бошкача кўринарди кўзларимга! Барча нарсанинг юзидан никоби тушган, хакикий башараси намоён бўлганди гўё!..
Аллохнинг хукмларини инкор килиб,
Аллохнинг хукмларини ....
Аллохнинг хукмларини ўтмишга нисбат этиб, бу илохий хукмларга “эскилик саркити” деган тамгани уриб, инсонларни ўз хукмларига бош эгишга даъват килган юзлаб сохта илохларни, юзларча тогутларни кўрардим атрофда!..
“Вой, беномуслар, вой подалар!” деган бир хакорат юксалди ичимдан. Инсонларни канчалик алдаётган, канчалар йўлдан оздираётганди улар!..
Шунингдек, мени хам, менингдек маданиятли ишбилармонни хам алдаёлганди улар! Бўгзимгача, нак бўгзимгача бир ширк боткогига ботганлигимни хис килдим ана шу лахзада! Илгари хечам кўрмаганим, авваллари асло фарклаёлмаганим бир ифлослик эди бу!
Нима киламан, энди нима килмогим керак, дея ўйламадим. Чунки, билардим, жуда яхши билардим нима килишим, нима дейишим кераклигини!
Ла илаха!..
Аллохдан бошка илох йўкдир!.. Аллох хакки йўк!
Ла илаха!..
Инсониятга илохлик даъвосида бўлган барча сохта илохларни инкор киламан!
Ла илаха иллаллох!
Инсонларга илохлик даъвосидаги барча илохларни рад киламан. Чунки, Аллохдан бошка илох йўкдир! Факат ягона Аллох бордир!
Ла илаха иллаллох! Ла илаха иллаллох!..
Энг гўзал хакикатни энг гўзал шаклда ифода этган бу сўзни гўё эндигина ўрганган, бу сўзнинг хикмат тўла сиррига гўё янгидан вокиф бўлгандим!
Накадар гўзал ва накадар мухташам бир сўз эди бу!
Бу сўзни хар айтганимда, ташкарида кўрганим сохта илохларнинг, ташкаридаги тогутларнинг ифлослигидан узоклашганимни, пок, топ-тоза бир шахсиятга томон

юксалганимни хис килардим!
Алхамдулиллах!..
Миннатдорчилик тўла кўзларимла Саид домлага карадим. Индамасдан ўтирарди.. Гўё хеч нарса билмагандек, хеч бир иш килмагандек!..
Аслида эса, шохлари ўсиб, хар тарафга тарвакайлаб кетган улкан бир дарахтни беш-ўн дакикалик сухбат ёрдамида бутаб кўйиган ва ўртада текис ва чиройли бир шакл хосил килган эди!
Очик-равшан бир хакикат намоён бўлган эди!
“Аллохдан бошка илох йўк . Факат АЛЛОХ бордир”.

Саид хўжа тушликка пиширилган овкатдан бир-икки лукма егач, кетишга изн сўради. Уни машинамда олиб бориб кўйишимни айтсам, рози бўлмади. Мен хам ортикча кистамадим. Домла кетгач, пешин намозини ўкиш учун масжидга тушдим ва намоздан сўнг хонамга кириб, магнит тасмасидаги ёзувларни такрор-такрор эшита бошладим.
Аср намозидан кейин яна сухбат тингладим.
Шом кирганди.
Уларни неча бор тинглаганимни билмайман, факат хар эшитганимда янада яхширок тушунар, тафаккур уфким тобора кенгаяётгандек туюларди...
Тасмадаги сўзлар бор-йўги уч калима ёхуд, учта тушунчани ифодалар эди:
Дин, Илох, тогут...
Факат шу учта сўз, факатгина шу уч тушунча, барча инсонлар, айникса ва энг аввал барча мусулмонлар билиши лозим бўлган тушунчалар эди! Чунки буни билмай туриб, уларнинг кандай маъно англатишини тушунмай туриб, факат ва факат ягона Аллохга куллик килишимиз, кила олишимиз мумкин эмасди!
Бир пайтлар ўкиганим икки мисра хаёлимга келди:

Ўттиз уч йил соатим ишлабди, мен турибман,
Кўк юзидан бехабар мен учирма учирибман!..

Адашмасам, бу шеър рахматли Нажиб Фозил каламига мансуб эди. Ушбу мисраларни илк бора ўкиганимда, масалани Нажиб Фозилнинг шахсига тегишли деб бахолаган, факат унинг гафлати хакида сўз кетмокда дея изохлагандим. Холбуки, бахс мавзуси бўлган гафлат, менинг гафлатим, тилга олинган гафлат улкан бир жамиятнинг гафлати экан!.. Аллохга имон келтирган, Унга куллик килишни истаган канча-канча инсонлар афсуски, бу хакикатдан бехабар эди. Белини тўгрилашдан ожиз бўлган бу инсонлар, хам Аллохнинг, хам тогутнинг каршисида эгилишарди. Холбуки, мусулмон дегани факат Аллохнинг хузурида эгиладиган инсон дегани. Чунки, Аллохнинг даргохида кабул килинадиган куллик, ёлгиз Унга килинган кулликдир!
Бирок билишмасди, англашмасди инсонлар бунинг мохиятини!

Эртаси кун фабрикага келгач, барча ишчиларни овкатланиш хонасига тўплаб, барчасидан бирма-бир ”Дин нима, Илох нима, тогут нима?” дея сўрагим келди. Барчасига бу хакикатларни билдириб, хаммасини намоз ўкишга чакиришни истадим.
Сўнгра бу фикримдан кайтдим. Бу сухбатни Саид домланинг ўтказгани маъкул эди. Истагимни унга етказишим лозим эди. Негаки, кўл остимда ишлаётган инсонларга нисбатан масъул эдим. Уларнинг олдида бажаришим шарт бўлган бурчим, мухим

вазифам эди бу!
Мен шундай бўлса хам, пешин ва аср намозларини фабриканинг масжидида ўкиган ишчиларни ёнимга чакириб, улар билан сухбатлашгим келди. Аввал уларга саволлар бердим. Барчаси бир-бирининг юзига термулганча, саволимга жавобни ёнидагининг афтидан топишни истаётгандек, жим туришарди. Тогут хакида сўраганимда эса, мутлако хайратга тушишди. Ёши кексароги эса, “Таксир, у тогут эмас, тобут”, дея менинг хатоимни тузатишга харакат килди.
Тогутнинг нима эканини билмасдан, тобут томон одимлаётган бу кишига ачиниб карадим... Узок йиллардан буён беш вакт намоз ўкиётган, неча минг марталаб масжидга борган бу кишининг, тогутни рад килиши бир тараф, унинг не эканини билмаслиги бир тараф эди...
Бир канча масжид хамда баъзи масжид имомлари хакидаги гаплар тўгри эди. Аллох рози бўладиган динни ўрганиш максадида масжидга борган кўплаб инсонлар, дарахт экишнинг фазилатини ўрганишарди, бирок Исломнинг фазилатини ўрганишолмасди. Исломга киришнинг энг мухим шарти бўлган калимаи тавхиднинг маъноси нима эканини, “Ла илаха” деганларида нимани инкор килишганини билишмасди!
Кизик, инсонларга бу хакикатларни ўргатмаган диндорлар бу холни кандай бахолашаркан?! Ёки ўзлари хам билишмасмикан? Йўкса, била туриб жим караб туришганмикан?
Мен учун мухим бўлган бу саволнинг жавобини ўрганишни, хозирок билишни истардим!.. Энг яхшиси, уларнинг ўзидан сўраш ва жавобни уларнинг огизларидан эшитиш эди. Шунда аклимга магнит тасмалар келди. Уларни чакириб, тасмадаги ёзувларни бирга эшитишимиз мумкин эди. Зотан, тасмаларни худди шу ниятда тўлдирган эдим.
Дархол иккита имом домлага сим кокиб, уларни тушликка таклиф килдим. Таклифимни кабул килишди ва пешин намозидан кейин келишларини билдиришди.
Масжидда пешин намозини ўкиб, юкорига чикканимда мехмонларим хам етиб келишди. Иккаласи хам кўп йилдан бери ваъз ўкирди. Иккиси хам хурматга, обрў-эътиборга эга воъизлар эди.
Аввал тушлик килиб олдик. Мендан хаста “ўртогим”нинг ахволини сўрашди. Хозирча хеч кандай ўзгариш йўклигини айтдим. Улар шу масалада чакирган, дея ўйлаётганлари билиниб турарди.
Уларга Саид домланинг исмини айтмасдан, масалани кискача тушунтирдим. Сўнгра, менинг бу мавзуда етарли билимим йўклигини, шу сабаб магнит тасмаларни тинглаганларидан кейин фикр билдиришларини айтдим.
Улардан бири менга шубха билан каради. Соколи бори эса: “Жуда соз, Салжукбей, эшитамиз!” деди.
Кахва буюрганча, биринчи тасмани магнитофонга кўйдим. Тинглай бошладик. Овоз гоят тиник ёзилганидан, жуда аник эшитиларди. Улар мендан Исмоилнинг кимлигини сўрашди. “Эски танишим”, дедим.
Эшитишда давом этишди.
Саид домланинг бир канча масжидлар хамда маърузачилар хакидаги гапларини такрор эшитмокчи эканликларини билдиришди. Оркага кайтарганча, истакларини бажардим. Соколсизи ёнидагисига караганча, бошини икки тарафга чайкади. Бу харакатининг маъносини тушунолмадим.
Саид домланинг тогут хакидаги сўзларини хам эшитганларидан кейин иккинчи кассетани кўйдим. Безовта бўлаётганга ўхшашди. Соатларига караганча, вактлари йўклигини, кеч

колишаётганларини айтишди. Бу кассетанинг киска эканини билдириб, тинглашларини сўрадим.
Истамайгина рози бўлишди!..
Хеч нарса демасдан иккинчисини хам эшитишди. Юзларидаги ифодадан, тасмадаги гапларни хеч хам хушламаганликлари кўриниб турарди! Магнитофонни ўчирганча, соколи йўгига юзланиб сўрадим:
– Хўш таксир, кандай фикрдасиз?

Бирдан жавоб бермади. Бир оз жим тургач, ўйга толди. Сўнгра бошини кимирлатганча, сўз бошлади:
– Мухтарам Салжукбей! Ўзини домла деб атайдиган бунаканги кишиларнинг гапларига эътибор берманг. Булар каерда яшаётганини билмайдиган, ўтмишдан сабок олмаган кимсалардир. Туркияда шунча динсиз бор экан, шу динсизларни кўйиб, диндорлар билан тортишадиган бундай кимсаларни нима деб аташга хам хайронман! Мен булар хакида бахслашишни истамайман. Энг яхшиси, уларни Аллохга хавола килишдир!
Мен яна гапиради деган фикрда кутдим. Аммо, бошка бир огиз хам сўзламасдан жим бўлди. Хайратим ошди!.. Саид домлани Аллохга хавола килиш билан ишни битирганди!
– Бир дакика шошманг! Мени кизиктираётган нарса, бу одамларнинг кимлиги эмас, уларнинг сўзлари. Айтганлари тўгрими ёки хатоми?
– Кайси гапи?
– Тогут хакида, дин ва илох хакидаги гаплари.
Жим бўлиб колишди.
Аввал бир-бирларининг юзларига, сўнгра менинг юзимга термулишди. Мен эса жавоб кутаётган эдим. Сокол кўйгани масалага ойдинлик киритишни истади:
– Эшитинг, унинг айтганлари тўгри бўлгани билан, хамма тўгри гапни дуч келган жойда гапиравериш тўгри эмас. Бундан ташкари, бизлар хозирча давлат ишида масъул лавозимда бўлсак!
– Давлат ишида ишлаётганингизнинг бунга нима дахли бор?
Жахолатимни кўриб, кулишди. Соколи бўлгани айни табассум билан жавоб берди:
– Салжукбей! Бу ўлкада конунлар бор. Куръони Каримда келган хамма хакикатни хар ерда гапиролмайсиз!
– Хаттоки масжидларда хамми?
– Албатта масжидларда хам!.. Чунки, масжидларда иш юритадиган биродарларимиз хам давлат маоши хисобига ишлайдиган хукумат хизматчиси. Хамма бошликлар сингари улар хам конунларни эътиборга олишга мажбур! Агар шундай килишмаса, хам ишдан айриладилар, хам устларидан жиноий иш очилади.
– Тушунмадим?
– Нимасини тушунмайсиз? Масалан, масжидларда иш олиб борадиган хар бир биродарларимиз, Аллохнинг хукми билан хукм килмаганларнинг кофир эканлигини жуда яхши билади. Билади-ю, бирок буни масжидларда айтолмайди. Чунки, Куръони Каримда келгани билан, давлатни танкид килган давлат ишига тегишли ояти карималарни кун тартибига киритиш маън килинади. Бу коидага амал килмаган бир канча диндорлар, халкни давлатга карши гиж-гижлашда айбланиб, камокка олинган.
– Камокка олинган ўша инсонларнинг гаплари тўгримиди?
– Албатта тўгри! Хаммаси Куръоний хакикатлар, барча айтганлари рост.
Гапини давом эттирмокчи эди, бирок. Ёнидаги туртиб кўйгандан сўнг тўхтаб колди.

“Нима дейсан?” дегандек унга каради. Иккинчиси столга караганча, магнитофонга ишора килди!
Котиб колди! Магнитофонга тикилган кўзлари кўркувдан йириклашди. Нигохларини аввал менга, сўнгра магнитофонга тикиб, пичирлаган овозда: ”Магнитофон кўшилганми?” деди.
Уни тинчлантиргим келмади.
“Хамма гапингни эшитдим, ким эканингни биламан”, дегандек бошимни кимирлатганча унга карадим. Оёкка туриб, магнитофонга карамокчи бўлди. Магнитофонни стол устидан олиб, тортмага солиб кўйдим.
Бир муддат оёкда турганча колди! Сўнг жойига ўтирди. Кўрккани, вахимага тушгани билиниб турарди. Мен эса киёфамни ўзгартирмасдан унга караб турарканман, энди нима килишини, нима дейишини кутиб турардим.
– Салжукбей!.. Сиздан ўтиниб сўрайман, бу гаплар орамизда колсин. Уч ярим йилдан кейин нафакага чикаман. Илтимос!..
“Бу гаплар орамизда колмайди”, дедим. Кўзлари катталашди. Нима килишини билолмай, аввал соколини тутамлаб турди, сўнгра иягини каший бошлади. Сўзимни давом эттирдим:
– Мана шу сухбатимиз, огзимиздан чиккан хар бир сўз Махшарда, Хузури Илохийда юзага чикади!..
Иккаласи хам баравар чукур “Уххх...” деб юборди! Юзларидаги кўркув ва хавотир секин-аста йўкола бошлади. Енгил тортишгани кўриниб турарди!.. Уларга карадим. Аллохнинг динини ўрганиш учун масжидларни тўлдирган шунча инсон Исломни мана шулардан, шуларга ўхшаш диндорлардан ўрганишадими?! Хатто тўрт девор орасида хакни, хакикатни гапиришдан кўркадиган бу инсонлар, жамоатга очик майдонда кандай килиб хакдан гапирсин?!.
Олдинига уларга ачиндим!.. Магнит ёзувлар кўркувидан каршимда калтираб, букилиб ўтирган бу одамларга аввал тўгриси ачиниб кетдим. Сўнгра кўз олдимга масжидларни тўлдирган милёнларча чорасиз инсонлар келди! Ачинишим керак бўлганлар, хеч шубхасизки, хак талабида масжидларни тўлдириб, Исломни ўрганишга интилган инсонлар эди!
Ислом динига толиб бўлишларига карамай, хакикий Исломдан бехабар бўлган бечора инсонларга ачинишимиз, уларга мархамат килишимиз керак эди! Уларни шу ахволга солганлар эса, манавилар, шуларга ўхшаган диндорлар эди!
Тўрт-беш сўм маош илинжида хакикатни бекитган, нафака хаккига кўз тикаман деб, Илохий хакдан кўз юмган бу бечора инсонлардан жиркана бошладим. Бир лахза нима килишимни, уларга кандай муносиб сўз айтишимни билмай ўйланиб туриб колдим. Уларга факат “Йўколинг!” дейишим мумкин эди. Оёкка турганча “Йўколинг!” дея хайкиргим келди!
Факат бунинг иложи йўк эди. Негаки, улар мехмоним хисобланишарди. Бу сўз уларга жуда муносиб эди, бирок менинг огзимга ярашмасди. Бир амаллаб ўзимни кўлга олишга, жахлимни забт килишга уринарканман, уларга эшикни кўрсатдим:
– Мархамат кетинг, энди кетинг!..

Бугун якшанба.
Аёлим билан бу тун узок сухбатлашдим. Болаларни соат ўнда ухлатганимиздан кейин залда ёлгиз колгандик. Менинг бошим озгина огриётганди. Чой билан бирга иккита огрик колдирувчи дори ичдим. Хотиним Ширин бу огрикнинг сабаби кўп ишлаганимдан деб

ўйларди, ўзим унга шундай дегандим. Шунинг учун сал камрок ишлашимни уктирди. Ширин жуда яхши аёл эди. Унга мехр ва мухаббат билан караганча сўзлай бошладим. Энг аввал унга имон келтирганимиз Зот Аллох хакида гапирдим. Аллохга бўлган ишончимизнинг хар кандай шубхадан йирок эканини яна бир бор такрорладим. У хам менинг сўзларимни самимий тарзда тасдиклади. Сўнгра пайгамбарлар хакида гапирдим. Пайгамбарлар инсонларни факат Аллохга куллик килишга даъват килишганини ва инсониятга энг тўгри хак динни келтиришганини тушунтирдим. Дин хакида таъриф бериб, хак хамда ботил динлар хакида кискагина маълумот бердим.Агар инсоният биринчи бўлиб келган пайгамбар хамда у олиб келган хак динни бузишмаганларида, Аллохнинг хак динига ўзгартириш киритмаганларида, ана шу битта пайгамбар хамда бир дин уларга етарли бўлишини билдирдим. Бирок, инсонлар хар келган янги динни бузишганини, шу сабаб Аллох таоло хар бир ўзгаришдан кейин бошка бир пайгамбар воситасида яна янги дин нозил килганини тушунтирдим. Мана шу ергача айтган сўзларимни жуда яхши тушунди.

Кейин эса, барча пайгамбарларнинг юборилиш гояси бўлган, инсониятни тогутга кулликдан кайтариб, Факат Аллохга куллик килишга даъват масаласини тушунтира бошладим.

Тогутнинг нима эканини Ширин хам яхши англаёлмади.

Тогутни кийинчиликсиз тушуниши учун, Илох калимасининг маъносини хамда тавхиднинг нима эканини англатдим.

Хакикий Илох билан, инсонларга илохлик даъвосида бўлган сохта илохларнинг, тавхид калимаси билан кандай килиб бир-биридан айрилганини, сохта илохларнинг инкор килиниб, ягона Илох ўларок Аллохнинг тасдик этилиши кераклигини тушунтирдим.

У барча айтганларимни диккат билан тингларкан, маъносини англашга харакат киларди. Сўнг кўзларимга тикилганча:”Сал аввалрок тогут деганингиз, инсонларга илохлик даъво килган сохта илохлармасми?” дея сўради. Аллохга хамд айтиб:”Ха худди шундай!” дедим. Кейин, тогутга мисоллар келтириб, тавхид калимасини шу идрок билан айтиши лозимлигини уктирдим.

“Ла илаха иллаллох” деди. Сўнг бир нафас тўхтади-да, ўйлай бошлади. Бошини охиста кимирлатганча, яна “Ла илаха иллаллох” деди.

Бир муддат жим колдик. Кейин мендан:”Жуда соз, Салжукбей! Энди нима килишимиз керак?” дея сўради. Хотинимнинг бундай самимий гапириши менга жуда ёккан, хам мени тўлкинлантириб юборганди. Унга аник бир жавоб бердим:

– Аллохнинг динини, калламизга келганига кўра эмас, анъана ва урф-одатларимизга кўра яшашдан воз кечиб, Аллохнинг хукмларига, буюрганларига кўра яшаймиз! Чунки, ёлгиз Аллохгагина куллик килишнинг бундан бошка йўли йўк!..

У нихоятда аклли инсон эди. Бу гапларимнинг кандай маъно касб этишини биларди. Кулимсираганча,”Яъни, шариатчи бўламизми?” деди.

Мен хам жилмайдим:

– “Чи-чи” деган кўшимчаларни ташла!.. Зотан, “Ла илаха иллаллох” дерканмиз, ягона Илох ва хукм кўювчи Зот факат Аллох деб кабул киламиз.Аллохнинг хукмларини, яъни Унинг шариатини инкор килиб, бошка хукмларга, бошка шариатларга йўналишимиз албатта мумкин эмас!

Бошини кимирлатганча “Албатта!” деди. Сўнгра жим бўлганча ўйлай бошлади. Нимани ўйлаётганини хис килаётгандек эдим. Янглишмагандим!

– Салжукбей, ўранаманми?

– Ўранишни хохламайсанми?
Яна жим бўлиб колди. Карахт ахволда колгандек эди!..
– Билмадим!.. Жуда галати эмасми? Ўранишни ўйлаганимда хаёлимга Аллох эмас, атрофимиздаги инсонлар, атрофимдаги аёллар келяпти. Улар нима деб ўйлашади, менга кандай карашларини ўйлаяпман...
Хеч нарса демасдан унга карадим. Гапирган сўзларидан кандай хулосага келиши мени кизиктирарди. У бир муддат ўйланиб турди-да: “Бехуда, Худо хакки бари бекор!” дея ўрнидан даст турди. Шахд билан ётокхонага кириб кетди.
Мен эса, жимгина кутардим. Кутаётган нарсам, мужда билан якунланди! Чунки, бир неча дакикадан кейин ётокхонадан чикиб келган Ширин ўранган эди!
Мавлидларда бошига ўрайдиган оппок рўмолини ўраб олганча: “Худо хохласа, бундан кейин факат шундай!” дея ёнимга ўтирди.
Унга карадим!.. Кўзларимни узолмай колдим ундан!.. Каршимда хакикатдан ширин, шип-ширин бир аёл турарди!.. Рўмолга бурканган юзи гоятда нурли кўринарди. Тўлкинланиб кетдим!.. Кўзларимни кайнок бир нарса тўлдирганини хис килдим. Ўрнимдан турганча, унинг ёнига ўтирдим. Ўнг кўлини кўлларим орасига олдим. “Сендан Аллох рози бўлсин!” дея кўлини лабларимга босдим... Кайта-кайта ўпдим.
Хуркибгина, уялибгина ўзини тортди. Кўлини кўлларимдан бўшатиб оларкан, менинг кўлларимни тутганча:”Сиздан хам Аллох рози бўлсин!” деди.
Бир муддат шундай ўтирдик. Бундай аёлнинг, бундай умр йўлдошининг инсон учун накадар гўзал, накадар бебахо бир неъмат эканини янада яхширок англадим!..
Бундай жуфти халолнинг киммати бойликдан хам, мол-дунёдан хам, давлатдан хам юксакрок эди бир инсон учун!.. Менга ана шундай бебахо хаёт йўлдошини насиб килгани учун Аллохга шукроналар айтдим!..
“Мен хуфтонни ўкиганим йўк”, дедим. Кулимсираганча “Мен хам хали ўкимадим”, деди. Намозни бирга адо килдик. Аёлим бахтли, жуда бахтиёр кўринарди. Бу тундаги сухбатимиз туфайли у янги, яп-янги бир дунёга кириб колгандек хис киларди ўзини!..

Душанба куни бирга майда-чуйда харид килишга чикдик. Бир нечта дўкондан баъзи нарсаларни олганимиздан кейин, Исмоилнинг дўконига бордик. Унинг дўконида аёлларнинг либослари жуда кўп ва хилма-хил эди.
Аёлим сотувчи кизнинг ёрдамида хижоблар хамда кўйлакларни кўздан кечираркан, биз Исмоил билан бирга ўтирдик. Мендан Саид домла билан килган сухбатимиз хакида сўради. Кискагина айтиб бердим. Мен учун гоят фойдали бўлганини билдирдим. Саид домланинг сухбатларидан нафакат менинг, балки жуда кўп мусулмонларнинг хам фойда кўрганлигини айтди.
Мен у киши билан яна кандай учрашишим мумкинлигини сўрадим. “Билмадим, ўзи билан олдин гаплашишим керак”, деди.
Ширинга карадим. Баъзи либосларни танлашда кийналаётгандек кўринди. Унинг ёнига бориб, ёктирган хамма кийимларини сотиб олишини айтдим. Жилмайганча: ”Унчалик кўп кийимнинг кераги йўк”, деди. “Мен шуни хохлаяпман, йўк дема!” дея каттик туриб олдим. Хакикатдан хам шуни истардим.
Индамади. Сотувчи кизга кайрилиб: “Осмон хоним! Ёктирган кийимларининг хаммасини ўраб беринг!..” дедим.
Исмоил телефонда гаплашаётганди. Бир пайт менга караб: “Эртага фабрикадамисан?” дея сўради. Эртага нима килишимни, каерга боришимни ўзим хам билмасдим. Шундай

бўлса-да, ўйлаб ўтирмасдан ”Ха”, дедим. Кейин ўтирдик. Исмоил менга хозир Саид домла билан гаплашганини, аник эмас-у, эртага пешиндан кейин фабрикага бориши мумкинлигини айтди. Мабодо бирор ўзгариш бўлса, Саид домла ўзи менга сим кокармиш. Исмоилга миннатдорчилик билдирдим, унинг хабаридан жуда севингандим!.. Харидни шу кўтаринкилик билан тугатдим. Пешин намозини Исмолнинг дўконида ўкидик. Ширин янги хижобини кийиб, бошига унинг ранггига уйгун рўмол ўраб олганди. Исмоил билан хайрлашиб, аёлим билан бирга дўкондан чикдик.
Ширинга ажойиб бир тушлик олиб бериш ниятида эдим. Камаралти масжидининг рўпарасида кўмир чўгида жуда мазали дўнар кабоб пиширишарди. Ўша ерга караб юра бошладим. Хотиним билан кетарканмиз, дўконларнинг ойналарига карардим – иккимиз хам бутунлай ўзгаргандик!..
Менда уч-тўрт кунлик сокол бор эди.
Хотиним Ширин эса, бутунлай бошка бир хоним, тамоман ўзга бир хонимафанди бўлиб колганди!.. Нима бўлганда хам, ушбу янгиликдан бегонасирамаганга ўхшарди! Эгнидаги янги либослари ичида эски, хар доимги бир рохат билан юраётгани билиниб турарди. Гўё, шу либослар билан тугилган, шу кийимларда улгайгандек рохатланиб ўтирарди. Овкатланаётиб, янги холатимиздан, янги дунёмиздан сухбатлашдик.
Гарчи, яна аввалгидек еб-ичаётган, сайр килаётган, яна дунё неъматларидан фойдаланаётган бўлсак-да, олдин барча харакатларимизни аклсиз, фикрсиз бир шахс ўларок амалга оширган бўлсак, энди Аллохга тобе бир кул ўларок бажарардик. Энг мухим ўзгариш бизларда содир бўлган ўзгариш эди.
Биз ўзгарган, биз билан хамма нарса ўзгарганди, гўё!
Сухбатимиз сўнггида бу дунё хаётининг абадий эмаслигидан, ва эртами-кечми ўлишимиз аниклигидан гаплашдик. Бир мусулмон ўларок, ўлимга хар лахза тайёр туришимиз кераклигини таъкидладик. Рафикам мени тинглаш билан бирга, сўзларимни аник ва сермаъно фикрлари билан тўлдирарди. Унинг бу холати хамда ўлим хакидаги гоят теран сўзлари каршисида лол колдим. Унга хасталигим хакида билдириш мавриди етганмикин, деган ўйга толдим... Бу саволимнинг жавобини унинг сокин ва нурли чехрасидан, хакикатга тик караёлган кўзларидан излардим.
У бенихоят бахтиёр эди. Шу боис фикримдан воз кечдим. Унинг янги дунёсидаги яп-янги бахтиёрлигига соя солгим келмади. Хасталигим хакида унга кейинрок, фурсати билан айтишга карор килдим.
Пешингача умуман телефон овозини эшитишни истамадим. Хар кўнгирок овози келганда ажабо, Саид домла келолмаслигини билдириб кўнгирок килаётганмикин, деган хавотирда ўтирдим. Лекин, соат ўн бир ярим бўлганда у кириб келди. Уни яна эшик тагида кутиб олдим. Юкорига чикишда кийналмаслиги учун, пастдаги катта хонага таклиф килдим.
Кискагина хол-ахвол сўрашганимиздан сўнг, ўтган галги сухбат учун миннатдорчилик билдирдим. Ва бу сухбатимиз мен учун гоятда фойдали бўлганини билдирдим. Бундан ташкари, унинг сухбатини рухсат сўрамасдан магнит тасмасига ёзиб олганим учун кечирим сўрадим. Хеч кандай эътироз билдирмасдан, “Зотан, барча сўзларимиз кайд килиниб боришлигини, елкамиздаги фаришталар оркали амал дафтаримизга ёзиб кўйилаётганини хис килган холда, эътиборга олган холда гапирамиз”, деди.
Бу сўзлари менга ёкди.
Кассетани эшиттирганим бошка домлалар хаёлимга келди. Саид домла билан улар орасида канчалар катта фарк бор эди!.. Саид домлага улар хакида ва уларнинг сўзлари

хакида айтиб бердим.
Бирок, уларни камситадиган, хакоратлайдиган бирор сўз демади. Факатгина, барча имом-домлалар бундай эмаслигини, уларнинг ичида хакни гапиришдан кайтмайдиган мард инсонлар хам борлигини билдирди.
Гоятда босик киши эди у! Унинг сўзлари нихоятда теран ва пурмаъно эди. Илгари хар кандай киши билан сухбатлашарканман, у билан нима хакида канча гаплашишимни ўйлар, ўзимга маълум бир чегара кўярдим. Саид домла билан сухбатлашарканман, бундай чегарага асло хожат туймасдим. Гўё хар кандай масалада, хамма муаммони бемалол гаплаша олиш мумкин бўлган бир инсон эди у!..

Ва бирдан хасталигим эсимга тушди!.. Хеч кимга айтолмаган дардим, хасталигимни айтишим мумкин бўлган бирдан-бир инсон, шу домла эди. Узок ўйлаб ўтирмасдан, “портладим”:
– Устоз, миясида шиши бор бўлган ўша “огайним” ўзимман!.. Шуни айтганимдан кейин анча енгил тортганимни хис килдим. Домланинг юзларида на бир хайрат, на бир хаяжон излари кўринмади. Бир лахза, “Ажабо, ёки аввалдан билганмикин?” деган фикр ўтди хаёлимдан.
– Хайрлиси бўлсин!..
Жавоб бермадим. Ичимда секингина “Омин!” дерканман, бу хасталикда кандай хам хайр бўлиши мумкинлигини ўйладим.
– Качон билдингиз?
– Бир ярим ойга якинлашди.
Жим бўлганча ниманидир ўйлай бошлади. Юзи хамда нигохлари шу тушунча билан ювинаётганга, шу тушунча таъсирида титраётганга ўхшарди. Тўлкинлангани билиниб турарди. Ич-ичидан келаётган хазин бир овозда гапира бошлади:
– Пайгамбаримиз (с.а.в.) ўлим хакикатига ишора килиб: “Насихат ўларок ўлим етарлидир”, дея мархамат килганлар. Ўлимни билиш, ўлмасдан аввал ўлим хакикатини таниш хакикатдан хам буюк бир насихатдир. Инсонларга бу насихатни баъзан бир мусулмон, баъзида бир пайгамбар беради.
Бир муддат тин олгач, давом этди:
– Сизга эса, бу насихатни Аллох таолонинг Ўзи берибди. Сизга ўлмасингиздан олдин ўлажагингизни билдириб, шу хакикат сабаб уйгонишингизни, ўзингизга келишингизни истабди.
Титраганимни хис килдим!..
Хозиргача бу хасталигимнинг Аллохдан эканини билардим, аммо уни Аллохнинг бир насихати деб эмас, бир мусибати ўларок кабул килгандим!.. Холбуки, ахвол мен ўйлагандек эмасди!.. Саид домла жуда тўгри айтганди, мени эски истикоматим ичида хар лахза ўлдириши мумкин бўлган Раббим менга рахматини неъмат килган, ўлмасимдан олдин ўлажагимни билдириб, олти ойдан иборат узок бир мухлат берган эди!.. Шу ўйлар билан севинганимни ва менга мархамат кўрсатган мехрибон, энг рахмдил бўлган Раббимни янада кўпрок яхши кўришимни хис килдим.
Саид домлага охиста бошимни кимирлатиб, “Гапларингиз гоятда тўгри!” дедим ва кўшимча килдим:
– Шу хасталик сабабли ўзимни бир фоний эканимни нихоятда яхши англаб етдим.
– Олдин-чи?
– Илгари ўлимнинг не эканини билардим, бирок ўзим билан ўлим ўртасида жиддий бир

муносабат бор деб ўйламасдим. Тўгрироги ўлимни, ўлишимни хис килмасдим. Ўлимни хис килмай туриб, албатта ўлим хакикатини англаш мумкин эмас. Билмадим, гўё дунёда абадий яшайдигандек туйгу бор эди ичимда.
– Бу туйгуни хеч ўйлаб кўрдингизми?
– Кайси туйгуни?
– Абадийлик туйгусини.
– Хархолда ботил ва ахмокона туйгу бўлиши керак!..
– Мен бундай фикрда эмасман.
– Нега?
– Менимча, бу ботил туйгу эмас. Фитратимизда бўлган хакикий туйгу бу!..
– Тушунолмадим?
– Тингланг, Салжукбей! Инсонларнинг дунё хаётини абадий деб билиши, албатта шайтоний васвасадир. Мен айтмокчи бўлаётган нарса, шу васвасага мойил бўлган фитратимизда, шундай бир туйгунинг хакикатдан бор ёки йўклиги!..
– Борми?
– Албатта бор! Агар Раббимиз бизларни абадийлик билан таништирмаганида эди, биз абадийликнинг кандай маънога эга эканини билмасайдик, шайтони лаъин, дунё хаётини инсонларга абадий ўларок кўрсата олмасди!..
Яна бошим шишиб кетганга ўхшади.
– Аникрок тушунтиринг,– дедим.
– Масалан, шайтони лаъин инсонларга турли васвасалар бериб, уларни очлик ва кашшоклик билан кўркитади, тўгрими?
– Тўгри.
– Агар Тангри таоло бандаларига кўркув сифатини бермаганида, инсонларнинг фитратида бу хакикат бўлмасайди, улар кўркувнинг нима эканини билишмасайди, шайтони лаъин одамларни кўркита олармиди?
– Кўркитолмасди!
– Абадийлик туйгусини хам худди шундай тушунмогимиз керак.
– Аллох таоло абадий хаёт хакида бизга хабар бериб, бизни шу туйгу билан таништирмаганида, шайтони лаъин кандай килиб, бизга дунё хаётини абадий килиб кўрсата оларди?
– Кўрсатолмасди!
Берган жавобимдан ўзим хам хаяжонланган, берган жавобимнинг кандай маъно касб этишини ўйлай бошлагандим. Хакикатдан хам кўрсата олмасди! Бу тўгри жавоб эди. Кўркув не эканини билмайдиган бир жонзотни кўркитиш мумкин бўлмаганидек, абадийлик нима эканидан бехабар жонзотни хам абадийлик хабаридан вокиф килиш, унга бегона бўлган бу туйгуни сингдириш имконсиз эди.
Кўркув васфи фитратимиздан кандай жой олган бўлса, бу туйгу хам худди шундай эди. Албатта! Инсонлар билан абадийлик хакида бахслашилганда, хеч биттаси: “Абадийлик нима ўзи, у кандай туйгу?” дейишмасди! Гўё барча биладиган, хаммага таниш бир тушунча, хар ким хис кила оладиган хакикат эди у!
Бирок, булардан кандай маъно, хулоса чикариш мумкин? Йўкса, инсон абадий борлик деганими бу?..
– Устоз, буларнинг барчасидан кандай хулоса чикарасиз?
– Аллох таоло бизларни абадийлик билан таништирган! Аллох хакикати фитратимизда кандай бор бўлса, абадийлик хакикати хам фитратимизда худди шундай бордир. Биз

фитратан биладиган, бизга асло бегона бўлмаган хакикатдир бу!..
Бир лахза тин олди. Сўнг давом этди:
– Ва шайтон аталган лаънати борлик, инсонларни уларнинг фитратларида бор бўлган мана шу хакикат билан алдаб кўяди!.. Шайтоннинг хийласига алданган инсонга дунё хаётини абадий килиб кўрсатади ва уни ишонтиришга уринади!
– Шайтон инсонларни шу билан алдаса, Аллох таоло инсоннинг фитратига нега абадийлик туйгусини жо килди?!.
– Албатта, бу шайтоний васвасага алданиб, дунё хаётини абадий деб билишлари учун эмас! Кўркув сифатини кандайки, факатгина Унинг Ўзидан кўркишимиз учун берган бўлса, бу хакикатни хам абадий бўлган охират хаётини янада яхширок англашимиз, хис кила олишимиз учун берган! Абадий Жаннатнинг хамда абадий Жаханнамнинг нима эканини идрок килишлари учун!..
Ха... Ана энди хамма нарса равшан бўлганди.
Демак, коинотни чексиз, дунё хаётини абадий деб ўйлаган инсонлар, фитратларида бор бўлган абадийлик ва чексизлик тушунчасини, хакикатини нотўгри изохлаган, тўгрироги, бу сифатларни янглиш нарсаларга нисбат килган инсонлар эди!.. Абадийлик деб аталадиган бир хакикат бор эди, бирок бу хакикат бу дунёга эмас, охиратга нисбат эди, охират хаёти абадий эди! Фитратларимиздаги бу абадийлик туйгуси абадий хаётнинг борлигига очик далил эди!
Азалий бўлмаган ва азалийлик туйгусига бегона бўлган биз инсонлар, абадий хаёт хакидаги хитобдан бохабар бўлганимиз учун, абадийлик туйгусига умуман бегона эмасдик.
Галати бўлиб кетганимни хис килдим!.. Абадий хаётни кўргандек, у билан ёнма-ён тургандек эдим. Шу туйгулар ичида эканман, ўлимни ўйладим.
Ўлимнинг хам мохияти ўзгарганди ички дунёмда!.. Илгари хаётни тугатувчи бир нукта, улкан бир нукта деб билганим ўлим кичик, жуда кичкина бир вергулга айланганди онггимда!..
– Нимани ўйлаяпсиз?
Саид домлага карадим. Нигохларида кайнок бир муносабат, ички бир самимият бор эди. Туйгуларим билан, фикрларим билан ўртоклашишни истаётгандек эди. Майин табассум билан “Ўлимни”, дедим ва кўшимча килдим: “Зеро, бир ярим ойдан бери энг кўп ўйлаётган нарсам!..”
– Ўлимдан кўркасизми?
Дархол жавоб бермадим. Беролмасдим хам!.. Чунки, бу мавзуда анча фаркли туйгулар, анча фаркли ўй-фикрлар ичида эдим.
– Билмадим. Факат кишининг качон ўлажагини билиши, галати ва мушкул бир туйгу...
– Качон ўлишингизни биласизми?
– Узоги билан тўрт-беш ойдан сўнг!..
– Нимага бундай деб ўйлаяпсиз?
– Айтдим-ку, шиш деб. Умидим йўк...
Кулимсираганча бошини икки томонга чайкади.
– Йў-ў-ўк, сизни ўлдирадиган шиш эмас, Аллох!.. Ўлим хукми факат ва факат Аллохнинг кўлида. Истаса тўрт ой, истаса тўрт йил, агар истаса кирк тўрт йил! Касалим жиддий, деяпсиз. Лекин хеч бир касаллик Хазрати Айюб алайхиссаломнинг хасталигичалик жиддий эмас. У кишининг вужудларидаги яралар куртлаб, гўштлари тўкила бошлаганди! Хазрати Айюбнинг (а.с.) ўша холатларини бизнинг давримиздаги тиббиёт ходимлари

кўришганда эди, чидаш у ёкда турсин, шундай ахволда яшаганларини кўриб, хайратдан лол бўлиб колишарди.
Сўнг бир лахза тин олди. Енгилгина кулди.
– Хазрати Айюб ( а.с.) ўша холатда ётган пайтлари бир нарсадан жахллари чикиб, хотинларига нима деганларини биласизми?
– Нима деганлар?
– Тузалганимдан кейин сени кирк дарра ураман!.. Ўйлаб кўринг! Хаттоки, шундай огир ахволда хам согайишдан умид узмаганлар! Жумладан Аллох таоло Ўзидан умид узмаган кулини согайтиради. Дардини берган Аллох, давосини, дармонини хам беради.
Домланинг сўзларини жон кулогим билан тинглардим. Бу гўзал киссага кандай ажойиб шарх берганди!
– Шунингдек, умидим йўк, дедингиз!.. Сизнинг ахволингиз, баликнинг корнида колган Юнус алайхиссаломнинг ахволларидан хам огир, умидсизми?!.
– Тушунмадим?
– Тўфонли хавода кемадан денгизга ташланган ва бир балик тарафидан ютиб юборилган инсон хакида нима дейсиз! Кутилишига умид борми?
“Йўк”, демокчи эдим, индамадим. Чунки, Хазрати Юнус алайхиссалом кутилган эди! Кулимсираганча бошимни кимирлатдим.
Саид домла тўгри гапираётганди.
Хаттоки энг умидсиз, огир холатларда хам Аллохдан умид узмаслигимиз керак эди. Хамма нарса Аллохнинг амрига, Унинг хохишига боглик эди.
– Сиз хаксиз, устоз! Хеч качон умидимизни узмаслигимиз лозим.
“ Шундай” дегандек бошини кимирлатди. Кейин кошларини чимирганча кўшиб кўйди:
– Албатта, буларнинг барчасини хаттоки “сакарот-ул мавт” яъни, ўлим шиддати, жон чикар холатда ётганда хам ўлишларини хаёлларига келтирмайдиган, согайишларига каттик ишонган кишиларга ўхшашингиз учун айтмаяпман. Мутлако ўласиз, барчамиз ўламиз!.. Факат качон, каерда ва кай холатда ўлишимизни ёлгиз Аллох билади. Тўрт-беш ой дедингиз, балки тўрт-беш кун, балки тўрт-беш йилдир!.. Аллох билади. Мухим бўлган нарса, хар лахза ўлимга тайёр туриш, ўлимга доимо тайёр холда яшаш!..
Унга карадим. Нихоятда тўгри хамда гўзал сўзларди. Айтаётганлари хакикат эди, бирок ўзи шу гапларининг маъносини хис кила олаётганмикин? Ўлимнинг ва ўлим туйгусининг нима эканини менчалик англай олар, хис кила олармикин?
– Устоз, сиз менинг ахволимда эмассиз. Шунда хам ўлим ва ўлим тушунчаси нима эканини хис киляпсизми? Бу туйгуни англай оляпсизми?
– Бир дўстимнинг гўзал бир сўзи бор. Хакикий тафаккур эгаси, кўрларни ўйлаган вактида кўзлари кўрмайдиган кишидир. Миямиз оркали ўйлаганда, биламиз, калб билан англашимиз эса, хис килишимизни таъминлайди. Ўлим тушунчаси миямиздан калбимизга кўчган пайтда, бу хакикатни яшаётгандек, бошимиздан кечираётгандек хис килишимиз мумкин. Бундан ташкари холатларимиз орасида мухим фарк хам йўк. Барчамиз ўлимга тўгри кетяпмиз. У манзилга ким олдин боришини Аллохдан бошка хеч ким билмайди. Балки мен сиздан олдин, анча аввал ўларман.
Бу куп-курук, бекорчи сўзлар эмасди.
Саид домла англаганини хис киладиган, хис килганини англатадиган бир инсон эди. Унга хурмат билан карадим. Менга бир нарсаларни тушунтириш учун, менга нималарнидир ўргата олиш учун тинмай харакат килган бу инсонни ростдан хурмат килар, хакикатдан яхши кўрардим!..

Шу боис унинг учун нималардир килгим, уни севинтиргим келди. Бир муддат ўйлаганимдан сўнг аклимга келган биринчи фикрни унга айтишга карор килдим:
– Устоз, сизга миннатдорчилигимни билдирмокчиман. Мен билан шугуллландингиз, жуда кўп ва мухим нарсалар ўргатдингиз. Узок йиллар давомида ўрганган билмингиздан мени бахраманд килдингиз, билганларингизни мен билан бўлишдингиз...
Бир лахза тин олгач, давом этдим:
– Менинг эса, узок йиллик мехнатим эвазига эришган нарсам – дунё моли. Изн берсангиз, мен хам шу кўлимдаги бойлигимни сиз билан бўлишмокчиман. Юкоридаги сейфимда ишлатмайдиганим, мен учун ортикча бўлган анча пулим бор. Шуни илтимос, кабул килсангиз!..
Индамади.
Хеч нарса демасдан кўзларимга тикилди.
Ниманидир кўришни,нималарнидир тушунишни истаётганга ўхшарди!..
Мен эса, кўркмадим, мен эса уялмадим бу нигохлардан. Чунки ниятим холис эди, чунки самимий эдим. Пулга киймат бериб, пулни ахамиятли деб билганимдан буни таклиф килмагандим. Факатгина кичкина бир истагимни, кичик бир орзуимни тилимга чикаргандим.
Мен англаёлмайдиган бир юз ифодаси билан “ Бу билан икки марта бўлади”, деди.
– Нима икки марта бўлади?
– Мени иккинчи бор кашшок дея хисоблаяпсиз. Эхсон килиш албатта гўзал фазилат. Аммо кимларга эхсон килишингиз лозимлигини хам ўрганинг!..
Нима дейишимни хам билмай колдим. Мен бу сўзларни, бу дашномларни кўтара олмадим. Бир оз жахлим чикканини, бир оз кайфиятим тушганини хис килдим.
– Саид домла, мени нотўгри тушундингиз. Буни чин кўнгилдан килгандим. Мен билмагандим!..Сизга нимадир бериб, ўз миннатдорчилигимни изхор килмокчи эдим!.. Бундан бошкаси кўлимдан келмасди!..
Бокишлари ўзгарди, бир оз ховуридан тушди.
– Кўлингиздан келадиган, беришингиз мумкин бўлган бошка нарса бор эди!..
– Нима бор эди?
Майин табассум килиб, гапира бошлади:
– Эшитинг, сизга бир хикоят сўзлаб бераман. Огилидаги сигирининг оркасидан кун кечирадиган бир киши бор экан. Нимадир бўлибди-ю, мол-дунёга хирс кўйган бир киши унинг кандайдир ишига карашиб юборибди. Дунёпарастнинг шу кичик ёрдами олдида карздор бўлиб колишни истамаган ўша одам, бир оз ўйланиб тургандан кейин унга шундай дебди: “Аллох рози бўлсин десам, бу сен учун камлик, мен учун кўплик килади. Яхшиси огилдаги шу сигирим билан бузогини олиб кетакол!..”
Во-оххх!.. У одамга ва унинг “Аллох рози бўлсин!” дуосига берган бахосига каранг!..
Домлага карадим. Бу киссани нима сабабдан менга англатганини тушундим. У мендан худди шу “Аллох рози бўлсин!” деган дуони кутганди. Мен эса, унга сигир билан бузогини эмас, бор-йўги кичкина бир “бузокча”ни тухфа килмокчи бўлгандим!..
Кулимсираганча унга карадим ва “Устоз, айбга буюрманг”, дедим. Сўнгра “Аллох рози бўлсин!” дуосининг маъносини англаган холда, унинг бебахолигини хис килган холда:
– Сиздан Аллох рози бўлсин! – дедим.
– Иншаоллох, сиздан хам Аллох рози бўлсин! – деганча ўтирган еридан турди.
– Устоз, кетяпсизми? – дея оёкка турарканман, кўлимни таяб турган курсим билан бирга ерга йикилиб тушдим. Нима бўлганини, бу кандай юз берганини ўзим хам билмай

колдим!..

– Ёрдам керакми?

Тушган жойимда котиб колдим.

Мен бу сўзни, бу овозни олдин хам эшитгандим! Ха, бу кабристонда эшитган овозим, кабристонда эшитган сўзим эди! Саид домлага ётган еримдан хайрат билан бокдим. Кўзларим алдамаётганди, мен кабристонда кўрган киши эди бу!

Нима дейишимни, нима килишимни билолмай колдим. Ажабо, у хам мени таниганмиди? Сал олдинрок кабристонда учрашганимизни билармикин?

Юз ифодасидан, нигохларидан бирор нарсани илгаш мушкул эди. Ўрнимдан турарканман, менга илик табассум билан караб турган домлага жавобан мен хам табассум килдим:

– Аллох рози бўлсин! Зотан ёрдам бердингиз!..

---

Бугун уйга бир оз вактлирок келдим.

Рафикам Ширин болалар билан ўтирар, уларга сура ёд олдираётганди. Уларнинг бу харакатидан гоят севиндим. Шунда яна ўлим хакида, ўлимим хакида ўйладим. Аллохга шукрлар бўлсинки, кўзимни хотиржам юмишим мумкин эди. Рафикам, хаётим йўлдоши хакикатдан хам яхши инсон, окила аёл эди!.. Болаларимни хам яхши хулкли инсонлар килиб етиштира оларди.

Олдинлари ўзимга катта бахо берар, Ширин учун буюк бир неъмат ва нихоятда бебахо эр деб билардим ўзимни. Энди эса, Ширин мен учун Аллохнинг улкан бир неъмати эканини англадим.

Кутсал менга янги китобларини кўрсатди. Пайгамбарлар хакидаги киссалар хамда диний хикоялардан иборат эди. Ширинга карадим. У бугун болалар билан бозорга борганлигини, хам ўзига хам болаларга керакли диний китоблар сотиб олганлигини айтди. “Жуда яхши иш килибсизлар”, дедим.

Пайгамбарлар хакидаги киссалар алохида-алохида китоблар холида экан. Ўглимни ёнимга ўтказиб олдим-да, китобларни биргаликда кўра бошладим. Асмо хам дархол бу ёнимга ўтириб олганча уларнинг номини ўкий бошлади. Гўзал кизим, султоним ўкишни анча ўрганиб олганидан, уни исботлашни хохлаётганди. Хазрати Айюб алайхиссалом хамда Юнус алайхиссалом хакидаги китобларни кўрганимда Саид домланинг сўзларини эсладим. Имон келтирганимиз Аллох таоло хамма нарсага кодир эди. Хар ишга кудрати етадиган Аллохдан эса, хеч качон, хар кандай холатда хам асло умид узилмасди. Хазрати Иброхим алайхиссалом хакидаги китобни кўрарканман, яна Яратганнинг кудрати хакида тафаккур килдим. Хазрати Юнусни (а.с.) баликнинг корнидан куткарган Аллох таоло хазрати Иброхим алайхиссаломни хам оловдан куткарганди! Мухими, Аллохдан умид узмаслик хамда Унга керагича таваккул кила билиш эди!

Овкатдан сўнг соат ўнгача болалар билан ўтирдик. Хам сухбатлашдик, хам хазиллашиб бирга ўйнадик. Болаларни ухлатганимиздан кейин Ширинга касаллигим хакида сўз очдим. Бошим огришининг сабаби, миямда пайдо бўлган кичик бир шиш туфайли эканини билдирдим. Кўзлари катталашди. Хайратга тушди!

– Шишми?..

– Ха... Факат хавотирланишингга хожат йўк, кичкина шиш...

Бир нафас жим бўлиб колди. Сўнг менга каради. Мен гоят сокин эдим. Нигохларимда на бир вахима, на бир кайгу бор эди. Сўзларим билан холатим орасида бир богликлик кўришга уринар, лекин кўролмасди!..

– Докторлар нима дейишяпти?
– Шиш эканлигини хаммаси тасдиклашди. Хаётий хавф бор-йўклиги борасида эса, фикрлари турлича.
– Масалан кандай?
– Баъзиси олти ойдан сўнг хавф бошланади дейишса, баъзилари олти йилдан кейин дейишмокда. Яъни аник бир фикр йўк.!..
Кўзларига ёш тўлди. Титрок бир овозда:
– Олти ойми?.. – деди.
Хасталигимдан кўра кўпрок унинг ахволига ачиндим. Шамолда колган кичик бир майсадек, нафис бир чечакдек титрарди...
– Ширин, хаётим, бу бор-йўги бир докторнинг фикри холос. Ахир айтдим-ку, балки олти ой, балки олти йил деб. Ким билсин, балки ўттиз олти йилдир!.. Инсоннинг качон ўлишини факат Аллох билади. Шунингдек биз мусулмонмиз. Хар лахза ўлимга тайёр туришимиз керакмасми?
Боши билан “Ха”, деган ишорани киларкан, ўксиб-ўксиб йиглай бошлади. Унинг ахволини кўриб, мен хам йигидан ўзимни аранг тийдим. Ёнига ўтирганча, бошини кўксимга босдим. Бир кўлим билан бошини силарканман, иккинчиси билан кўз ёшларини арта бошладим.
– Мени тингла, азизам!.. Сен билан бу дунёда жуда бахтиёр умр кечиряпмиз. Аллох сендан рози бўлсин! Сен нихоятда мехрибон рафика, тушунадиган турмуш ўртогимсан. Аммо бу биргаликдаги хаётимиз абадий жаннатда хам давом этса, янада гўзал бўлади. Умид киламанки, биз буни Аллохнинг кўмаги ила амалга оширамиз, иншаоллох. Кўксимга кўйилган бошини ўзимга каратдим. Ёшланган кўзларига мухаббатла бокдим. Ўнг кўлим билан ўнг кўлини секингина сикиб: “Гапирсанг-чи, буни амалга оширамизми?”дедим.
Бир муддат тутилиб колди. Кўзларимга тикилди.
Нигохларимиз бир-бирига кадалгандек эди гўё. Бир-биримизнинг нафакат кўзларимизга, балки кўзларимизнинг ичига караётгандек эдик. Аёл билан эркак бирлашди деганлари шу бўлса керак.
Кўлимни секингина сикиб: “Иншаоллох, иншаоллох амалга оширамиз”, деди.
Шу зайл яна бир неча соат ўтирибмиз.
Унга Саид домла хакида гапириб бердим. Исмоилнинг дўконида у билан учрашганимизни хамда килган баъзи сухбатларимиз хакида айтдим. Бугун унга каттагина микдорда пул бермокчи бўлганимни, бирок кабул килмаганини билдирдим. Ширин хайрон колди. “Хайратланарли ери йўк, у киши биздан кўра бой”, дерканман, пули кўп кишилар эмас, хакикий каноатли инсонлар бой эканликларини тушунтирдим. Сўзларимни самимият билан тинглагач, домлани бирор кун уйимизга мехмонга таклиф килишимни сўради. “Иншаоллох”, дедим.
Сухбатимиз якунлангач, хуфтон намозида коим бўлдик, сўнг уйкуга ётдик. Ўнг томонимда индамасдан ётган хотиним ухлаётганмиди, йўкса ўзини ухлаганга солиб ётганмиди, билмасдим. Бирок мен ухлаёлмай ётгандим. Саид домла билан кабристонда учрашган ўша кунни ва ўша дамдаги ахволимни ўйлардим.
У кун гўзал, гоят гўзал туйгулар ичида эдим. Хеч качон ўзимни Аллохга ўша кундагидек якин хис килмаган, хеч качон ўша кунда килганимдек сидкидилдан дуо килмаган эдим. Калбимдан юксалган бир илтижо билан “Аллохим, менга ёрдам бер, Аллохим менга ёрдам бер!..” дер эдим. Сўнгра, сўнгра эшитганим ўша овоз!..
“Ёрдам керакми?”
Бу тасодиф бўлиши мумкин эмасди. Аввал ўкиган баъзи тасаввуфий хикояларни

эсладим. Муридларига ёрдамга етишган муршидлар хакида ёзилганди уларда. Тўгри-да, зотан мен Исмоилнинг дўконига унинг муршиди хакида сўраш учун боргандим. Ва у ерда яна айни инсонни, кидирганимни топгандим!.. Яъни Саид домла эди. Буларнинг хеч бири тасодиф эмасди. Хаяжонланганимни хис килдим. Гўё бир мўъжизага, хакикий мўъжизага рўпара келгандек эдим. Саид домлага бўлган фикрим, муносабатим ўзгара бошлаганди. У оддий кишилардан эмасди!..
“Аллохим, Сенга сигинаман, факат Ўзингга сигинаман”, дея дуо килардим. Нега бундай дуо килганимни ўзим хам билмайман. Хархолда, бундай нозик мавзуда янглишишни, хато килишни истамасдим.
Кайта-кайта Аллохга сигиндим, Унга таваккул килдим ва таваккул туйгуси ичра уйкуга кетдим.
Саид домланинг олдига боряпман.
Унинг ёнига бориб, яхшилаб сухбатлашмокчи, масалага ойдинлик киритмокчи эдим. Тўрвалига келганимда шошиб колдим. Чунки унинг каерда яшашини билмайман-ку! Машинадан тушиб, махаллаларни айлана бошладим. Йўл ёкасида бир кашшок кишига кўзим тушди. Бориб садака бердим. У садакани олгандан сўнг, менга караб:”Хув анави ерда турган ок автобусга чикасиз”, деди. Унинг гапларидан хайратга тушдим, лекин унга хеч нарса демасдан айрилдим. Тўгри у айтган автобуснинг ёнига бордим. Каерга боришини сўрамасдан автобусга чикдим.
Автобус худди менинг чикишимни кутиб тургандек, дархол кўзгалди. Тўрвалидан чикиб, тогли бир йўлдан кета бошладик. Каерга, кайси манзилга кетаётганимизни билмасдим, аммо ички бир туйгу билан Саид домлага якинлашаётганимни хис килардим.
Атроф бирдан корайди. Бир муддат бу ерости йўлининг тугашини кутдим. Факат бу узун коронгу йўлнинг хеч поёни йўкдек эди. Ташкаридан одамларнинг овозлари, фарёдлари кела бошлади!.. Дахшат билан ташкарига карадим. Шунда бу коронгу йўлнинг гира-шира бурчакларида гурух-гурух бўлиб турган турли одамларга кўзим тушди. Баъзилари гаплашиб ўтиришарди, баъзилари шароб-ичкилик ичишар, яна кайси бирлари раксга тушишарди!..
Кичкириклар, у кўркинчли фарёдлар шуларники эди, бирок ўзлари бунинг фаркига боришмасди!..
Бу вахима уйготувчи фарёдлар ўзлариники эканидан мутлако бехабар холда тинмай сўзлашар, кулишар, ўйинга тушишарди!..
Автобус тўхтади.
Чиптачи эшикни очганча, ташкарига каради. Йўловчи олмокчига ўхшарди. Гира-шира бурчаклардаги инсонларга кайта каради. Сўнгра ўнг кўлини кулогига теккизганча азон чакира бошлади.
Хайратдан котиб колдим!..
Кўз ўнгимда содир бўлаётган холатни анграйганча кузатиб турардим. Ташкарига карадим. Жуда кўп инсон азон овозини эшитмасди. Азон овозини эшитган баъзи бирлари эса, бир харакат билан ўтиришларини сал тузатар, сўнг яна гапиришда, кулишда давом этишарди.
Азон тинди!..
Хеч ким келмади, хеч ким автобусга чикмади!..
Нимадандир хафа бўлганимни, кайфиятим тушганини хис килдим. Ва автобус ўрнидан кўзгалди.
Чиптачига карадим. Оркадаги ўриндигига ўтирганча тасбех ўгирар, нималардир деб

пичирларди. Ташкаридаги кичкирик ва фарёдлар яна-да юксалди!.. Кўзларим автобуснинг эшигига тушди-ю, дахшатдан сесканиб кетдим!.. Эшик ланг очик эди!.. Баландликдан кўркадиган киши, юксак бир ердан туриб, жарликка караганда кандай кўркса, худди шундай вахима билан очик колган эшикдан кўз узолмасдим!.. Гўё, кандайдир бир мавхум куч мени шу эшикка томон тортаётгандек эди!..
Ўтирган ўриндигимга махкам ёпишиб олдим.
Ўриндикнинг копламасини чангаллаб олган кўлларимни озгина бўшатсам бас, шамол учирган бир пардек автобусдан ташкарига чикиб кетишимни, отилиб кетишимни хис килардим. Чиптачига: “Хой биродар, эшикни ёпсангиз-чи!” дея хайкиргим келди. Бакириш учун огзимни катта килиб очдим, хайкириш у ёкда турсин, огзимдан хаттоки бир товуш, сас-садо чикмади. Гўё огзим улкан бир бўшликдан иборатдек эди. Бу бўшликда на нафас , на-да бир хаво бор эди.
Гўёки фазода эдим. Хавосиз бўшликда гапиришнинг иложсизлигини энди фарклаётгандек эдим!.. Кўзларимни мўлтиратиб чиптачига карадим. У хам менга караб турар, лекин индамасдан тасбех ўгиришда давом этарди!.. Шу кўркув, шу вахима ичида якка-ёлгиз колгандим. Ахволимдан ўзим хам ачиниб кетдим. Ўзим учун, чорасизлигимдан ўкиниб йиглай бошладим.
Шунда аклимга бирдан Раббим келди!.. Дархол, Аллохни эслашим билан, “Ё Раббим, ёрдам бер!..” дея хайкирдим. Овозим барча товушларни, фарёдларни босиб кетди, бутун чинкирикларни тўхтатди!..
Бундан ўзим хам хайратда колдим. Хозиргина хайдовчи ёрдамчисига гапирмокчи бўлиб, бир товуш чикмаган огзимдан, бундай гумбурлаган овоз кандай чикиши мумкин?!. Чиптачига карадим. Хайкиригимни эшитган бўлса керак, у хам менга жилмайганча бокиб турарди. Шунда ёнимдан, шундок ёнгинамдан бир овоз келди: “Ёрдам керакми?”
Аллохим!.. Яна ўша таниш овоз эди! Яна худди ўша сўз эди!
Тош котиб колдим!..
Оташ бўлиб ёнаётган вужудимни хаётбахш сувга киргандек хис килдим шу лахзада. Бутун жисмим рохатлангандек бўлди. Севиндим дейишим, бир оз куйирок таъриф бўлиб колади. Чунки севинишнинг кандай юксак туйгу эканлигини хис килдим! Гўё хар бир хужайрам севинч ичра харакат киларди!
Бошимни секин-аста овоз келган тарафга бура бошладим. Бошимни бурганим сайин атроф ёришар, автобуснинг ичи ойдинлашиб, ернинг устига чикиб борарди.
Шундок ёнгинамда ўтирган киши Саид домла эди!.. Хеч бир сўз демасдан менга карар, жилмайиб турарди. Юзидан таралаётган нур, автобуснинг ичини ёритиб юборганди гўё!.. Нигохлари эса, умуман бошкача эди. Менга жуда олисдан, бошка бир оламдан караётгандек кўринарди.
Бу муборак кўзларга тик караб гапиролмасдим!.. Туйгуларимни биргина харакат билан изхор килиш максадида кўллари томон эгилдим. Бу муборак инсоннинг кўлини ўпмокчи, кайта-кайта ўпмокчи эдим. Шу пайтгача хеч бир кишига бундай муносабатда бўлмагандим. Бирок энди шундай килмокчи эдим, килишим керак эди!.. Чунки Саид домла хеч кимга ўхшамаган муборак бир инсон эди. Ичимдаги туйгуларим, хиссиётларимни билиб турганга ўхшарди!..
Хурмат билан эгилдим, эгилдим, эгилдим!..
Бирок, галати бир холат рўй берди!.. Мен домланинг кўлига канчалик эгилсам, кўл мендан шунчалик узоклашарди. Гўё чексиз бир бўшликка эгилаётганга ўхшардим! Бирок нима килиб бўлмасин, мен бу кўлни ўпишим керак эди. Кўзларимни юмганча ўша чексиз

бўшликка, ундаги кўлга томон талпиндим.
Мана нихоят унинг кўлини тутдим!.. Дархол лабларимга босганча ўпа бошладим. Бирок, яна хайратим ортди. Мен кўлни ўпганим сайин кўл каттиклашиб борарди!..
Кўзларимни очдим. Тубсиз бир жарликнинг лабида турардим!.. Ушлаганча ўпаётганим кўл эса, хайкалнинг кўли эди. Сочи кўпикка ўхшайдиган кандайдир бир одамнинг хайкали эди бу!..
– Бу ёкка кел!..
Овоз келган тарафга ўгирилдим. Саид домла сал нарирокдаги бир дарахтнинг тагида ўтирарди. Айб иш килиб кўйган боладек унинг ёнига бордим. Нигохлари ўткир ва газабнок эди!.. Ўзига якинрок ерни кўрсатганча, “Ўтир!” дея ишора килди. Ўтирдим.
Бир ўралган кичик когозни олдимга ташлади ва: “Буни ол, бу мени танишинг учун!” деди. Хайрат ичра когозни оларканман, сўрадим:
– Бу нима?
– Факатгина мен килган бир иш...
Кўлимдаги гижимланган когозга караб турар, очишга журъат килолмасдим. Мўъжизага, аник бир мўъжизага рўпара келаман, дея ўйлардим. Бу кичик когознинг ичида нима хам бўлиши мумкин?.. Олмосми, ёкутми? Бу олийжаноб, бебахо инсон йўкса, бир оддий тошни ёкут холига, олмос холига келтирганмикин?..
Кўлларим титраганча оча бошладим. Нихоят очдим. Тилим айланмай колгандек бўлди!.. Негаки, кўлимдаги когознинг ичида бир нажас, ёнгокдек катталикда инсон нажаси турарди!.. Хам хайрат хам жирканиш билан унга караб турарканман, Саид домлага ўгирилганча: “Бу инсон нажаси-ку!..” дедим.
– Ха, менинг нажасим.
– Уни нега менга бердингиз?..
– Бир махлук эканимни, мен хам Аллохнинг сенингдек бир бандаси эканимни билишинг учун!..
Нима дейишимни билмай колдим. Бир сўз демасдан унга термулиб турарканман, яна нигохларида кескинлик ва газаб намоён бўла бошлади:
– Мен сенга тогутни, мени тогут ўрнига кўйишинг, менга сигинишинг учун танитганмидим? Яхшиямки, пайгамбарларни ва уларнинг мўъжизаларини кўрмадинг! Йўкса, уларга сажда килган бўлардинг!
Аллохим!.. Бу одам нималар деяпти?! Улкан бир уят туйгусининг остида эзилганимни хис килдим. Ер ёрилмади, кириб кетмадим!..
Ахволимни англагандек, холимга ачинганидан бир оз юмшок охангда гапира бошлади:
– Менга кара, эй йигит! Инсонни хамма ерда кўриб турадиган, хар ерда эшитадиган ва барча дуоларни ижобат киладиган факатгина ёлгиз Аллохдир. Дуоларни кабул килувчи Парвардигор, Ўзига илтижо килган Нух алайхиссаломни кема, Хазрати Юнус алайхиссаломни эса, балик оркали куткарди. Хазрати Нухнинг кутилишини кемадан деб билишимиз канчалик ахмоклик бўлса, Юнус алайхиссаломнинг кутилишини баликдан деб билишимиз хам худди шундай аклсизликдир! Ягона куткарувчи, кутилиш василаларини яратган Аллохнинг Ўзидир! Кутилишларини сабабдан деб билганлар эса, ўша сабабларни илохлаштирган гумрохлар, жохиллардир. Тушундингми?
Тушундим дегандек, бошимни кимирлатдим. Бу харакатимдан каноатланмагандек, такрор сўради: “Англадингми?” Секингина “Тушундим”, дедим. Бу сафар бакирганча сўради: ”Тушундингми деяпман!” Мен хам “Ха, тушундим, тушундим!” дея бакирганча жавоб бердим. Ва ўзимнинг овозимдан, хайкиригимдан уйгониб кетдим.

“Англадим!..”

Икки-уч хафта кўрган тушимнинг таъсиридан чиколмай юрдим. Хеч кимсага бу туш хакида гапиришни, хеч кимдан унинг таъбирини сўрашни истамадим. Чунки, бу туш мен учун гоят аник ва тушунарли эди. Факат шу тушга тегишли бўлган “Асмо-ул хусна” яъни Раббимизнинг гўзал исмларини, гўзал сифатларини англатган китобни сотиб олдим. Бу китобни ўкирканман, кўрган тушимни ва ундаги вокеа-хабарларни яна хам аникрок, яхширок англардим.
Басир бўлган, Самиъ бўлган, Ходи бўлган, Кодир бўлган, Молик бўлган факат ва факат Раббимиздир! Буюк бўлган Парвардигоримизнинг хар кайси сифатидан бирини бир инсонга, бир махлукка нисбат этиш, у инсоннинг гайбни кўришини, гайбни билишини гумон килиш, хеч шубхасиз, ўша инсонни, ўша махлукни илохлаштиришга уринишдир!..
Хам нега, нима сабабдан бундай килишга эхтиёж туямиз? Бизни зотан хар ерда кўрадиган, хар ерда эшитадиган, яширин-очик хар амалимизни хакки билан билган, биладиган бир Илохимиз, ягона Раббимиз бор эмасми?!.
Ва шу бир Илохимиз, ягона Раббимиз бизга етмайдими?
Ўз-ўзимча кулимсирадим. Кимни айблаётган эдим?! Шу янглишликка тушган, хак йўлдан адашган кимсалардан биттаси ўзим эмасмидим?! Кадрли бир киши бўлган, бебахо мусулмон бўлган Саид домла хакида турли хил хато фикрларга борган мен эдим. Хаттоки, тушни кўргандан, тушимда очик хабарни олгандан кейин хам, бир лахза, бир муддат бу тушни Саид домладан деган васвасага боргандим!..
Тангрим мени кечирсин!..
Хеч шубха йўкки хар хайр, яхшиликнинг ягона сохиби бўлган Аллохдандир. Биз мусулмонлар, хар яхшиликни Аллохдан деб билишимиз, хар хайрни факат ягона Аллохдан кутишимиз керак.
Раббимга хамдлар бўлсин, шукрлар бўлсин!..
Аллохга бўлган ишончим, эътикодим баъзи хурофотлардан тозалангандан сўнг, бундай соф эътикоднинг мусулмонлар учун канчалик мухим, канчалик бебахо эканини яна хам яхширок англаб етдим. Биз яшаётган бу дунёда миллионларча, милярдларча инсон бор. Аллохга имон келтириш мухим, жуда мухим, бирок ана шу ишончни кадрли киладиган унсур, эътикоднинг хар турли бидъат-хурофотдан, хар турли ширкдан узок бўлиши эди. Хамма нарсанинг ягона эгаси, хамма нарсанинг якка Хокими Аллохдир!..
Инсон учун энг улкан даража, шон-шараф, ширк кўшмасдан Унга кул бўлиши эди! Хакикий шараф ва иззат мана шудир!.. “Сен кимсан, кимнинг кимисан?” дея сўраганларида, кўзлари билан Аршга ишора килиб, “Мен Аршнинг сохиби бўлган Аллохнинг кулиман!” дея олиши эди!..
Ва мен, Салжук Аллохга хамд бўлсин-ки, хамдимни эшитган Раббимнинг кулиман.
Энди ёлгиз, энди чорасиз эмасман!.. Чунки, хар ишга Кодир, хамма нарсага Хоким бўлган бир Раббим бор! Ана шу Раббим шунчалар мархаматли ва шунчалар шафкатли эдики, менга, менингдек ожиз-нотавон бир махлукка азиз бир вакил бўлиши мумкинлигини ваъда килаётган эди!
Аллохнинг бир мўъминга, бир мусулмонга вакил бўлиши!.. Хатто тукларимни тикка килган, вужудимнинг зарра-зарраларигача таъсир килган, иззат берган бир неъмат эди бу! Оламларнинг Рабби бўлган Аллохга йўналиб, “Хасбуналлохи ва неъмал вакил” деган Салжук энди ёлгиз хам, энди чорасиз хам эмасди!..
Рахмон ва Рахим бўлган бир Раббим бордир! Мени хар ерда, хамма вакт кўриб турган,

менга мендан кўра якин бўлган ана шу Раббим билан биргаликда юрар, бирга ўтирар, бирга яшардим!..
Сенга Сен лойик бўлганингдек хамд бўлсин, Сенга Сен лойик бўлганингдек шукрлар бўлсин эй Раббим!..

Ва орадан анча кунлар, анча ойлар ўтди.
Ўтган хафта роппа-роса олти ой тўлганди. Бир неча хил дорилар билан бирга гиёхларни хам ичишда давом этаётгандим. Бош огригимда кучайиш ёки сезиларли бир ўзгариш бўлмади. Ўтган шу олти ойлик вакт ичида факат менда ва менинг оиламда ўзгариш содир бўлганди, оила хаётимиз ўзгарганди.
Топ-тоза, нурдай порлок бир хаёт ичига киргандик. Бу дунёга нима учун келганлигимизни билардик ва шу эътикодга кўра, шу идрокка кўра яшай бошлагандик. Бизларни тирилтирган ва хаётимизга ойдин маънони онггимизда уйготган бир идрок эди бу.
Хотирасини йўкотган бир инсон узок йиллар шу ахвода яшагандан сўнг, яна хотираси тикланганда нимани хис килса, мен хам худди шуни хис килаётгандек эдим. Шу хасталик василаси билан мозийимни, шу дард туфайли “колу бала”ни, шу касаллик василасидан Раббимни ва Раббимга берган ахдимни эслагандим.
Ким эканим, нима бўлганим маълум эди энди. Илгарилари сохиб бўлганим барча “этикитка”ларни, барча сифатларни тарк килган, факатгина битта сифатга, факат бир шахсиятга махкам ёпишгандим.
Менга шараф берган, менга иззат берган бу шахсият Аллохга кул бўлиш шахсияти эди!..
Бу орада Саид домлани яна икки-уч марта кўрдим. Яна дийдорлашдик, яна сухбатлашдик, яна иймонлашдик!.. Фабрикага икки марта келиб, барча ишчиларга нихоятда гўзал насихатлар ва тушунчалар берди. Кўпгина ишчилар билан самимий ва якин муносабатлар ўрнатди. Гўё уларга мендан кўра якинрок, уларни мендан кўра кўпрок севаётгандек туюлди. Аммо, кизганмадим! Унга бўлган хурматим ва мухаббатим янада ортди. Кандай гўзал инсон, канчалар яхши мусулмон эди у!..
Шифокорим Закийбек эса, ўтган ойда автомобил халокатидан вафот килганди... У менга менинг ўлимим хабарини бераётганида, шубхасиз ўзининг мендан олдин ўлишини билмаганди!..
Рафикам Шириннинг кистови билан, пешонамдаги шишнинг холатини ўрганиш учун кайтадан рентген килдирдик. Аслини олганда мен буни умуман хохламагандим. Шиш катталашдими, кичиклашдими, мен учун бунинг ахамияти йўк эди.
Бутун диккат-эътиборимни, кизикишимни Аллохга каратгандим. Хаёт томирим Аллохнинг кўлида эди. У хохлаган пайтида, хохлаган шаклида, истаган ерида бу томирни киркиши мумкин эди.
Хатто, хозир, шу лахзадаёк кесиб юбориши хам мумкин эди.
Раббим шохид бўлсинки, бу ўй менга хеч кандай кўркув ёки хавотир бермаётганди. Аксинча калбимда умид тўла хушнудлик уйготганди. Чунки мусулмонча яшаш кандай гўзал бўлса, мусулмонча ўлиш хам худди шундай гўзал ва хуш эди!..
Раббимнинг олдида бўйним эгилган, юзим ёруг эди.
Хамма нарсанинг мутлок сохиби, мутлок Хокими ўларок факат ва факат ягона Раббимни кўрар, шу имон-эътикод билан йўналган, Раббимга шу ишонч билан куллик килишга харакат килардим.
Шундай холатда ўлиш демак, иншаоллоху таоло Рахмоннинг рахматига ковушиш

деганидир.Чексиз мархамат сохиби бўлган Раббимнинг мени хакикий мусулмон шахсида ўлдириши, менга “Эй бандам, энди Мен сендан розиман! Энди сен учун имтихон, синов тугади!..” дейиши эди!..
Мухими бу шахсни, энг ахамиятли бўлган нарса, бу самимий ва шижоатли мусулмон шахсиятини бой бермасдан, Азроил (а. с.) билан саломлашиш ва ўлим билан кучоклашиш эди!.. Чунки шундай холатда келган ўлим, Жаннатга ва Жаннатнинг Сохибига етишиш дегани эди!..
Иншаоллох, иншаоллох ё Рабби!..

Ширин билан такрор шифокорга бордик. Туширилган рентген натижасига кўра, шиш олти ой олдин кандай бўлса, шундан асло катталашмаганди. Шифокорларнинг фикрига кўра, унинг хавфли боскичи ўтган бўлиб, секин-аста йўколиб кетиши хам мумкин экан.
Бу хабарни эшитиб, на севиндим, на хафа бўлдим. Балки сизга галати туюлар, лекин миямдги бу шишнинг йўколиб кетишини сираям истамасдим. Чунки пешонамдаги бу шиш маъдан конларида ишловчиларнинг пешонасидаги ёритгич янглиг йўлимни ёритган, тўгри йўлни топишимга васила бўлганди!..
Негадир бу шишни яхши кўриб колгандек эдим. Уни шиш деб эмас, пешонамдаги нур дея кабул килгандим!..

КАСИДА

Аршнинг куббаларига номи нурла ёзилган,
Исми самода Ахмад, ерда Мухаммад бўлган,
Етти кават осмонда Хак жамолини кўрган
Аввал-охир йўлбошчи, ё хазрати Мухаммад!

Сизга нур ёмгирлари ёгаркан, етти катдан
У тунда сиз, дин келган азал кадар узокдан.
Малаклар хар заррага мужда бераркан, Хакдан
У тунда сиз тугилган, ё хазрати Мухаммад!

Куёш хам у кечанинг нурига сажда килди!
Юлдузлар бехуд бўлиб, коинот важда килди!
Хамду санолар бари Яратганга ўкилди,
У тунда сиз туфайли, ё хазрати Мухаммад!

Каъбада ширк тошлари – бутлар ерга куларкан,
Жахолат байроклари бари бир-бир синаркан,
Минг йиллик куфр олови абадиян сўнаркан
Кутлуг кадамингиздан, ё хазрати Мухаммад!

Шу тунда Саъва кўли мўъжизайла йўк бўлди!
Кисро саройларининг устунлари йикилди!
Арздан Аршгача олам рахматингизга тўлди!
- У кеча сиз, дин келган, ё хазрати Мухаммад!

Гўдаклик йўргагингиз ок булутдан ўралган,
Тугилиб-тугилмасдан, сажда амри берилган,
Бошингизда оламга рахмат тожи кўрилган!
Коинотнинг сарвари, ё хазрати Мухаммад!

Сизнинг гўзал хулкингиз, ахлокнинг намунаси,
Гўзал сабр бобида башарнинг энг аълоси!
Ул Жаннат маконингиз, факирларнинг хонаси!
Кўнгиллар хазинаси, ё хазрати Мухаммад!

Сизга шохид хак сўзлар азалдан бери хар он,
Сизга шохид оятлар хар заррада битилган!
Сиздан айро колмокка кандай чидасин, бу жон?!
Сиз хар жонда жононсиз, ё хазрати Мухаммад!!!

Меърож тунида бир-бир, очилди сизга кўклар,
Салом билан каршилаб, хар кават пайгамбарлар!
Шундай бир он келди-ки, тўхтаб барча малаклар!
Хакка ёлгиз бордингиз, ё хазрати Мухаммад!

Кўнгил кўзи кўр инсон, жон кўзини найласин!
Дунёда дўнмаган тил, Махшарда не сўйласин?!
Мавло бутун башарни умматингиз айласин!
Байрогингиз остида, ё хазрати Мухаммад!!!

Хак билан кул висоли, у илохий бир тўйда,
Хеч кимдан хеч кимсага фойда бўлмаган кунда
Хайру-шаррни хос тортган, у тарозу ўнггида
Сиз шафоатчим бўлинг, ё хазрати Мухаммад!

Биламизки, хукми йўк, бу дунё неъматининг,
Кўнгилдир сармояси, охират сарватининг
Сизга саловот-салом йўллаган хар умматнинг
Жаннат шохиди бўлинг, ё хазрати Мухаммад!!!

Жаннат сари етакланг, ё хазрати Мухаммад!
Жаннатларга етакланг, ё хазрати Мухаммад!

Туркчадан
Гулбахор Абдуллох кизи таржимаси.